

Алишер Худайбердиевич ДОНИЁРОВ

Хоразм археология-этнография экспедицияси
Ўзбекистон этнография фанида

Ўқув қўлланма

* * *

Масъул муҳаррир:

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон
Республикаси ФА академиги,
тарих фанлар доктори, профессор **С.К. КАМОЛОВ**

Такризчилар:

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби,
фалсафа фанлари доктори, профессор **И.М. ЖАББОРОВ;**
тарих фанлари номзоди **Ш.Ж. САИДОВ**

*Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар
таълими ўқув-методик бирлашмалар фаолиятини
Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2007 йил 23 февралдаги 5-сонли
байномасига мувофиқ тарих факультети талабалари учун ўқув
қўлланмаси сифатида нашрга тавсия этилган.*

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	4
КИРИШ	5
I боб. ХОРАЗМ АРХЕОЛОГИЯ-ЭТНОГРАФИЯ ЭКСПЕДИЦИЯСИ: ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ	8
1.1. Хоразм экспедицияси дебочаси ва яратилиш тарихи	8
1.2. Хоразм археология-этнография экспедициясининг XX аср 50- йилларидан кейинги фаолияти	12
Муҳокама учун саволлар	34
II боб. ХОРАЗМ АРХЕОЛОГИЯ-ЭТНОГРАФИЯ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ФАОЛИЯТИНИНГ БАЪЗИ НАТИЖАЛАРИ	37
II.1. Хоразм археология-этнография экспедициясининг тарихшунослиги	37
II.2. Хоразм воҳасининг этнографияси ва моддий маданият тарихини ўрганиш (XX аср анъанавий манзилгоҳлари мисолида)	48
II.3. Қорақалпоғистон этнографияси: ривожланиш динамикаси ва илмий тадқиқотларнинг мазмундор жиҳатлари	57
Муҳокама учун саволлар	72
ХУЛОСА	74
АДАБИЁТЛАР	76
ХОРАЗМ АРХЕОЛОГИЯ-ЭТНОГРАФИЯ ЭКСПЕДИЦИЯСИ АСАРЛАРИ	83
ХОРАЗМ АРХЕОЛОГИЯ-ЭТНОГРАФИЯ ЭКСПЕДИЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ	83
ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ	84

СЎЗ БОШИ

Хоразм воҳасида яшовчи халқлар этнографиясининг тарихий ҳамда тарихни баён этиш масалаларини ўрганиш - биринчи навбатда, Ўрта Осиё ушбу минтақасининг этномаданий ўзига хослиги, тарихининг алоҳида маданий моҳиятга эгаллиги билан боғлиқдир. Айнан шу минтақада кўплаб асрлар мобайнида Ўрта Осиёнинг бошқа минтақаларидан фарқ қиладиган, бетакрор, аксарият холларда, ўзига хос шаклларда кўплаб халқлар ахлоқий-маънавий ва маданий бойликларининг бир-бирига сингиб кетиши билан ифодаланувчи ноёб этник, маданий ва бошқа жараёнлар кечган.

Хоразм воҳаси ва унга ёндош ҳудудларда яшаган ҳамда яшаётган халқларнинг тарихи, археологияси, этнографияси ва маданиятини ҳар томонлама тадқиқ этишни мақсад қилиб олган ихтисослашган қатор экспедицияларнинг турли вақтларда ташкил этилганлигини шу билан изоҳлаш мумкин.

Хоразм археология-этнография экспедицияси (ХАЭЭ) Хоразм воҳасини тадқиқ этишда етакчи илмий тузилма бўлди.

Мазкур ўқув қўлланмада ХАЭЭни барпо этиш, унинг фаолиятини ташкил қилиш ва техник жиҳозлаш бўйича олиб борилган саъй-ҳаракатлар ўз ифодасини топган. Хоразм экспедицияси ишининг урушдан (1941-1945 йиллар) олдинги даври экспедиция илмий услубиятининг, ўз тадқиқот услубининг шаклланиш даври бўлди. Шунингдек, ўқув қўлланмада услубиятнинг изчиллиги ва ҳозирги босқичда унинг янада ривожланиши акс этган.

Хронологияга амал қилган ҳолда ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб, экспедиция фаолиятининг асосий босқичлари берилган, энг аҳамиятли ёдгорликлар ҳамда экспедиция ишлари мавзулари айтиб ўтилган.

Экспедиция тамғаси билан чиққан асарлар, экспедиция ходимларининг сўнги асарлари тарихни баён этиш жиҳатдан таҳлил этилган.

Илова тарзида ХАЭЭ асарлари ва материаллари рўйхати берилди.

Ўқув материалининг тугал бўлишлари тарзидаги ҳар бир боб ниҳоясида оралик ва якуний назорат ҳамда талабаларнинг билимларини баҳолаш учун назорат саволлари тавсия этилган, улардан муҳокама ҳамда талабаларнинг мустақил ишлари учун саволлар сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

КИРИШ

Хоразм – қадим-қадимдан деҳқончилиги ва шаҳар маданияти ривожланган, айни вақтда, кўчманчи чорвадор қабилалар яшаган ҳудудга чегарадош бўлган тарихий-маданий вилоят сифатида Ўзбекистон ҳудудида халқларнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим ўрин тутган. Бу ерда махсус ўрганиш ва умумлаштиришни тақозо этувчи этно-маданий тараққиётнинг мураккаб жараёнлари содир бўлганки, бу муаммо Ўзбекистон ва бутун Ўрта Осиё тарихи учун долзарб аҳамиятга эга.

Шу боис ушбу минтақа тарихчилар, этнографлар, археологлар, шунингдек табиий шароитлари ва экология тизимининг ривожланиши ўзига хос бўлган Хоразм экологияси ва иқлими муаммолари билан шуғулланувчи бошқа соҳа вакилларининг (географлар, гидрогеологлар, туپроқшунослар) диққат марказида эканлиги тасодифий эмас. Хоразм ва унинг маданиятини ўрганишда 1937 йилда ташкил этилган ва 40 йил муттасил Сергей Павлович Толстов раҳбарлик қилган Хоразм археология экспедициясининг улкан ролини сўз билан ифодалаш мушкул. Унда қатнашган ходимларнинг тиришқоқлиги ва ташаббускорлиги бу экспедицияни тарих фанининг йирик илмий гуруҳига айлантирди.

У комплекс археология-этнография экспедициясига айлангач, техник воситалар билан янада таъминланди. Экспедициянинг қарийб 70 йиллик изланишлари натижасида қўлга киритилган кўплаб археологик материаллар Ўзбекистоннинг қадимий тарихига доир бир қатор долзарб муаммоларни янгича ёритиш имконини беради.

Хоразм ва унга чегарадош ҳудудларнинг бой этнография материаллари экспедиция фаолиятининг бебаҳо натижасидир. Бизнинг давримизгача деярли йўқолиб кетган кўплаб обидалар, анъаналар, урф-одатлар Хоразм археология-этнография экспедицияси тадқиқотлари натижаси ўлароқ фан учун, тарихий хогира сифатида сақланиб келмоқда.

Хоразм экспедицияси собиқ иттифоқдош республикалар Фанлар академиялари билан доим узвий алоқада фаолият олиб борган.

Мазкур археология-этнография экспедицияси билан бир пайтда таниқли ўзбек олими Я.Ф. Гуломов ҳам кўп йиллар давомида ушбу муаммо билан шуғулланган. Ўрта Осиёда тарих фанининг шаклланишида ҳам Хоразм экспедицияси катта аҳамият касб этган. Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг ҳозирги тарихчи, археолог ва этнограф олимларининг аксарияти Хоразм археология-этнография экспедицияси мактабини ўтган.

Ушбу экспедиция тадқиқотлари доирасида ҳар томонлама ўтказилган таҳлиллар акс эттирилган ва экспедиция материаллари умумлаштирилган махсус асарларнинг йўқлиги мазкур тадқиқотнинг долзарблигини кўрсатади, зеро эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу қўлланмада Хоразм археология-этнография экспедицияси фаолиятини тарихий умумлаштиришга ва, умуман, Ўрта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда

тарих фанининг ривожланишига ушбу экспедициянинг таъсирини кўрсатишга ҳаракат қилинган.

Илмий жамоатчилик экспедициянинг юбилей саналарини унинг беназир раҳбари С.П. Толстовнинг таваллуд санаси билан уйғун ҳолда доим кенг нишонлаб келган. Дарвоқе, ушбу саналарга махсус мақолалар бағишланиб, уларда экспедиция фаолияти муфассал баён этилган эди¹. Шунингдек, юбилей саналарига бағишлаб тадқиқотларнинг асосий йўналишлари қамраб олинган тематик тўпламлар ҳам чоп этилган². Улардан бирида (Этнография и археология Средней Азии. - М.: Наука, 1979) С.П. Толстов асарларининг рўйхати берилган³.

Бундан ташқари, Хоразм археология-этнография экспедицияси «Асарлар»нинг ҳар бир жилдида экспедиция фаолиятининг муайян даври бўйича ўзига хос тарихий маълумотларни акс эттирувчи муқаддима бериб борилган. Шуни таъкидлаш жоизки, Хоразм археология-этнография экспедицияси фаолияти ҳануз махсус тадқиқ этилмаган.

Мазкур ишнинг асосий мақсади Хоразм археология-этнография экспедициясининг бутун фаолияти давомида белгиланган ва амалга оширилган тадқиқотни таҳлил этишга қўл уришдир.

Тадқиқот доирасида қуйидагилар асосий мақсад қилиб олинди:

• Хоразм археология-этнография экспедициясини йўлга қўйиш ва ривожлантириш, замонавий фан ютуқларини тадқиқот методикасига татбиқ этиш ва техник жиҳозлаш борасидаги фаолиятини акс эттириш;

• Ўрта Осиёни тарихий ўрганишда Хоразм археология-этнография экспедициясининг роли ва ўрнини аниқлаш;

• экспедиция фаолиятининг асосий жиҳатлари ва унинг натижаларини ёритиш;

• Хоразм археология-этнография экспедициясининг асосий нашрларини (Илмий асарлар, материаллар ва айрим нашрлар асосида) таҳлил қилиш.

Таҳлил жараёнига Хоразм археология-этнография экспедициясининг 60 йиллик фаолияти натижаларини ўзида жам этган ишлар жалб қилинди. Бунда уларнинг мазкур иш мавзусига мослиги назарда тутилди.

¹ Қаранг, масалан: Жданко Т.А. Этнографические исследования и этнографы Хорезмской экспедиции // Этнографическое обозрение (ЭО). - 1997. - № 1. - С. 70-85; № 2. - С. 15-33.; Жданко Т.А., Итина М.А. Сергей Павлович Толстов (1907-1968) // Советская этнография (СЭ). - 1977. - № 2; Итина М.А. Проблемы археологии Хорезма (к 40-летию Хорезмской экспедиции) // Советская археология (СА). - 1977. - № 4. - С. 41-51; Итина М.А., Левина Л.М., Неразик Е.Е., Рапопорт Ю.А. К 60-летию Хорезмской археолого-этнографической экспедиции // ЭО. - 1996. - № 6. - С. 19-33.

² Қаранг: История, археология и этнография Средней Азии. - М.: Наука, 1968; Этнография и археология Средней Азии. - М.: Наука, 1979; Приаралье в древности и средневековье. К 60-летию Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. - М.: Восточная литература, РАН, 1998.

³ Этнография и археология Средней Азии... - С. 173-179.

Этиборингизга ҳавола этилаётган ушбу қўлланмада таҳлил қилинган ишлар шартли равишда уч гуруҳга бўлинади.

Биринчиси – Хоразмни илмий ўрганиш тамал тошини қўйган С.П. Толстовнинг монографиялари.

Иккинчиси ва, айни вақтда, асосийси – «Хоразм археология-этнография экспедицияси»нинг Илмий асарлари бўлиб, ҳозирга қадар уларнинг 16 жилди, Хоразм экспедицияси материалларининг 10 та тўплами чоп этилди.

Мазкур гуруҳга, шунингдек, экспедиция ходимларининг монографиялари ҳам киритилган.

Учинчи гуруҳни тўпламлар ва даврий нашрлар, журналлар ва ҳар йили рус тилида нашр қилинадиган «Археологик кашфиётлар» йилномаларидаги материаллар ташкил этади.

Таҳлил қамровига олинган барча асарлар экспедиция тадқиқотининг кенг қўламлилигини акс эттириб, ибтидоий даврдан то ҳозирги кунгача бўлган хронологик даврни қамраб олган.

Хоразм археология-этнография экспедицияси ўз фаолиятини 1937 йилда бошлаб, ҳозирга қадар давом эттирмоқда. Собиқ Иттифок худудидаги сиёсий ўзгаришлар таъсирида Ўрта Осиёда Хоразм археология-этнография экспедицияси ишини ташкиллаштиришда муайян ўзгаришлар юз берди. Бироқ илмий алоқалар узилмади ва экспедиция Қозоғистон ҳамда Қирғизистон Фанлар академиялари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти, Хоразм Маъмун академияси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қоракалпоғистон бўлими ва илмий муассасалар билан ўзаро алоқада ишлашни давом эттирмоқда.

Матнни танқидий ўқиш методикаси ишнинг назарий-методологик асосини ташкил этиб, бунда ахборот у ёки бу ишнинг принциплар асослари, хулосалар таҳлили матндаги далилларга асосланади.

Ушбу қўлланмада Хоразм археология-этнография экспедицияси фаолияти тарихини тадқиқ этишга ва экспедиция натижалари баён этилган асарлар таҳлиliga ҳаракат қилинган. У махсус Хоразм археология-этнография экспедициясига бағишланган илмий ва публицистик материаллар, шунингдек унинг нашрларининг тарихшунослик таҳлилининг тадқиқ қилиш борасидаги илк тажрибадир.

Қўлланмадан ушбу мавзунинг бундан буёнги тадқиқи ва тарих фанининг шаклланиши ва ривожланиш тарихини ўрганишда, шунингдек, Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистон (хусусан Хоразм) тарихи, этнографияси, археологияси бўйича махсус курслар, маърузалар тайёрлашда, библиографик кўрсаткичлар тузишда, оммавий-маърифий ишларда фойдаланилиши мумкин.

ХОРАЗМ АРХЕОЛОГИЯ-ЭТНОГРАФИЯ ЭКСПЕДИЦИЯСИ: ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

1.1. Хоразм экспедицияси дебочаси ва яратилиш тарихи

Илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақаладиган Ўрта Осиё халқларининг минглаб йиллик тарихи ва бой маданиятини тадқиқ этиш археология фанининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Жанубий Туркменистон ва Жанубий Ўзбекистонда ривожланган ва қуйи бронза даврининг илк шаҳар марказларига эга бўлган қадимги деҳқончилик ишларининг топиллиши, шунингдек, Туркменистон, Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларида антик ва илк ўрта асрга оид меъморчилик обидалари ва тасвирий санъат ёдгорликларининг кашф этилиши археологлар олиб борган ва олиб бораётган улкан ишларнинг кичик бир қисми, холос.

Жаҳон цивилизациясининг энг қадимги марказларидан бири бўлган Ўрта Осиё худуди бугунги кунда нафақат маҳаллий тадқиқотчилар, балки бир қатор қўшма экспедициялар томонидан ҳам ўрганилмоқда. Қадимий Афросиёбдаги ўзбек-француз экспедицияси, Эски Термиз ва Сурхондарёнинг Қоратепа манзилгоҳидаги будда ёдгорлигида фаолият олиб бораётган ўзбек-япон экспедицияси фикримизга далил бўла олади. Ўзбекистон ва Германия мутахассислари Марказий Қизилқумни ўрганиш бўйича, Австралия олимлари эса ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими⁴ билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар.

Россия тарихшунослари ҳам Ўзбекистон олимлари билан яқин ҳамкорлик қилмоқдалар.

Бухоро яқинидаги Пойканд кўҳна шаҳар харобаларида ЎзР ФА Археология институти билан Россия Давлат Эрмитаж, Россия Шарқ халқлари музейи билан Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси ўртасида узоқ йиллик ҳамкорлик давом этмоқда. Россия-Қозғоғистон-Ўзбекистон қўшма палеолит гуруҳи Россия Фанлар академияси Новосибирск бўлими раҳбарлигида иш олиб бормоқда.

Буларнинг ҳаммаси бугунги кун воқелигидир. Ўрта Осиё археологиясида бўлганидек, ушбу ҳамкорликка, умуман, ўтган асрнинг 30-йилларида Термиз (ТАКЭ), Етгисув, Фарғона, Қуйи Зарафшон экспедициялари ташкил этилган вақтларда асос солинган. Улар олдига Ўрта Осиё халқлари тарихини қайта яратиш учун янги маълумотлар тўплаш вазифаси қўйилган эди. Ўша давр тадқиқотларига А.М. Беленицкий, А.Ю. Якубовский, Я.Ф. Фуломов, В.А. Шишкин, А.П. Окладников, М.М. Дьяконов, А.И. Тереножкин каби кўплаб таниқли

олимлар сулоласи раҳбарлик қилишган.

Йирик олимлар ва фан ташкилотчиларининг кўзга кўринган намоёндаларидан бири С.П. Толстов эди. Унинг номи 1937 йилда мазкур олим раҳбарлигида иш бошлаган Хоразм археология-этнография экспедициясининг барпо этилиши ва фаолияти билан узвий боғлиқ.

Биз С.П. Толстовнинг таржимаи ҳоли устида батафсил сўзламоқчи эмасмиз. Унга бағишланган бир қатор мақолаларда бу ҳақда айтилган⁵. Фақат шуни эслатиб ўтмоқчимизки, экспедиция ташкил этилган пайтдаёқ у Москва давлат университетида дарс берган, Моддий маданият тарихи институтининг илмий котиби бўлган, сўнгра эса унинг Москва бўлимига раҳбарлик қилган, 40дан ортик (жумладан, Ўрта Осиё бўйича) илмий асарлар яратган⁶.

Унинг илмий қизиқишлари доираси ниҳоятда кенг эди. Олимнинг ибтидоий жамият тарихи, дин тарихи, Ўрта Осиё халқлари тарихи, тарихий география ва нумизматика масалалари, замонавий этнография, палеогеография ва этнонимика, этногенез муаммолари ва тарих фанининг кўплаб бошқа соҳалари бўйича яратган асарлари мутахассисларга яхши таниш.

С.П. Толстов Хоразмга биринчи марта 1929 йилда ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институтлари Россия уюшмаси (РАНИОН) тарих-этнография экспедицияси таркибида келган эди. А.Ю. Якубовский раҳбарлигидаги ушбу экспедиция кейинчалик унинг фаолият йўналишларини белгилаб берди.

1934 йилда М.Б. Воеводский раҳбарлигидаги экспедиция Туркменистоннинг Тошовуз вилоятида иш олиб борди.

Хар икки экспедиция бир қатор ёдгорликларнинг ўрта аср қатламларини ўрганди. Тошкентлик археологлар Я. Фуломов ва Т. Мирғиёсов раҳбарлигидаги экспедициялар 1936 йилда Манғит яқинидаги Кубатов тепалигида биринчи минг йиллик ўрталарига оид зардуштийлик қабрини қазиб очиб, Хоразмнинг исломгача бўлган қадимги тарихига илк бор қўл урди. Я.Ф. Фуломов 1937 йилда Жанубий Қорақалпоғистоннинг қадимий суғориладиган қудуқларидаги бир қатор

⁵ Сергей Павлович Толстов (таваллудининг 60 йиллиги). История, археология и этнография Средней Азии. - М., 1968. - С. 5-7; Жданко Т.А., Итина М.А., Сергей Павлович Толстов (1907-1968). // СЭ. - 1977. - № 2. - С. 3-14; Итина М.А. Проблемы археологии Хорезма (К 40-летию Хоразмской экспедиции) // СА. - 1977. - № 4. - С. 41-51; Джаббаров И.М. С.П. Толстов и историко-этнографическая наука в Средней Азии // Этническая история и традиционная культура народов Средней Азии и Казахстана. - Нукус, 1989. - С. 259-270; Ўзбекистон тарихи ва этнографиясини бойитган буюк олим // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. - 2005. - № 6. - 40-46-б.; Итина М.А., Левина Л.М., Неразик Е.Е., Рапопорт Ю.А. К 60-летию Хорезмийской археолого-этнографической экспедиции // ЭО. - 1996. - № 6. - С. 19-33.

⁶ Список трудов С.П. Толстова / Этнография и археология Средней Азии... - С. 173.

⁴ Қаранг: ИМКУ. - Т. 30-35. - Самарқанд, 1998-2003; Отчеты Бухарского отряда - Л.: Гос. Эрмитаж, 1998-2003; Материалы Тохаристанской экспедиции. Т. 1-3. Т., 1999, 2003.

кўхна шаҳар харобаларини тадқиқ қилишда давом этди⁷.

С.П. Толстов биринчи сафари чоғидаёқ мазкур минтақа истикболини муносиб баҳолаб, аспиранти А.И. Тереножкинни ўша ерга юборган эди (1937). Унинг илк ўрта асрга оид Бургутқалъа воҳасини ва бир қатор ёдгорликларни тадқиқ этиши Хоразм экспедицияси мунтазам дала ишларининг бошланишига асос бўлди⁸.

Ҳали йўловчи ва юк ташувчи автомобил йўллари Хоразмнинг барча худудларини камраб олмаган иккинчи жаҳон урушидан олдинги йиллардан муқим экспедиция ишлари бошлаб юборилди: қазилма ишлари илк ўрта аср қалъаси бўлган Тешикқалъа (VI-VIII асрлар), Аёзқалъа-3 мустаҳкам кўргони ва унинг яқинидаги уй (милоднинг дастлабки асри), Жонбосқалъа-4 неолит даври манзилгоҳи ва бошқа ёдгорликлар қазиб очилди.

С.П. Толстовнинг 1942 йилда Тошкентда ҳимоя қилган докторлик диссертацияси асосида яратган «Қадимги Хоразм»⁹ номли монографияси экспедициянинг иккинчи жаҳон урушигача бўлган тадқиқотларига яқун ясади.

Экспедиция олдида: Амударё ва Сирдарё қадимий ўзанлари тарихини, ушбу воҳаларга аҳолининг келиб жойлашиши тарихини ўрганиш; мамлакат тарихи ва маданиятининг айрим даврлари тавсифини мавжуд даврлаштириш доирасида кенгайтириш ва чуқурлаштириш; Хоразм воҳасига қўшни бўлган қадимги хоразмликлар кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолининг ижтимоий тузумини тадқиқ қилиш каби бир қатор йирик муаммолар турарди. Этник тадқиқот ушбу барча даврлар учун ниҳоятда муҳим экани эътироф этилди.

Дастлабки йилларда тўпланган дала тадқиқотлари материаллари бой ва хилма-хил бўлган.

Экспедиция маршрутлари 1500 километрга яқин бўлиб, бунда 400 тадан зиёд ёдгорлик очилди, шулардан 14 таси турли даражада қазилган¹⁰.

Уруш даврида экспедиция иши тўхтатиб турилди. Деярли барча ходимлар кўнгилли бўлиб фронтга кетдилар.

1945 йилдаёқ Қорақалпоғистонда Тупроққалъада бир қатор текширув ишлари олиб борилди, Жонбосқалъадаги неолит даврига оид бир қанча ёдгорликлар қазилди.

Урушдан кейинги йилларда Хоразм экспедицияси янги усулда иш олиб бориб, қўлами кенгайдн, у Собик Иттифоқ худудидидаги энг йирик ва

техника жиҳатидан яхши таъминланган экспедициялардан бирига айланди. Ўзбекистондаги бир қатор экспедициялар ҳам шу йўсинда ривожланди. Жумладан, 1946 йилда барпо этилган Термиз комплекс археологик экспедицияси (ТКАЭ), Жанубий Туркменистон археологик комплекс экспедицияси (ЖТАКЭ), М.Е. Массон ташкил этган ва ўзи бошчилик қилган Қашқадарё археология-топография экспедицияси шулар жумласидандир¹¹.

Тадқиқотларни комплекс олиб боришни қатъий туриб ёқловчи С.П. Толстов мазкур экспедицияни археология-этнография экспедицияси¹² сифатида қайта ташкил этди. Экспедиция ишларида археологлар ва этнографлардан ташқари, геологлар, геоморфологлар, тупроқшунослар, географлар, антропологларнинг ҳам иштирок этиши, кенг қўламда аэроосулларнинг¹³ қўлланиши (жаҳон амалиётида биринчи марта) – буларнинг бари экспедиция олдида турган муаммолар доирасини кенгайтириш ва ҳал этиш имконини берди.

Археологик-қидирув ишларида аэроосуллардан фойдаланиш (аэроқидирув кузагуви, бутун борича ва режавий аэрофотосуратга олиш, аэрофотограмметрия, бориш қийин ерларга авиадесантлар тушириш) илк бор Хоразм экспедициясига насиб этди. Бу усулларни қўллаш орқали Хоразм минтақасининг табиий-иқлим шароитларидан келиб чиқадиган қуйидаги муаммолар ҳал этилди:

- қадимий суғориш тармоғини ўрганиш (қадимги каналлар қум билан қопланган бўлиб, ердаги текширувларда фақат айрим қисмларигина кўзга ташланади);

- барханлар чала-ярим қоплаган қадимий тураржойлар тарҳини ва меъморий қиёфасини аниқлаш ер усти ўлчовларига ва топографик суратга олишга кетадиган вақтни тежаш имконини берди;

- чўлдаги авиакидирувларнинг кенг қўламлилиги объектларни тўлиқ камраб олиш, улкан худудга назар солиш имконини берди.

Дарвоқе, ушбу усулни қўллаш Хоразм археология-этнография экспедициясининг анъанавий амалиётига айланди. Агар биз экспедициянинг илмий натижалари чоп этилган «Асарлар»идаги суратларга назар ташласак, объектларнинг аэрофотосуратлари-ю улкан массивларнинг карта-схемалари ва уларнинг изоҳномаларини кўрамыз¹⁴.

¹¹ Усманова З.И. Кафедре археологии ТашГУ - 50 лет // Древняя и средневековая археология Средней Азии. – Т., 1990. С. 3-15.

¹² Жданко Т. А. Этнографические исследования Хорезмской экспедиции (народы, проблемы, труды) // Культура и искусство Древнего Хорезма. - М., 1981.

¹³ Толстов С.П. По следам... – С. 38; Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. - М., 1969; Уша муаллиф. Дешифровка аэрофотоснимков при изучении древних оросительных систем / Археология и естественные науки. - М., 1976.

¹⁴ Кой-крийган-кала // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. - Т. V. – С. 8, 9, 11; Кочевники на границах Хорезма // Труды Хорезмской археолого-

Аэроқидирув натижаларидан бошқа олимлар ҳам, айниқса, сугориш тарихи билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этишда кенг фойдаланадилар.¹⁵

Замонавий фан ва техника ютуқлари бугунги кунда космосдан олинган тасвирлардан фойдаланишга асосланади¹⁶. Бу жараёнда яна “хоразмийлар” муҳим роль ўйнайдилар.

Ўрта Осиё чўлларидаги иш шароитлари, археология ёдгорликларнинг ўзига хослиги, қазिश жараёнида катта ҳажмдаги тупроқ ишларини бажариш қазिशмалар вақтининг ўзида энг янги усулларни қўллашни тақозо этади. С.П. Толстов бошчилигида экспедиция техника билан таъминланди. 50-йилларнинг бошидан энг сермеҳнат тупроқ ишлари механизациялаштирилди - илк бор транспортёрлар қўлланди. Ҳа, янги техника ва янги усуллар қўлланилмаганда эди, турли даврларга мансуб талайгина ёдгорликлар фанга номаълумлигича қолар, Тупроққалъа ва Қўйқирилганқалъа, Бабиш-мулла ва Тағискен каби ёдгорликларни қазिश ишлари узоқ йиллар чўзилган бўлар эди.

1.2. Хоразм археология-этнография экспедициясининг XX аср 50-йилларидан кейинги фаолияти

Хоразм археология экспедицияси 50-йиллар бошига келиб мураккаб мултисоҳалар бўйича тадқиқотлар олиб бора оладиган кўп тармоқли комплекс экспедиция сифатида узил-кесил шаклланди. Тадқиқотлар қўлами ўз ичига этнографиядан то палеоклиматологиягача бўлган кенг доирадаги муаммолари ва вақт жиҳатидан эса тош асрдан то бизнинг кунларимизгача бўлган улкан даврни қамраб олган. Бу даврда комплекс археология-геоморфология тадқиқотлари жойларда махсус йирик қўламли аэрофотосуратлар олиш ва уларнинг натижаларини изоҳлаш баробарида Амударё ва Сирдарё дельталаридаги ён ирмоқлар атрофида аҳолининг жойлашиш тизимини аниқлашга олиб келди. Бунда энди гап илгария - «Қадимий Хоразм» ёзилган даврдаги бошланғич материал ҳақида эмас, балки кўплаб аҳоли турар жойлари хусусида боради.

Адабиётларда қайд этиш расм бўлганидек, Хоразм этнография экспедициясининг ўзбек этнография гуруҳининг энг маҳсулдор даври 1940

этнографической экспедиции. - Т. XI. - М.: Наука, 1979. - С. 153, 155; Городище Топрак-кала // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Т. XII. - М.: Наука, 1981. - С. 9; Топрак-кала. Дворец // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Т. XIV. - М.: Наука, 1984. - С. 15 ва бошқалар.

¹⁵ Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг сугорилиш тарихи (қадимги замонлардан ҳозиргача). - Т., 1959; Мухамеджанов А.Р. История орошения Бухарского оазиса с древнейших времен до начала XX в. - Т., 1978.

¹⁶ Андрианов Б.А., Глушко Е.Б. Қаранг: Экологическое ландшафтоведение и проблемы изучения зон экологического бедствия // Аральский кризис (историко-географическая перспектива). - М., 1991.

йил боши - 1950 йиллар охирини ўз ичига олувчи вақтга тўғри келади¹⁷. Бу ўринда, аввало, Хоразм археология-этнография экспедицияси раҳбари С.П. Толстовнинг амалда экспедиция катнашчиларининг ўзига хос, ҳар томонлама тадқиқот якунлари бўлган экспедиция материалларига асосланган «Қадимги Хоразм»¹⁸ (1948) номли йирик асарини кўрсатиб ўтиш жоиз. Комил ишчи билан айтиш мумкинки, ушбу асар Ўрта Осиё халқлари этнографиясига оид бир қатор муаммоларнинг келгусидаги қўшлаб тадқиқига йўналиш берди. Хусусан, айтайлик, дин тарихи тадқиқ этилаётган минтақада узоқ қадимда яшаган халқларда мавжуд бўлган эркаклар иттифоқи, яширин жамиятлар ва хоказоларни ўрганиш кизиқарли, албатта.

Кези келганда, жумладан, К. Задикина¹⁹, М. Сазонова²⁰нинг, хусусан С.П. Толстовнинг экспедицияда этнографик ишлар бўйича ўринбосари Т. Жданко²¹нинг илк асарларини, шунингдек Хоразм археология-

¹⁷ Тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: Толстов С.П. Итоги двадцати лет работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции // СЭ. - М., 1957. - № 4. - С. 31-59.

¹⁸ С.П. Толстовнинг илмий фаолияти ҳақида кўплаб ишлар яратилган. Биз бу ўринда Сергей Павловичнинг этнографик фаолиятига энг яқин ишларни айтиб ўтамиз: Джаббаров И.М. С.П. Толстов и историко-этнографическая наука в Средней Азии // Этническая история и традиционная культура народов Средней Азии и Казахстана. - Нукус, 1989. - С. 259-270; Т. Жданко ва М. Иттиганинг “Советская этнография” журналида чоп этилган (1977. - № 2. - С. 3-14) “Сергей Павлович Толстов (1907-1976)” таъзия мақоласи.

¹⁹ Задыкина К.Л. Узбеки дельты Амударьи: Археологические и этнографические работы Хорезмской экспедиции в 1945-1948 гг. // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. - М., 1952. - Т. I. - С. 319-426; Ўша муаллиф. Культ и быт узбеков Кипчакского района Каракалпакской АССР // Там же. - Т. II. - С. 761-808.

²⁰ Қаранг: Сазонова М.В. К этнографии узбеков Южного Хорезма // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. - М., 1952. - Т. I.

²¹ Қаранг, масалан: Т.А. Жданковнинг ХАЭЭ материаллари асосидаги қўйидаги ишлари: Родоплеменная структура и расселение каракалпаков низовьев Амударьи в XIX - начале XX в. // Краткие сообщения Института этнографии АН СССР. - М., 1949. - Т. VI. - С. 58-63; Очерки исторической этнографии каракалпаков: родоплеменная структура и расселение в XIX - начале XX в. - М.-Л., 1950. - С. 171; Изучение истории каракалпаков за годы Советской власти // КСИЭ. - М., 1950. - Т. II. - С. 110-114; Каракалпаки Хорезмского оазиса // Хоразм археология-этнография экспедицияси. - М., 1952. - I ж.; Историко-этнографический атлас Средней Азии // СЭ. - 1955. - № 3. - С. 20-29; Изучение народного орнаментального искусства каракалпаков // Ўша жойда. - № 4. - С. 56-69-б.; Каракалпаки в конце XVIII - начале XIX в. // История Узбекской ССР. - Т., 1956. - Т. I.; Об организации и методике полевых этнографических исследований // СЭ. - 1956. - № 3. - С. 25-34 (В.Ю. Крупянская ва Л.Н. Терятева); Каракалпакская эпическая поэма “Кырк кыз” как историко-этнографический источник // КСИЭ. - М., 1958. - Т. XXX. - С. 110-120; Народное орнаментальное искусство каракалпаков // Хоразм археология-этнография экспедицияси. - М., 1958. - Т. III. - С. 373-410; Новые материалы по патриархальным пережиткам в земельно-водной общине Средней Азии // Материалы Второго совещания археологов и этнографов Средней Азии. - М.-Л., 1959. - С. 190-208; Проблема полуседлого населения в истории Средней Азии и Казахстана:

этнография экспедициясининг илмий натижалари ёритилган бошқа асарларни²² айтиб ўтиш жоиз.

Этнолог олим И. Жабборов²³ М. Ломоносов номидаги Москва давлат

Доклад на XXV Международном конгрессе востоковедов. - М., 1960. - Секция X. - История Азии. - С. 12; Низовья Амударьи. Сарыкамыш. Узбой: История формирования и заселения // Материалы Хорезмской экспедиции. - М., 1960. - Т. 3; Быт колхозников рыболовецких артелей на островах Южного Арала // СЭ. - 1961. - № 5. - С. 27-43; Проблема полуседлого населения в истории Средней Азии и Казахстана // Там же. - № 2. - С. 62; Проблемы этногенеза каракалпаков // Вестник Каракалпакского филиала АН УзССР. - Нукус, 1966. - № 1. - С. 73-81; Историко-этнографический атлас Средней Азии и Казахстана: Проект структуры разделов "Земледелие" и "Животноводство" // Региональное совещание по вопросам подготовки атласа Средней Азии и Казахстана: Методические материалы. - М., 1967. - С. 3-30; Номадизм в Средней Азии и Казахстане (Некоторые исторические и этнографические проблемы) // История, археология и этнография Средней Азии (К 60-летию С.П. Толстова). - М., 1968. - С. 274-281; О типе этнических общностей с пережитками родоплеменной структуры в Средней Азии и Казахстане (XIX в. - начало XX в.). - М., 1973 ва бошқалар.

²² Қаранг, масалан: Мошкова В.Г. Некоторые общие элементы в родоплеменном составе узбеков, каракалпаков и туркмен // Труды Института истории и археологии АН УзССР. - Т., 1950. - Т. II. - С. 135-158; Андрианов Б.В. Ак-Джагыз (К истории формирования современной этнической территории каракалпаков в низовье Амударьи // ХАЭЭ. - М., 1952. - Т. I. - С. 567-584; Ўша муаллиф. Этническая история каракалпаков в Северном Хорезме (XVII-XIX вв.) // Там же. - М., 1959. - Т. III. - С. 252-282; Камалов С.К. Каракалпаки в Хивинском ханстве до присоединения к России (Историко-этнографический очерк): тарих фаилари номзоди... дисс. автореферати. - М., 1953. - 19 б.; Косбергенов Р. Положение каракалпакского населения в Хивинском ханстве в конце XIX - начале XX в.: Историко-этнографический очерк: Автореф. дисс. ... к.и.н. - М., 1953. - С. 15; Ўша муаллиф. Там же // ХАЭЭ. - М., 1958. - III б.-С. 207-268; Среднеазиатский этнографический сборник / Отв. ред. С.П. Толстов, Т.А. Жданко. - Т. I. - М., 1954. - С. 412; Т. II / Отв. ред. Н.А. Кисляков, Т.А. Жданко. - М., 1959. - С. 409; Морозова А.С. Культура домашнего быта каракалпаков начала XX в. (К вопросу этногенеза): Автореф. дисс. ... к.и.н. - Т., 1955. - С. 16; Шалекенов У.Х. Жилище каракалпакского колхозного крестьянства // Краткие сообщения Института этнографии АН СССР. - М., 1958. - Т. XXVIII. - С. 47-51; Андрианов Б.В., Мелков А.С. Образцы каракалпакского народного орнамента // ХАЭЭ. - М., 1958. - Т. III; Джарылгасинова Р. Культура и быт корейцев совхоза «Раушан» Кунградского района Каракалпакской АССР // Краткие сообщения Института этнографии АН СССР. - М., 1960. - Т. XXXVI. - С. 54-63 ва бошқалар.

²³ Қаранг, масалан: И.М. Жабборовнинг ХАЭЭ материаллари асосидаги куйидаги ишлари: Городское ремесло узбеков Хорезма в конце XIX - начале XX вв. (Историко-этнографический очерк): Автореф. дисс. ... к.и.н. - М., 1954. - С. 15; Некоторые этнографические материалы узбекского эпоса "Алпамыш" // Тезисы докладов и сообщений регионального совещания по эпосу "Алпамыш". - Т., 1956. - С. 25-26; Из истории изучения ремесла в дореволюционном Узбекистане // Краткие сообщения Института этнографии АН СССР (КСИЭ). - М., 1959. - Т. XXXII. - С. 74-94; Из истории изучения этнографии узбекского народа. - Т., 1959. - С. 20; К вопросу о технике чугуно-литейного производства Хорезма // История материальной культуры Узбекистана. - Т., 1959. - Т. I. - С. 208-215; Новые материалы к истории гонимого ремесла Хорезма // ХАЭЭ - М., 1959. - Т. IV. - С. 379-396; Об ученичестве и

университетида ўқиган йилларида мазкур экспедиция ишида иштирок этиб, кейинчалик тўплаган илмий маълумотлари асосида 1954 йилда "XIX аср охири XX аср бошларида Хоразм ўзбекларининг шаҳар хунармандчилиги (тарихий этнографик очерк)" мавзuidaги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Шундан сўнг, у кўп йиллар мобайнида Хоразм мавзусини давом эттириб илмий ишларини эълон қилган.

Хоразм экспедициясининг фаолияти ва, умуман, Ўзбекистондаги этнографик тадқиқот ишлари ҳақида сўз борганда 1940 йилнинг иккинчи ярми - 50-йилларнинг биринчи ярми анчагина мураккаб, айни вақтда, этнографик маълумотларга энг бой давр бўлганлигини айтиб ўтиш зарур.

Бу - «космополитизм»²⁴ ва этнографиядаги «миллатчилик»ка, патриархал-уруғчиликни, патриархал-феодал тузумни қандайдир «идеаллаштиришга»га, халқ оммаси турмушидаги «сарқитлар»га қарши шафқатсиз кураш даври эди. Этнографлар урушдан кейинги авлодининг катта фанга кириб келиши маълум даражада уларнинг 30-йиллар, «даҳшатли 1937 йил»дан эсон-омон ўта олган, Ўзбекистон этнографиясининг энг муҳим кадриятларини сақлаб қолган катта авлод олимларининг тажриба ва билимлари, шунингдек дўстона самимий ёрдамлари ва қўллаб-қувватлашларига таянишлари боис енгил кечди. Булар, шубҳасиз, мард ва ажойиб олимлар бўлиб, урушдан кейинги этнографлар улар қаторидан муносиб ўрин эгалладилар.

Дарвоқе, ана шундай ажойиб олимлардан бири, Хоразм экспедициясининг этнография бўлимини бошқарган (1945-59 йиллар) Т. Жданко²⁵ эди. Олима тадқиқотларининг асосий йўналиши - Ўрта Осиё даиғларидаги кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлар, асосан, қорақалпоқлар тарихи ва этнографиясини ўрганишдан иборат бўлди. Т. Жданко ҳар йили

ремесленных цехах в Средней Азии в конце XIX - начале XX вв. (По материалам Хорезма) // Материалы Второго совещания археологов и этнографов Средней Азии, 29 октября - 4 ноября 1956 г. - М., 1959. - С. 81-89 ва бошқалар.

²⁴ Бу жиҳатдан СССР ФА Этнография институтининг Илмий кенгашида «Этнографияда буржуа космополитизмга қарши кураш ҳақида»ги масаланинг муҳокама қилинганлиги эътиборга лойиқдир. Бу ҳақда қаранг: СЭ. - 1949. - № 2. - С. 170. Шундай муҳокамалар собиқ СССР ФА Тарих институтининг Илмий кенгашида 1949 йил 24, 25 ва 28 мартда (Қаранг: Вопросы истории. - 1949. - № 3. - С. 152) ва МДУ тарих факультетининг Илмий кенгашида 1949 йил 25, 26 ва 28 мартда бўлиб ўтди. (Қаранг: Там же. - № 2. - С. 154).

²⁵ Т.А.Жданконинг илмий фаолияти ҳақида муфассал қаранг: Итина М.А. Хорезмская экспедиция - основные этапы и перспективы исследований // Материалы научной конференции, посвященной 40-летию Хорезмской экспедиции. - М., 1978; Лукин Б.В. Библиографические очерки о деятелях общественных наук Узбекистана. - Т., 1976. - Т. 1. - С. 224-229; Юбилей ученого-этнографа: К 70-летию со дня рождения Т.А.Жданко // Общественные науки в Узбекистане. - 1979. - № 10. - С. 63-64; Камалов С.К. О жизни и научной деятельности Татьяны Александровны Жданко // Этническая история и традиционная культура народов Средней Азии и Казахстана. - Нукус, 1989. - С. 7-13.

бир неча ойлаб Қорақалпоғистонда иш олиб борар экан, Улканнинг илмий ҳаётида, хоссатан бу ерга собиқ Иттифоқ Фанлар академияси Этнография институтининг аспирантураси орқали этнограф илмий ходимлар тайёрлашда ҳам фаол иштирок этди.

Т. Жданко анъанавий ва унга яқин тарихий-этнографик мавзулардан ташқари, янги ва энг янги давр этнографияси муаммоларини ҳам тадқиқ этишга фаол киришган. Академик Ю. Бромлей раҳбарлигида рус тилида тайёрланаётган «СССРда замонавий этник жараёнлар» номли йирик асарнинг муаллифлар таркибидан ўрин олди. 70-йиллар охири – 80-йиллар ўрталарига қадар у 5 та собиқ иттифоқдош республиканинг илмий режаларига киритилган ва собиқ Иттифоқ Фанлар академиясининг Этнография институти томонидан мувофиқлаштириб турилган «Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг қишлоқ оиласи турмушида янги ва анъанавий жиҳатлар» мавзусига илмий раҳбарлик қилди.

Хоразм археология-этнография экспедицияси фаолияти тўғрисида сўз борар экан, ўша йилларда собиқ Иттифоқда этнографик тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи бош муассаса, йирик марказ ҳисобланган собиқ Иттифоқ ФА Этнография институти ходимларининг экспедициядаги фаол иштироки ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз²⁶.

Т. Жданко ва Ю. Рапопорт институтнинг Хоразм экспедицияси билан боғлиқ ишларига оид лавҳаларни эслаб, жумладан, шуларни қайд этган эдилар: «Институтимиздаги дастлабки қорақалпоқ аспирантларидан бири Собир Камолов урушда лейтенант, взвод командири бўлган. Москвада ўқиётган кезларда унинг оғир жароҳати тез-тез очилиб, госпиталга ётар эди. Бу унинг Хоразм экспедициясининг ҳамиша қувноқ, зехнли ходими бўлиб юришига асло ҳалақат бермас эди. Ҳа, собиқ жангчиларнинг аксарияти қувноқ ва одамшаванда эди. Хоразмда бегубор кулги ва кўшиқлар мудом жаранглаб турар эди»²⁷.

40-йилларнинг иккинчи ярмидан 80-йилларгача бўлган давр – тадқиқот муаммоларини кенгайтириш ва теранлаштириш, тарих-этнография соҳасида, шунингдек, бевосита йирик этнографик асарлар яратиш билан ажралиб турувчи қорақалпоқ халқининг этнографияси масалалари бўйича кенг қўламдаги илмий ишларнинг пайдо бўлиши билан характерланади²⁸.

²⁶ Қаранг: Жданко Т.А. Этническая история и историко-культурные связи народов Средней Азии и Казахстана в трудах этнографов // Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. – Т. 1. – М., 1990.

²⁷ Жданко Т.А., Рапопорт Ю.А. Годы войны жизни С.П.Толстова // Этнографическое обозрение. – М.: Наука, 1995. – № 2. – С. 73.

²⁸ Қаранг: Толстова Л.С. Каракалпаки Ферганской долины. – Нукус, 1959; Ўша муаллиф. Каракалпаки за пределами Хорезмского оазиса в XIX - начале XX века. – Нукус, 1963; Хозяйство Каракалпакии в XIX - начале XX века: Материалы к историко-этнографическому атласу Средней Азии и Казахстана. – Т.: Фан, 1972; Есбергенов Х.,

Қорақалпоқлар тарихига бағишланган асарлар билан бир қаторда хўжалик масалалари, қорақалпоқ халқи турмуш тарзи²⁹, халқнинг анъана, маросим ва урф-одатлари³⁰, амалий санъати³¹, фольклори³² ва театри³³ чуқур таҳлил қилинган бир қатор асарлар дунёга келди.

Машхур ўзбек археологи Я.Гуломовнинг Ўзбекистон ва, умуман, собиқ Иттифоқ илмий жамоатчилиги ўртасида кенг маълум бўлган, жумладан қимматли этнографик маълумотларни ҳам ўз ичига олган «Хоразмнинг сугориш тарихи (қадимги замонлардан ҳозиргача)»(1959й.) асари билан тугалланган кўп йиллик археологик изланишлари ҳам, Хоразм

Атамуратов А. Традиции и их преобразование в городском быту каракалпаков. – Нукус, 1975; Этнография каракалпаков // Отв. ред. Т.А.Жданко, С.К.Камолов. – Т.: Фан, 1980 ва бошқалар.

²⁹ Қаранг, масалан: Морозова А.С. Культура домашнего быта каракалпаков в начале XX века (К вопросу этногенеза): Автореф. дисс. ... к.и.н. – Т., 1957; Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII - XIX вв.: К истории взаимоотношений с Россией и среднеазиатскими ханствами. – Т.: Фан, 1968; Бекмуратова А.Т. Быт и семья каракалпаков в прошлом и настоящем. – Нукус, 1970; Этнография каракалпаков XIX - начала XX вв.: Материалы и исследования. – Т.: Фан, 1980 ва бошқалар.

³⁰ Қаранг: Камалов С.К. Пережитки ислама и традиции старого быта у каракалпаков // Материалы II совещания археологов и этнографов Средней Азии. – М.-Л., 1949; Есбергенов Х.Е. К вопросу о борьбе с пережитками устаревших обычаев и обрядов каракалпаков (На материале погребальной обрядности). – М., 1963; Коган Г.Д. Каракалпакские народные детские игры. – Т.: Ўқитувчи, 1969; Атамуратов Т.А. Народные традиции и их преобразование в городском быту каракалпаков. – Нукус, 1976; Бекмуратова А. Терминология родства у каракалпаков // Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана // Сборник. – М.: Наука, 1978; Шилманов П., Корсеев О. Каракалпакские подвижные игры в школе. – Нукус, 1978; Есбергенов Х.Е. Реликты культа животных у каракалпаков в XIX - начале XX вв. // Всесоюзная сессия по итогам полевых этнографических и антропологических исследований 1978-1979 гг.: Тезисы. – Уфа, 1980; Нурмухамедов М.К. Игры в альчики у каракалпаков // Вестник ККФ АН УзССР. – 1983. – № 1. – С. 54-60; Есбергенов Х. Мужские собрания «зияфат» у каракалпаков: По итогам полевых этнографических и антропологических исследований 1982-1983 гг. / Тез. докл. – Часть 1. – Черновцы, 1984 ва бошқалар.

³¹ Қаранг: Жданко Т.А. Народное орнаментальное искусство каракалпаков: Материалы и исследования по этнографии каракалпаков // ТХАЭ. – Т. III. – М., 1958. – С. 373-411; Савицкий И.В. Народное прикладное искусство каракалпаков: Резьба по дереву. – Т.: Наука, 1965; Алламурастов А. Каракалпакская народная вышивка. – Нукус: Каракалпакстан, 1977; Утемисов А. Ремесло // Этнография каракалпаков. – Т.: Фан, 1980. – С. 142-175; Алламурастов А.А. Каракалпакское нагрудное украшение хайкель // Этническая культура народов Средней Азии и Казахстана. – Нукус, 1989 ва бошқалар.

³² Қаранг: «Қырк кыз» – каракалпакский героический эпос. – Нукус, 1956; Жданко Т.А. Каракалпакская эпическая поэма «Қырк кыз» как историко-этнографический источник // КСИЭ АН СССР. – Т. XXX. – М., 1958; Коблан. Каракалпакский народный эпос. – Нукус, 1959; Каракалпакский фольклор. – Нукус, 1977; Есбергенов Х.Е., Хошиниязов Ж. Этнографические мотивы в каракалпакском фольклоре. – Т.: Фан, 1988 ва бошқалар.

³³ Қаранг, масалан: Алланазаров Т. Каракалпакский советский театр: Истоки и формирование. – Т.: Фан, 1966.

археология-этнография экспедицияси сирасида амалга оширилган этнографларнинг Хоразм экспедицияси доирасидаги дала ишлари ҳам ўлкашунослик ва тарих музейлари орқали, шу жумладан, 1948 йил 15 июлда Москвада очилган СССР халқлари музейида ҳам кенг оммалаштирилди³⁴.

ХАЭЭнинг этнографик тадқиқот натижалари собиқ Иттифоқ доирасида ҳам, шунингдек, Ўзбекистоннинг ўзида ҳам турли илмий анжуманлар ва тадбирларда бир неча бор муҳокама қилинган. Шу жиҳатдан, масалан, собиқ Иттифоқ Фанлар академиясининг 1949 йил 4 июндаги умумий йиғилишида³⁵, мазкур академия Этнография институтининг Ўрта Осиёда этнографик ишларни ривожлантириш муаммоларига бағишланган йиғилишида (1949 й. декабр)³⁶ ва ушбу институт экспедиция ишларининг илмий натижалари³⁷га бағишланган сессияларида (1949 ва 1950 йиллар) собиқ Иттифоқ Фанлар академиясининг тарих фанлари бўлимининг бирлашган сессиясида ҳамда шу академия Моддий маданият тарихи институти пленумида (1957 й. март) С.П. Толстовнинг "Хоразм археология-этнография экспедициясининг иши ҳақида"ги маърузасининг муҳокама қилинганлиги диққатга сазовор³⁸.

Хоразм экспедицияси Амударё ва Сирдарёнинг қадимги дельта текисликларини аэрофотосуратлар маълумотларидан фойдаланган ҳолда, шунингдек, Узбой ва Амударёнинг қадимий Оқчадарё дельтаси ирмоқлари атрофидаги ҳудудларни кезиб чиқиш йўли билан кенг кўламда тадқиқ этиб, ушбу минтақада неолит ва бронза даври ёдгорликларининг очилишига олиб келди. С.П. Толстов неолит даври Калтаминор маданиятини урушдан олдинги даврда очди³⁹. Худди шу даврда Жанубий Оқчадарё дельтаси худудида Жонбосқалъа-4 истеҳкомни топилди. Урушдан кейинги йилларда эса Амударё, Узбойнинг қадимий дельталари, Сирдарёнинг қуйи оқимлари ва Ички Қизилқумни ўз ичига олган кенг худудда ўтказилган изланишлар неолит даври овчилари ва чорвадорлари дельталар ва сувсиз сайхонликларда жойлашганлигини аниқлаш имконини берди. Ушбу қабилалар ягона Калтаминор этномаданий жамоасига киган⁴⁰. Ўтда куйган синч устунли уй-жойларнинг қолдиқлари, суякдан ясалган балиқ овлайдиган қармоқлар ва сопол идишлар ва бошқа баъзи осори-атикалар сақланиб қолган. Чамаси, ушбу манзилгоҳ материаллари Ўрта Осиёнинг неолит даври шимолий дашти учун ўзига хос мезон вазифасини

³⁴ Қаранг: СЭ. - 1950. - № 1. - С. 195-197.

³⁵ Қаранг: Вестник АН СССР. - 1949. - № 7. - С. 57-63.

³⁶ Қаранг: СЭ. - 1950. - № 2. - С. 193-201.

³⁷ Қаранг: там же. - 1949. - № 3. - С. 208; 1950. - № 3. - С. 183-186.

³⁸ Қаранг: Вопросы истории. - 1957. - № 6. - С. 205-208.

³⁹ Толстов С.П. Древний Хорезм... - С. 59-66.

⁴⁰ Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. - ХАЭЭ. - Т. XIII. - М., 1981.

ўташи мумкин.

Калтаминор туркумидаги қуйи давр (милоддан аввалги III минг йилликнинг ярми) ёдгорликлари доирасига мансуб Сарикамиш бўйи дельтасининг жанубий қисмидаги Тумек-кичирик неолит даври қабристонининг кашф қилиниши гоёта муҳим аҳамият касб этади. Қабристондан олинган бош суяги ўша давр аҳолисининг антропологик типини ифода этади, унда ҳам шимолий, ҳам жанубий хусусиятлар мавжуд⁴¹.

Оқчадарё жанубий дельтасининг янаги ўзлаштирилиш тарихи бронза даври (милоддан аввалги II минг йиллик ўрталаридан I минг йиллик ўрталаригача) билан боғлиқ. Булар Тозабогёб маданиятининг ярим ертўла тарзидаги синч устунли кулбалар, маданий қатлами сақланган ёдгорликлардир. Тозабогёб маданияти ҳам худди неолит даври Калтаминоридаги каби урушдан олдинги йилларда қазиб очилган материаллардан ажратилган.

Олимларнинг фикрича, у ёғоч ва андронов маданиятлари билан муштарак хусусиятларга эга. Кўкча-3 ва бир қатор бошқа манзилгоҳлар очилгач, Жанубий Оролбўйи бронза даври ва унинг ёдгорликлари Евроосиё дашт бронза маданияти қаторига киритилди. Хоразмнинг ўнг соҳил қисмида бронза даврининг подачилик билан, кейинчалик, қуйи бронза даврида эса (амиробод маданияти) маҳаллий асосда ривожланган яйлов чорвадорлиги билан уйғунлашган бронза даври суғориладиган деҳқончилик маконининг очилиши жанубнинг кучли таъсиридан далолат беради.

Милоддан аввалги II минг йилликдан, хусусан унинг иккинчи ярмидан бошлаб Евроосиё даштларида дашт бронза даври маданиятини тарқатувчи кўчманчи-чорвадорларнинг кўчиб юриши билан боғлиқ бўлган мураккаб этник жараёнлар рўй берганлигини аниқлашга муяссар бўлинди.

Чорва туёгининг кўпайиши от ва ғилдиракли араванинг тарқалиши янги ўтлоқларни излаш, ортиқча маҳсулотнинг кўпайиб бориши ва шу билан боғлиқ равишда айирбошлашга эҳтиёжнинг ортиши шимолий дашт минтақасида мис ва кўргошин хом ашё манбаларининг мавжудлиги туфайли бронза даври металлургиясининг ривожланиши - барча бу омиллар ички ва ташқи алоқаларнинг фаоллашувига олиб келди.

Ўрта Осиёнинг шимоли билан ўша даврда илк шаҳар маданияти ўчоқлари мавжуд бўлган жануби ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар тобора фаоллаша борди, зеро чорвадорларнинг кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва жанубий деҳқончилик воҳаларда юксак ривожланган хунармандчилик маҳсулотларига эҳтиёжи улар жамиятининг

⁴¹ Виноградов А.В. Могильник Тумек-кичирик в Северной Туркмении // АО-1974.-М., 1975. - С. 520-521; Вайнберг Б.И. Могильник Тумек-кичирик в Северной Туркмении //АО - 1972. - М., 1973.

⁴² Толстов С.П. Древний Хорезм... - С. 67-76.

ривожеланишида муҳим иқтисодий омил бўлди.

ХАЭЭ ходимлари ўз тадқиқотлари давомида Ўрта Осиёда милоддан олдинги II-I минг йилликнинг бошларидаги этногенетик жараёнларнинг хусусиятини аниқладилар. Бир томондан, бу - жанубий деҳқончилик худудларининг ўзаро ҳамда Жанубий Осиёнинг тамаддун олами билан этномаданий алоқалари бўлса, иккинчи томондан, жануб тамаддунларининг шимолий дашт худудларига мунтазам ва кучли таъсири бўлиб, у мазкур иқтисодий қолоқ жамиятлар ишлаб чиқарувчи кучларининг ўсишига ёрдам берди ва Шимол билан Жанубнинг иқтисодий ҳолатидаги фарқларнинг секин-аста йўқолишига ҳамда ижтимоий яқинлашувига олиб келди⁴³.

Гўртепаларида ҳам гиштдан қурилган мураккаб сағаналар харобалари топилган Шимолий Тағискен қабристонни Сирдарёнинг Қозоғистондаги қадимий дельтасининг жанубий ирмоғида жануб билан олиб борилган алоқаларнинг далилидир. Шу даврда шимолий алоқалар ҳам кузатилади⁴⁴.

Барча даврларда Хоразм минтақасида инсон ҳаёти Амударё ва Сирдарё ўзаниларининг сув таъминотига, кейинроқ эса сунъий суғориш тизимларининг такомиллашуви ҳолатига боғлиқ бўлган⁴⁵. Ушбу муаммони тадқиқ этишдан олинган материаллар муаллифлар жамоаси томонидан рус тилида яратилган «Амударё этаги, Сарикамиш ва Узбой» монографиясининг асосини ташкил этди. Унда геоморфологик ва археологик материалларни қиёслаш Оқчадарё, Сарикамиш дельтаси, Сарикамиш кўли ва бу кўл лиммо-лим бўлганда ундан оқиб чиқадиган Узбой ирмоғининг сув билан таъминланиш даврларининг изчиллигини тиклаш имкониятини берди. Унда Узбой ўз ҳажмига кўра ҳеч қачон Амударёнинг асосий ирмоғи бўлмаганлиги исботланган, бироқ Узбой сувининг бир қисми Сарикамиш кўлидан оқиб чиққан даврлари масаласи очик қолган эди. Китоб 1960 йилда Хоразм экспедицияси материалларининг 3-нашри сифатида чоп этилди⁴⁶. Монографияда агар неолит даврида Узбой ўзани буйлаб сув оққан бўлса, бронза даврига келиб, сув тўхтаб-тўхтаб оқиб, ирмоқ кам сув бўлгани ҳақидаги хулосага келинган. Милоддан аввалги I минг йиллик бошларидан, гарчи, водийда

⁴³ Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья // ХАЭЭ. - Т. X. - М., 1977.

⁴⁴ Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. - М., 1962; Итина М.А. Ранние саки Приаралья // Археология СССР. Степная полоса Азиатской части СССР в скифо-сарматское время. - М., 1992. - С. 31-37.

⁴⁵ Толстов С.П. Древний Хорезм. - М.-А., 1948. - С. 43-56; Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма...; Толстов С.П., Андрианов Б.В. Новые материалы по истории развития ирригации в Хорезме // КСИЭ. - 1957. - Т. 26; Кесь А.С. Природные факторы, обуславливающие расселение древнего человека в пустынях Средней Азии // КСИЭ. - 1958. - Т. 30.

⁴⁶ Низовья Амударьи, Сарыкамыш, Узбой. История формирования и заселения // МХЭ. - Т. 3. - М., 1960; Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта...

айрим чучук сувли кўллар бўлса-да, бироқ оқим тўхтаган. Айни вақтда баъзан, айниқса, ҳарбий юришлар Хоразм суғориш тизимини издан чиқарган даврларда Сарикамиш чўкмасида улкан кўл пайдо бўлган. Жуда кўп бугланишга қарамай, унинг сув юзаси океан сатҳидан 52-53 метр кўтарилиши туфайли, Узбойга яна сув ташланаверган.

С.П. Толстовнинг тахминича, ҳарбий юришлар Хоразм суғориш тизимини издан чиқарган даврларда Сарикамиш чўкмасида улкан кўл вужудга келган, бу ҳодиса IV-V асрлар оралтигида хионит-сосонийлар урушлари даврида содир бўлган.

1954 йилда бутун Узбойда ягона қалъа - Игдиқалъанинг очилганлиги бу ҳодисанинг археологик далили сифатида эътироф этилади. Туркман археологи Х. Юсупов кейинроқ (қуйи қатлам сополига кўра) қўрган парфияликлар томонидан милоддан аввалги I асрда барпо этилганлигини аниқлади⁴⁷. Қазилар вақтида топилган манзилгоҳ, сағана ва қўрганлар Узбой водийси ўзани, сувсиз қуриб ётган ҳозирги кунда бўлганидек, қадимда ҳам ҳаётсиз эмаслигидан далолат беради. Узбой ёқасидаги қумлик ва тепаликларда кўплаб қозоқ ва туркман қабристонлари ва қабрларини кўриш мумкин. Айтиш жоизки, Узбойдан сўнгги марта XIV - XV асрлар чегарасида Амир Темурнинг Хоразмга юришидан сўнг сув оққан. С.П. Толстовнинг фикрича, Узбойнинг сув оқар даражаси ҳақидаги энг ишончли маълумотлар айнан шу даврга (1392-1417 йилларга) тўғри келади.

1952 йилдан бошлаб, талайгина мавсумларда экспедиция таркибида Б.В. Андрианов раҳбарлигидаги археология-топография гуруҳи ишлади. Гуруҳнинг асосий вазифаси қадимий суғориш тизимини ўрганиш эди, лекин йўл-йўлакай бошқа бир қанча ёдгорликлар очилди, музей экспонати сифатида қимматли кўплаб ёдгорликлар, бир қанча буюмлар топилди. Археологик-топографик изланишлар Хоразмнинг ўнг соҳил қисмидаги қадимий суғориладиган ерларни (2 мингга яқин қидирув), Амударёнинг чап соҳилидаги Сарикамишбўйи дельтасини (мингга яқин қидирув) ва Сирдарёнинг улкан худудини қамраган эди.

Геодезиячи-муҳандис Н.И. Итонин кўпгина худудларда айрим суғориш тизимларини, кўплаб харобалар ва уларнинг теварак-атрофини аэрофотосуратга туширди. Буларнинг бари кўплаб тарҳлар ва карталар, шунингдек ҳар бир тарихий давр учун хос суғориш иншоотларининг график схемасини тузиш имконини берди⁴⁸. Олиб борилган таҳлиллар натижасида суғориш тизими вақт ўтгани сайин ўзгариб борганлигини аниқлашга эришилди. Экин майдонлари ҳажми ҳам шунга боғлиқ бўлган.

Е.Е. Неразикнинг фикрича, археология-этнография гуруҳи топган

⁴⁷ Юсупов Х. Древности Узоя. - Ашхабад, 1968. - С. 154-178.

⁴⁸ Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья...; Андрианов Б.В., Итина М.А., Кесь А.С. Земли древнего орошения Юго-Восточного Приаралья: их прошлое и перспективы освоения. // СЭ. - 1974. - № 5.

материаллар ердан фойдаланиш тизими ҳақида мулоҳаза юритиш имконини беради⁴⁹.

Сарикамиш қўлидан чиғирлар ёрдамида сув олинган XVI-XVII асрларгача бўлган ўрта асрларнинг турли даврларидаги ирригация хусусиятлари ўрганиб чиқилди.

Экспедиция гуруҳларининг табиий ва тарих фанлари методларини комплекс қўллаш воситасида Шарқий Оролбўйида ўтказган тадқиқотлари Сирдарё қадимий дельталарининг сунъий гидрографик тармоқ ва қадимий суғориладиган ер майдонлари сифатидаги хусусияти ва тарихий ривожини аниқлаш имконини берди. Собиқ Бутуниттифоқ «Союзводпроект» бирлашмаси билан тузилган шартномага кўра экспедиция Сибирь дарёлари суви бир қисмини Орол ҳавзасига оқизиш лойиҳасига боғлиқ ҳолда Жанубий ва Шарқий Оролбўйининг жуда катта ҳудудида Сирдарёнинг қадимий дельта ирмоқларини ўрганиди ва харитага туширди. Сирдарё ва Амударё қуйи оқимларининг археологик-геоморфологик харитаси (1:300 000 масштаби) тузилиб, у собиқ Иттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси медалига сазовор бўлди. Экспедиция материаллари муҳим хўжалик ва экологик муаммоларни ҳал қилишда катта аҳамиятга эга бўлди⁵⁰.

Экспедиция ходимлари тадқиқ қилган ёдгорликларнинг асосий қисми Хоразм давлатчилиги тарихига тааллуқли. Милоддан аввалги VII аср охири - VI аср бошларида Сарикамиш дельтаси ирмоқларидан бирида (унинг харобалари Кюзел-гир - «Сополли тепалик» деб аталади) катта қалъа - илк шаҳар пайдо бўлади. Катта-кичик думалоқ идишларнинг қўлаб жарангдор парчалари шаҳар устини қоплаб ётарди⁵¹.

1953 йилда Кюзел-гир кўҳна шаҳарида ва айни вақтда йирик қалъалардан бири - Қалъали-гир харобаларида қазилар ишлари бошланди. Кюзел-гирда қазилар ишлари анча вақт тўхтаб-тўхтаб олиб борилди ва 9 дала мавсумига чўзилди, охириги қазилар ишларини 1982 йилда О.А. Вишнева бошчилигидаги гуруҳ олиб борган⁵².

Ушбу қазилар ишлари натижасида Хоразмнинг ўнг қирғоқ қисмидаги Дингилжа кўргони районаларидан бу ерда ўзига хос кучли маҳаллий маданият мавжуд бўлган, деган хулоса чиқариш имконини беради. Дарё юзиб кетган манзилгоҳлар сони анчагина. М.Г. Воробьева жуда катта

⁴⁹ Неразик Е. Е. Материалы по землепользованию и землевладению в Хорезме первых веков н.э. // Этнография и археология Средней Азии. - М.: Наука, 1979. - С. 42-47.

⁵⁰ Итина М.А., Левина Л.М., Неразик Е.Е., Рапопорт Ю.А. К 60-летию Хорезмской археолого-этнографической экспедиции // ЭО. - 1996. - № 6.

⁵¹ Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта... - С. 109-117; Рапопорт Ю.А., Лапиров-Скобло М.С. Раскопки дворцового здания на городище Калалы-гир - I в 1958 г. // МХЭ. - Т. 6. - М., 1963. - С. 141-156; Рапопорт Ю.А. Святилище во дворце на городище Калалы-гир-1 // Прошлое Средней Азии. - Душанбе, 1987. - С. 140-148.

⁵² Уша жойда.

микдордаги сопол буюмларини топган. Бронза даврига бориб такаладиган жанубий зироатчилик маданияти анъаналари намоён бўлмоқда. Бу ҳол айрим олимларнинг Кюзел-гир кўҳна шаҳри Хоразм Ахоманийлар салтанати таркибига кирган даврда форс босқинчилари томонидан қурилган, деб тахмин қилишларига олиб келди. Бироқ бу фикр ёдгорлик форслар Ўрта Осиёни забт этишидан анча олдинги (милоддан аввалги VI асрнинг сўнги чораги) санасига мувофиқ келмайди. Ахоманийлар салтанати таркибига кирган мамлакатлар билан олиб борилган турли алоқалар ҳисобига маданият бойиб борди. Чамаси, худди шу даврда хоразмийлар арамей алифбоси асосидаги ёзувни қабул қилганлар. Тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик ривожлана бошлаган⁵³.

Хоразмда (хатто сопол ишлаб чиқариш соҳасида ҳам аввалги анъаналардан кескин узилмаган ҳолда) унинг учун янги мумтоз қанг маданияти шаклланди. Бу маданиятнинг энг муҳим ёдгорлиги Қуйкирилганқалъа бўлиб (милоддан аввалги VI аср охири - V асрнинг бошлари), у Хоразм экспедицияси фаолиятининг 2-йилидаёқ очилган эди. Бу ерда 1952-1957 йиллардаги қазилар ишлари экспедициянинг деярли барча аъзолари иштирокида С.П. Толстов бошчилигида олиб борилган⁵⁴.

Кейинроқ милоддан аввалги IV-II асрларга мансуб бошқа шаҳар ва иншоотлар ҳам қазиб очилди. Элҳарас, Говур-3 ва Қалъали-қир қабилар шулар жумласидандир. Элҳарасда милоддан аввалги V аср охири - IV аср бошларидаги сарой мажмуаси ва ибодатхоналарнинг қолдиқлари топилди. Бу ерда Хоразмдаги энг кўҳна деворий ранг-баранг нақшлар ҳамда лойдан ясалиб, бўялган, металл қадамали одамникига ўхшаш ҳайкал сақланиб қолган⁵⁵. Говур-3 (милоддан аввалги IV-II асрлар) манзилгоҳида ва Қалъали-қир-2 қалъасида тархи ва ўлчамларига кўра тўғарак ибодатхоналарга ўхшаш иншоотлар топилди. Кўҳна Хоразм ёзувлари намуналари аниқланди (20 дан зиёд нусхада, асосан сополларда). Қалъали қир-2, тархига кўра, айлананинг тўртдан бири шаклидаги мўъжазгина қалъа бўлиб, милоддан аввалги IV-II асрларга мансуб ибодат марказидир, унинг ичида муҳташам тўғарак ибодатхонадан ташқари бир қатор ибодат иншоотлари ҳам бор⁵⁶. Бу ердаги ёнғинда қуйган қатламларда кўплаб

⁵³ Воробьева М.Г. Керамика Хорезма античного периода / ТХАЭЭ. - Т. IV. - М., 1959. - С. 76-78; Уша муаллиф. Дингильдже. Усадьба - I тыс. до н. э. в древнем Хорезме. - М., 1973. - С. 133, 206, 207; Воробьева М.Г., Лапиров-Скобло М.С., Неразик Е.Е. Археологические работы в Хазараспе в 1958-1960 гг. // МХЭ. - Т. 6. - М., 1963. - С. 175-182, 198.

⁵⁴ Кой-Крылган-кала - памятник культуры Древнего Хорезма в IV в. до н.э. - IV в. н.э. // ХАЭЭ. - Т. V. - М., 1967.

⁵⁵ Левина Л.М. Элҳарас // Древности Южного Хорезма. - ТХАЭЭ. - Т. XVI. - М., 1991. - С. 80-154.

⁵⁶ Вайнберг Б.И. Изучение памятников Присарыкамьшской дельты Амударьи в 70-80-х годах // Скотоводы и земледельцы Левобережного Хорезма (древность и средневековье). - М., 1991. - С. 26-38.

археологик аплелар сақланиб қолган. Бадий безатилган сопол ритонлар, бўртма нақшли Хоразм сопол хумлари турли сюжетли расм парчалари (чавандоз, эркак ҳайкалчалари ва ҳоказо) гоят қизиқарли. Безакларда, қадимги Хоразм афсоналари акс эттирилган (масалан, бугули таквим афсонаси, Гопадшоҳ ҳақидаги афсона ва бошқалар намойиш қилинган. Шундай бой материаллар, афсуски, ҳалигача нашр этилмаган⁵⁷.

Милоддан аввалги IV-II асрлар Хоразмнинг маданий ва иқтисодий жиҳатдан юксак ривожланиш даври бўлди. Суғориш тармоғи кенгайтирилиб, қайта қурилди. Қишлоқлар, қалъалар ва шаҳарлар қурилиши илдам кечди. Тасвирий санъат кенг тарқалди, амалий ва ҳайкалтарошлик санъати - деворий сураат излари ва ҳайкаллар Султонувайстоғдаги Говур қалъа, Қалъали кир-2 обидалари топилди. Кўп жойларда В.А. Лившицнинг ишлари туфайли тилшунослик ва тарих фанлари ютуғига айланган қадимги Хоразм ёзувлари намуналари қўлга киритилди⁵⁸.

Милоддан аввалги II асрда саҳройи қабилаларнинг сиқуви остида Парфия ва Юнон-Бактрия подшоҳликларининг емирилиши оқибатида Хоразмнинг кўплаб шаҳар ва овуллари барбод бўлди⁵⁹. Бирок, қўйиқирилган қалъанинг ўрта ва юқори қатламлари материаллари маданий анъаналар узилмаганлигидан гувоҳлик беради.

Милоддан аввалги II аср охири - I аср бошларида Хоразм тангалари зарб этила бошлади⁶⁰, милоднинг I асрида эса «Хоразм эраси» бўйича йил ҳисоби жорий этилиб (унинг қўлланишига нима сабаб бўлганини аниқ айтиш қийин) у қарийб 8 аср амал қилди⁶¹.

Тупроққалъа фан оламига 1938 йилда маълум бўлди⁶². Бу ерда қазималар 1940 йилда бошланди ва уруш тугаган йили қайта тикланиб, 1950 йилгача давом этди.

Саройда кенг қўламда олиб борилган изланишлар натижасида милоднинг дастлабки асрларидаги Хоразм меъморчилиги ва ҳайкалтарошлик санъатини тавсифлаш имкони туғилди. Топилмалар орасида саройда сақланган архив қолдиқлари - тери ва ёғочга ёзилган ҳужжатлар алоҳида аҳамият касб этди. В.А. Лившицнинг ушбу сарой архивидаги қадимги Хоразм ҳужжатларини таржимаси ва уларга шарҳлар

⁵⁷ Итина М.А., Левина Л.М., Неразик Е.Е., Рапопорт Ю.А. К 60-летию ...

⁵⁸ Воробьева М.Г. Ранние терракоты Древнего Хорезма // История, археология и этнография Средней Азии. - М., 1968. - С. 135-146; Уша муаллиф. Хорезмийские терракоты // Культура и искусство Древнего Хорезма. - М., 1981. - С. 184-194.

⁵⁹ Гудкова А.В. Ток-кала. - Т., 1964. - С. 23-25; Гудкова А.В., Маньков Ю.Л. Хорезм и его северные соседи в раннеантичное время // Всесоюзное научное совещание «Античная культура Средней Азии и Казахстана». - Т., 1979. - С. 38-41.

⁶⁰ Вайнберг Б. И. Монеты Древнего Хорезма. - М., 1977. - С. 49 ва бошқалар.

⁶¹ Лившиц В.А. Хорезмийский календарь и эры Древнего Хорезма // Палестинский сборник. - Т. 21 (84). - М., 1970. - С. 64, 165.

⁶² Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации... - С. 164-190.

билан чоп эттиргани изланишларнинг энг муҳим натижаси бўлди⁶³.

1965-1975 йиллардаги қазималарда тураржой мавзеидан ташқари ибодатхона мажмуаси ҳам топилди. Биринчи якуний монографияда III-VI асрларга оид катта археологик мажмуа тавсифланган шаҳар иморатлари ва улардаги оилалар тузилишининг ўзига хос хусусиятлари баён этилган⁶⁴.

1967-1972 йилларда Баланд саройда қазималар давом эттирилди. Ана шу йилларда ва анча илгари - 1945-1950 йилларда олиб борилган иш якунлари 1984 йилда чоп этилган монографияда умумлаштирилган. Тупроққалъадаги сўнгги изланишлар шаҳар ташқариси мажмуасини тадқиқ этишдан иборат бўлди. Ана шу иш материаллари қисман нашр этилган⁶⁵.

Хоразмнинг илк ўрта асрлардаги ёдгорликлари (милодий IV-VII асрлар)гарчи, кичикроқ қўламда бўлса-да, изчил тадқиқ қилинган. Бургутқалъа воҳасидаги изланиш каттагина деҳқончилик ҳудудининг ўзаро алоқаларини, аҳоли ҳўжалиги ва маданиятининг турли жиҳатларини ўрганиш имконини берди.

Бу ердаги тадқиқот Е.Е. Неразикнинг монографиясида⁶⁶ умумлаштирилди. Тураржойларни таснифлаш ишлари давом этмоқда, олинган натижалар кўриб ўтилаётган даврда ўрта Осиё археологик ёдгорликларини қазини қўламлари кенгайиб борган сари тобора аниқлаштирилмоқда.

Бинобарин, кимсасиз ҳовлилар, муайян даражада йирик тураржой минораси-донжонли мустаҳкамланган қўрғон ва қасрларнинг бир хиллиги ҳақидаги мавжуд тасаввурлар энди ўзини оқлай олмай қолди. Иморатлар аксарияти буш ҳовлисиз зич қурилганлиги, донжонлар эса катта-кичиклиги ва вазифасига кўра бир-биридан кескин фарқ қилган. 80-йилларда Бургутқалъа топографиясидан фарқ қиладиган қўшни Якка Парсон воҳасида Е.Е. Неразик ўтказган тадқиқотлар илк ўрта аср Хоразм тарихи ва маданияти ҳақидаги умумий тасаввурни кескин кенгайтириб, аниқлаштирди. Унинг шимолӣ қисмида маркази йирик Якка Парсон қўрғони бўлган феодал мулк барпо этилади. Ундан аҳолисиз катта майдон орқали ажралиб турадиган жанубий қисмида эса, бир нечта кичикроқ манзилгоҳлар бўлган. Якка Парсон донжони ва қўрғон ичидаги хоналарда кўплаб ёғоч ва суякдан ясалган буюмлар, ип газламадан тайёрланган кийим ва чарм пойафзаллар қолдиқлари ва бошқалар топилди⁶⁷. У ердан

⁶³ Лившиц В.А. Документы // Топрак-кала. Дворец. - ХАЭЭ. - Т. XV. - М., 1984. - С. 251-286.

⁶⁴ Городище Топрак-кала // ХАЭЭ. - Т. XII. - М., 1981.

⁶⁵ Топрак-кала. Дворец // ХАЭЭ. Т. XV. - М., 1984; Ковалева Н.А., Рапопорт Ю.А. Траурная сцена в настенной росписи из Хорезма // ВДИ. - 1991. - № 2; Рапопорт Ю.А. Загородные дворцы и храмы Топрак-калы // Там же. - 1993. - № 4.

⁶⁶ Неразик Е.Е. Сельские поселения афригидского Хорезма. - М., 1966.

⁶⁷ Неразик Е.Е. Раскопки Якке-Парсона // МХЭ. - Т. 7. - М., 1963.

яна (ҳозирча ягона) ёғоч ва терига ёзилган илк ўрта аср Хоразм ёзувидаги дастлабки ҳужжатлар чиқди. Воҳанинг шимолий қисмида милоннинг IV асрига оид ибодатхона қазиб очилди. У гумбазсимон шаклда қурилган бўлиб, хона ўртасида қурбонгоҳ излари бўлган. Тарҳида Хоразм ховлиларига хос барча элементларга эга Номсиз қалъа (VI-VII асрлар) диққатга сазовордир.

Номсиз қалъадан шимолроқда ўртасида катта ҳовуз ва гиштин айвон бўлган мўъжазгина кўрғон ўрта асрлар саройлари меъморчилиги ибтидоси илк ўрта асрларга бориб тақалишидан далолат беради. Бироқ Аёзқалъа-2 қасри эстагида V-VII асрларга оид илк ўрта асрнинг биринчи ёдгорлиги - Катта саройнинг қазиб очилиши энг муҳим кашфиёт бўлди.

Ушбу тадқиқотлар якунида Хоразм қишлоқ аҳолисининг тарихи тўлиқ ўрганилди. Хоразм воҳаси ҳозирги аҳолисининг айрим энг кенг тарқалган уй-жойлари намуналари илк ўрта асрларда шаклланган. Мазкур материал айрим ижтимоий тартиботларни қайта тиклаш учун манба бўлиб хизмат қилди⁶⁸.

Илгари умуман маълум бўлмаган бир қатор диний иншоотларнинг очилиши ва тадқиқ этилиши IV-VIII асрлар Хоразм маданияти тарихини ўрганишда янги саҳифа очди. Алоҳида турган мўъжазгина қишлоқ ибодатхоналари ҳамда шаҳар иншоотлари таркибида ёки шаҳарнинг (Тупроққалъа) «муқаддас қисми» ичида жойлашган мажмуалар, шунингдек хонадон ибодатгоҳлари топилди. Улар меъморчилигини таҳлил қилиш ҳам Ўрта Осиё учун муштарак бўлган, ҳам анъанавий маҳаллий ёки Олд Шарқ қадимиятига бориб тақаладиган хусусиятларни аниқлаш имконини беради⁶⁹.

Хоразм тарихини тадқиқ этишнинг муҳим жиҳати IV-V асрлардаги этник йўналишни ўрганишдан иборат бўлиб, бунда ўлка илк ўрта аср маданиятининг шаклланишида мамлакат дашт қуршовининг таъсири ва ҳиссаси билан боғлиқ аниқ йўналишлар белгиланади. Ушбу йўналишни тадқиқ этиш Хоразмнинг ўзидан кўра анчагина катта минтақанинг - Оролбўйи - Каспийбўйи, Уралбўйи ва Сирдарё даштларининг этник тарихи билан туташган этногенетик ва этник тарихининг умумий масалаларини қамраб олади.

Мўғул истилосигача ва ундан кейинги иқтисод ва маданият юксак ривожланган қуйи ўрта аср дастлаб, асосан, ўнг соҳил Хоразмнинг Қаватқалин воҳасида ёзма манбалардаги маълумотлар ҳисобга олинган ҳолда олиб борилган ишлар асосида тавсифланган. Воҳа топографияси ва ирригация хусусиятлари кўп жиҳатдан илк ўрта асрлардагидан кескин фарқланадиган жамият ижтимоий ташкили тадқиқининг асосини ташкил

⁶⁸ Ўша муаллиф. Сельское жилище в Хорезме (I-XI вв.). Археолого-этнографические очерки. - М., 1976.

⁶⁹ Городище Топрак-кала... - С. 140-141.

этди⁷⁰.

Ўрта аср ёдгорликларининг кейинги тадқиқлари, биринчи навбатда, бир қатор шаҳарларда (Кўҳна Урганч⁷¹, Хазорасп⁷², Шемахақалъа⁷³, Шаҳарлик⁷⁴ шаҳарларидаги қазилмалар ҳамда Жигарбанд ва Садвордаги⁷⁵ муҳофаза ишлари) олиб борилди.

Ўрта аср Хоразм шаҳарларининг пайдо бўлиши масалалари бўйича олинган маълумотлар Хоразм худудида муайян даврлаштиришни амалга ошириш ва шаҳарлаштириш минтақаларини белгилаш ҳамда умум Ўрта Осиё жараёнлари асосида уларнинг хусусиятларини аниқлашга ёрдам берди⁷⁶.

70-йилларда экспедиция олиб борган кўриқлаш ишлари мобайнида Хоразмни жанубий вилоятлар билан боғлаб турган савдо йўлларида жойлашган карвонсаройлар тўғрисида маълумотлар пайдо бўлди. Экспедиция иш олиб борган Устюрт карвонсаройлари ҳамда Узбўй ёқалаб кетган йўлдаги худди шундай вазифани бажарувчи тўғрақ иншоотларни қиёслаш ўрта аср Хоразм меъморчилигининг бир неча мактабини аниқлаш учун бой имконият берди⁷⁷.

Чап соҳил Хоразм худудида олиб борилган қидирув ва қазилмаларда XII-XIV асрларга оид кўллаб қишлоқлар очилди ва аэрофотосуратларни таҳлил қилиш ёрдамида турли қишлоқ хўжалик экинлари билан банд бўлган майдонлар муфассал ҳажми кўрсатилган ҳолда уларнинг тархлари тузилди. Уларни этнография ва ёзма манбалар маълумотларини жалб қилган ҳолда таҳлил қилиш ўша даврдаги ердан фойдаланишнинг айрим жиҳатларини тиклаш, ерга эгалик қилишнинг қатор муаммоларни

⁷⁰ Толстов С.П. Древний Хорезм... - С. 156-170; Ўша муаллиф. По следам древнехорезмийской цивилизации... - С. 277-285; Ўша муаллиф. По древним дельтам Окса и Яксарта... - С. 258-261.

⁷¹ Вактурская Н.Н. Раскопки городища Урганч в 1952 г. // Хоразм археология-этнография экспедицияси. - Т. II. - М., 1958.

⁷² Воробьева М.Г., Лапиров-Скобло М.С., Неразик Е.Е. Археологические раскопки в Хазараспе в 1958-1960 гг. // МХЭ. - Т. 6. - М., 1963.

⁷³ Вактурская Н.Н. О раскопках в 1948 г. на средневековом городе Шемаха-кала Туркменской ССР // Хоразм археология-этнография экспедицияси. - Т. I. - М., 1952.

⁷⁴ Ўша муаллиф. О средневековых городах Хорезма // МХЭ - Т. 7. - М., 1963. Вишневская О.А. Раскопки городища Джигирбент // АО 1974 г. - М., 1975; Ўша муаллиф. Раскопки Джигирбента // АО 1975 г. - М., 1975.

⁷⁵ Вактурская Н.Н. Раскопки средневекового города Садвар // АО 1973 г. - М., 1974; Ўша муаллиф. Раскопки на городище Садвар // АО 1974 г. - М., 1975; Ўша муаллиф. Новые данные о городище Садвар // АО 1975 г. - М., 1976; Армарчук Е.А. Садвар - город на юге Хорезма. Автореф. дисс. ... к.и.н. - М., 1992.

⁷⁶ Неразик Е.Е. К проблеме развития городов Хорезма...

⁷⁷ Лоховиц В.А. Раскопки караван-сарая на пути из Хорезма в Бухару // АО 1974 г. - М., 1975; Ўша муаллиф. Караван-сарай Верхнего Хорезма // Этнография и археология Средней Азии... - С. 118-122.

ўрганишида ёрдам беради⁷⁸.

Хоразм экспедицияси ўз фаолиятининг бошланишидаёқ унинг олдига қўйилган яна бир йирик муаммо билан шугулланди. Бу Оролбўйи худудидаги деҳқонлар ва чорвадорлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммосидир. Хоразм деҳқончилик воҳаларининг чўлу дашт билан шундоққина ёнма-ёниги Хоразм тамаддуни ва иқтисодийнинг шаклланишида, шаҳарлашиш жараёнларида аҳоли этногенезининг вужудга келишида муҳим аҳамият касб этди.

Хоразм деҳқонлари ва чўл минтақаси чорвадорлари ягона экологик тизимни ҳосил қилишган. Хоразмнинг Ўрта Осиё чўл минтақаси марказидаги географик ўрни мазкур воҳа (ва давлат) нинг қўшни кўчманчилар ва уларнинг бирлашмалари билан алоҳида муносабатда бўлишига олиб келди. Хоразм Ўрта Осиё сак-массагетлар оламининг бир қисми бўлган, шунинг учун Қадимий Хоразм деҳқонлари билан кўчманчиларнинг ўзаро муносабатлари муаммолари экспедиция фаолиятида алоҳида ўрин эгаллади.

Чорвадорлар турли гуруҳларининг бевосита воҳанинг ўзида қолдирган ёдгорликларни ўрганиш тарих учун муҳим аҳамиятга эга. Чорвадорларнинг энг қадимги ёдгорликлари Сарикамиш бўйи дельтасининг асосий ўзанлари сув билан таъминлана бошланган даврга, яъни милоддан аввалги VII асрга мансуб. Қуйисой-2 манзилгоҳи ва Тумек-кичирик, Тарим-қоя, Сакар-чага ва бошқа қабристонлар тадқиқ этилди. Уларни ўрганиш чорвадорларнинг кўчманчи ҳамда ўтроқ аҳолини ўз ичига олган таркибан хилма-хил гуруҳларининг маданияти, палеоантропологияси ва алоқалари ҳақида тасаввур берди. Экспедиция фаолияти натижасида, аввало, алоқаларнинг турли шакллари: сиёсий вазиятга, аҳоли кўчиши ва табиий шароитга боғлиқ ҳолда ўзгарадиган иқтисодий, маданий, этногенетик муносабатлар қарор топган Чап соҳил Хоразм деҳқонлари ва чорвадорларининг ўзаро алоқалари тарихи йирик планда тикланди⁷⁹.

Чап соҳил Хоразм 70-80-йилларда турли даврларга оид қадимги гўртепаларни тадқиқ этиш асносида маҳаллий дафн маросими бўйича ҳам янги маълумотлар олинди. Оссуарийлар сифатида фойдаланилган идишларда гўртепаларда дафн қилиш бу ерда милоддан аввалги IV аср бошидаёқ амалга оширилган, лекин уларга қатъий зардуштийлик

⁷⁸ Вайнберг Б.И. Памятники куюсайской культуры // Кочевники на границах Хорезма... - С. 7-79; Ўша муаллиф. Памятники куюсайской культуры // Археология СССР. Степи азиатской части СССР в скифо-сарматское время. - М., 1992; Ўша муаллиф. Куюсайская культура в Присарькамьшской дельте Амударья // Успехи среднеазиатской археологии. - Т. 6. - Л., 1975; Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья. - М., 1996. Скотоводы и земледельцы Левобережного Хорезма. - Т. 1. - М., 1991; Скотоводы и земледельцы Левобережного Хорезма. - Т. 2. - М., 1992.

⁷⁹ Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хоразме... С. 88-157, 224-234.

таомилига амал қилмай тозаланган скелетнинг барча суяклари солинган. Худди шундай анъана чорвадорларда милоднинг IV асригача сақланиб қолган, деҳқончилик билан шугулланувчи аҳоли эса, эҳтимол, милоддан аввалги II-I асрларда (милод бошланиши олдида) зардуштийлик анъанасига кўра, марҳумнинг жасадини махсус минора-дахмаларга қўйиб қузгунларга едирганлар, шундан кейин суякларини оссуарийларда дафн этганлар⁸⁰.

1946 йилдан Хоразмда олиб борилаётган изланишлар билан бир вақтда Қозоғистон ва Қорақалпоғистон олимлари билан яқин ҳамкорликда Сирдарёнинг кенг қадимий дельтаси комплекс археологик-геоморфологик тадқиқ этилиб, неолит (масалан Космаола, Талас, Жалпак ва бошқа кўпгина манзилгоҳлар) ҳамда бронза асри ёдгорликларидан (Касмола-7, Егискоқ, Тас-1-3, Кўк-Сенгир ва ҳоказо) то XVII-XVIII асрларга оид қорақалпоқ ва қозоқ қишлоқлари ҳамда мазорларигача (масалан, Оралбой қалъа, Хотин қалъа қишлоқлари, Шатпай мазори) ўрганилган. Қуйи бронзадаги гиштли мазор – Шимолий Тагискен қабристони ўрганилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жами 660 та ёдгорлик тадқиқ қилинди. Уларнинг аксарият қисми милоддан аввалги, 1 минг йиллик - милоднинг 1 минг йиллиги даврига мансуб.

Милоддан аввалги VII-V асрларда қадимий Сирдарё ирмоқлари ҳавзасидаги дельтанинг жанубий қисмида сак қабилалари яшаб, бизга 60 дан зиёд қишлоқ ва манзилгоҳлар, бир нечта қабристон, жумладан, кенг машҳур Уйгарак ва Тагискен қабристонларини ҳамда ўзига хос “тошқол”ли гўрларни қолдирганлар. Кейинроқ шу ернинг ўзида маҳаллий саклар маданияти асосида, шунингдек жанубий Ўрта Осиё деҳқончилик воҳалари маданиятининг кучли таъсири остида Чирикработ маданияти вужудга келди (милоддан аввалги IV-II асрлар). 200 га яқин йирик мустақамланмаган қишлоқлар, 6 та кўҳна шаҳар ва қалъа, ривожланган сугориш тармоғи, 40 тадан зиёд гиштли мақбаралар, гўртепалар, шунингдек, мухташам меъморчилик обидалари ушбу маданиятга оиддир⁸¹.

⁸⁰ Вайнберг Б.И. Изучение памятников Присарькамьшской дельты Амударья в 70-х - 80-х годах // Скотоводы и земледельцы Левобережного Хорезма. - Т. 1. - М., 1991.

⁸¹ Толстов С.П. Приаральские скифы и Хорезм // СЭ. - 1961. - № 4. - С. 114-145.; Ўша муаллиф. По древним дельтам Окса и Яксарта. - М., 1962. - С. 136-204; Ўша муаллиф. Среднеазиатские скифы в свете новейших археологических открытий // ВДИ. - 1963. - № 2. - С. 22-45; Толстов С.П., Итина М.А. Саки низовьев Сырдарьи (по материалам Тагискена) // СА. - 1966. - № 2 - С. 151-175; Вишневская О.А., Итина М.А. Ранние саки Приаралья // Проблемы скифской археологии. - М., 1971. - С. 197-208; Вишневская О.А. Культура сакских племен низовьев Сырдарьи в VII-V вв. до н. э. (по материалам Уйгаряка). // ХАЭЭ. - Т. VIII. - М., 1973; Левина Л.М. Поселения VII-V вв. до н. э. и «шлаковые» курганы южных районов Сырдарьинской дельты // Кочевники на границах Хорезма...; Вайнберг Б.И., Левина Л.М. Чирикработская культура // Низовья Сырдарьи в древности. - Т. 1. - М., 1993; Ўша муаллифлар. Чирикработская культура // Археология СССР. Степная полоса Азиатской части СССР в скифо-сарматское время. - М., 1992.

Сирдарё дельтасининг шимолий ҳудудларида Сирдарё, Қувондарё, Қўҳна Қувондарё (Эскидарёлик)нинг қадимий ирмоқлари ҳавзасида Жетиасар (милоддан аввалги VIII-VII асрлардан милоднинг бошларигача) га оид маданият йирик мустақамланган шаҳар ва гўртепалар ўрганилди. Ушбу маданият соҳиблари кўпгина ҳозирги Евроосиё халқлари этногенезида муҳим роль ўйнаган⁸².

Хоразм экспедициясининг Сирдарё дельталарида олиб борган тадқиқотларида IX асрдан XVI асргача бўлган даврдаги ёдгорликларни ўрганишга ҳам катта эътибор берилди.

Изланишлар турли даврларга оид мустақамланган ўнлаб қўҳна шаҳарларда - дельтанинг шарқий қисмидаги (масалан, Сирли қалъа, Зангор қалъа, Женте, Асонас, Уйғарак) чорвачилик билан шуғулланувчи қабилалар (Ўғузлар, печенглар, эқтимол, кимақлар, қипчоқлар ва бошқалар) «қишлоқлари»да ва гарбий ҳудудлардаги «колониистлар» - хоразмликлар қишлоқларида (масалан, Ашинансой қалъа, Майнаркон) олиб борилди.

Сирдарё этаклари билан биргаликда Оролбўйи ҳудудларида ўтказилган археологик изланишлар тарихий манзарани анча кенгайтирди: айрим маданиятлар ва муаммоларни тавсифлашдан кенг миқёсда умумлаштиришга ўтиш имконини берди. Мажмуавий тадқиқотлар олиб бориш, хўжалик-маданий турлар ва тарихий-этнографик соҳалар ҳақидаги назариядан фойдаланиш тупроқшунослик, иктисодий география, этнография ва бошқа фанларга оид маълумотларни жалб қилиш айрим қўчманчи гуруҳлар ўртасидаги хўжалик-маданий фарқларни аниқлаш, фақат икки асосий хўжалик-маданий тур (қўчманчи чорвадорлар ва сунъий суғоришдан фойдаланган деҳқонлар) ўртасидагина эмас, балки бир қатор оралик шакллар ўртасидаги ўзаро муносабатлар қандай юзага келганлигини кўрсатиб бериш, этник ҳудудларнинг шаклланишида экологик омилнинг аҳамиятини аниқлаш, ҳаракат қилиш, Оролбўйидаги чорвадорлар ва деҳқонлар ўртасидаги ўзаро таъсирларни белгилаш имконини берди⁸³.

Шундан келиб чиққан ҳолда археологик мажмуалар ва археологик маданиятларга оид ёзма манбалар маълумотларини шарҳлаш этногенетик

⁸² Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации...; Ўша муаллиф. По древним дельтам Окса и Яксарта...; Левина Л.М. Керамика Нижней и Средней Сырдарьи в I тыс. н. э. -ТХХЭЭ. - Т. VII. - М., 1971; Ўша муаллиф. Могильник Алтынасар // Низовья Сырдарьи в древности. - Т. IV. - М., 1994; Ўша муаллиф. Этнокультурная история Восточного Приаралья в I тыс. до н. э. - I тыс. н. э. - М., 1996.

⁸³ Вайнберг Б.И. Модели взаимодействия скотоводов и земледельцев по археологическим материалам из Хорезма и сопредельных областей Средней Азии // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. - Алма-Ата, 1987; Ўша муаллиф. Роль экологических факторов формирования этнической территории (по археологическим материалам из Восточного Прикаспия и Приаралья) // Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. - М., 1990.

назариялар учун асос бўлиши мумкин. Мазкур муаммони тадқиқ этиш Оролбўйи аҳолисининг этник тарихини ишлаб чиқиш билан бевосита боғлиқ. Экспедиция ходимларининг кўпгина асарларида IV-VIII асрлардаги Оролбўйининг этник ҳолати, мазкур давр аҳоли этногенезидаги этник шакллантирувчи ва этник табақалаштирувчи омиллар, Оролбўйининг этногенетик жараёнларида экологиянинг роли ёритилган.

Экспедиция ходимлари ушбу муаммо бўйича ўтказилган қатор кенгашларда, жумладан, «Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари этногенези ва этник тарихи муаммолари» мавзусидаги бутуниттифоқ илмий анжуманида (1988 йил), «Қўчманчи маданиятлар ва қадимий тамаддуларнинг ўзаро таъсир муаммолари» мавзусидаги кенгашда (1989 йил) ва бошқалар⁸⁴ да иштирок этдилар.

Юқорида олиб борилган муҳофаза ишлари туфайли кўплаб тарихий ёдгорликлар сақлаб қолингани ва ўрганиб чиқилгани ҳақида айтган эдик. Ана шу жараёнда экспедиция қишлоқ аҳолиси билимини оширишда муҳим аҳамият касб этган кичик-кичик маҳаллий музейлар ташкил этди. Нукус, Хива, Тошкент, Апхобод, Самарқанд, Қизил Ўрда, Олмаота ва бошқа шаҳарлардаги мавжуд йирик музей захиралари экспедиция коллекциялари билан ҳам тўлдирилди⁸⁵.

Экспедиция фаолияти мобайнида дастлаб амалиётчи-талаба сифатида келиб, қазилмаларда қатнашган ва ўз тақдирини экспедиция билан боғлаган малакали мутахассисларнинг катта жамоаси етишди. Бу омил кенг кўламли мавзу ва вақт доирасида иш олиб бориш имконини берди. Эндиликда бир вақтлар нафақат Хоразм, балки Сирдарё этакларидаги ерларни, Қизилқум ва Қорақум чўллариининг қадимий воҳаларга тутаниб кетган ҳудудларини ҳам ўз ичига олган улкан майдонларда қидирув ва қазилмалар олиб борилмоқда.

Иш кўлами, тайёрланган ходимлар сони ва уларнинг хилма-хил ихтисосга эгаллиги айрим йилларда, бир вақтнинг ўзида тадқиқот олиб борадиган дала гуруҳларини 8 тагача етказиш имконини берди. Уларнинг ҳар бири Қадимий Хоразм ва қўшни ҳудудлар тарихининг у ёки бу даври учун асос ҳисобланган ёдгорликни ўрганган, қўшимча тарзда катта ҳудудларни кўздан кечирган. Эндиликда С.П. Толстов яратган даврларга ажратиш усули кўпроқ деталлаштирилмоқда. Дарвоқе, Хоразмни ўрганиш муаммоси, шубҳасиз, умуман, Ўрта Осиё тарихига ҳам дахлдор бўлиб, кўпинча ундан ташқарига ҳам чиққан.

1945 йилдан Хоразм археология экспедицияси таркибида этнографик гуруҳлар ташкил қилина бошланди. Т.А. Жданко, Н.П. Лобачев, Г.П. Снесарев, П.П. Васильева⁸⁶, В.Н. Басилов каби машҳур

⁸⁴ Итина и др. К 60-летию... С. 30.

⁸⁵ Ўша жойда.

⁸⁶ Қаранг: Список основных научных работ Татьяны Александровны Жданко // ЭО. - 1999. - № 6. - С. 140-145.

тадқиқотчиларнинг ижоди бевосита ана шу гуруҳлар фаолияти билан узвий боғланган. Экспедиция таркибида 3 та - ўзбек, туркман, қорақалпоқ этнографик гуруҳ ишлаган. Хоразм археология-этнография экспедицияси этнографларнинг тадқиқот мавзулари археологик тадқиқотларниқидан кам эмас.

Кўп ҳолларда этнографлар археологлар билан яқин алоқада ишлайди. Улар фақат кенг қўламда фольклор тадқиқотлари олиб бориш⁸⁷, у ёки бу тарихий воқеа, шунингдек, Хоразмдаги археологик ёдгорликларнинг номлари ва уларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ аҳоли орасида оғиздан-оғизга ўтиб келган ривоят ҳамда афсоналарни қайд этиш билан чекланишмаган. Кўпинча улар қидирув ишлари ҳам олиб бориб, натижада илгари номаълум бўлган археологик ёдгорликларни ҳам топишган⁸⁸.

Хоразм ўтроқ аҳолисининг тўй, дафн, деҳқончилик удумлари ривоят ва афсоналарида намоён бўлувчи исломдан олдинги эътиқод, диний маросимлар ва расм-русумларга оид материалларни йиғишга катта эътибор қаратилмоқда⁸⁹.

Этнографик гуруҳлар минтақа халқларининг тарихан таркиб топган хўжалик юритиш шаклларининг хусусият ва анъаналарини, ердан ва сувдан фойдаланиш усулларини, далаларни суғориш тарзини аниқлашни ўз олдларига вазифа қилиб қўйишди⁹⁰, шунингдек, тураржойлар ўрганилди. Минтақада аввалдан бевосита қўшни бўлиб яшовчи қорақалпоқ, туркман, қозоқ ва ўзбеклар ўртасидаги тарихан шаклланган хўжалик, турмуш ва маданий алоқалар, муаммоларига катта аҳамият берилмоқда⁹¹.

⁸⁷ Жданко Т.А. Каракашпакская эпическая поэма «Кырк кыз» как историко-этнографический источник // КСИЭ.

⁸⁸ Қаранг, масалан: Толстов С.П., Жданко Т.А., Итина М.А. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1958-1960 гг. // МХЭ. - Т. 6. - М., 1963. - С. 25-27; Андрианов Б.В., Васильева Г.П. Опыт археолого-этнографического изучения покинутых туркменских поселений XIX в. // Изв. АН Туркм. ССР. - 1957. - № 2 - С. 99-106.

⁸⁹ Снесарев Г.П. Материалы о первобытнообщинных пережитках в обычаях, обрядах узбеков Хорезма // МХЭ. - 1960. - Т. 4 - С. 143; Ўша муаллиф. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. - М.: Наука, 1969; Ўша муаллиф. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. - М., 1983. - С. 212; Лобачева Н.Л. Различные обрядовые комплексы в свадебном церемониале народов Средней Азии и Казахстана // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. - М.: Наука, 1975 ва бошқа асарлар.

⁹⁰ Андрианов Б.В. Народные традиции природопользования и экологические кризисы // Приаралье в древности и средневековье... - С. 60-74.

⁹¹ Жданко Т.А. К вопросу о хозяйственно-культурном типе полуседлых скотоводов-земледельцев-рыболовов дельтовых областей Средней Азии // Этнография и археология Средней Азии... - С. 148-154.

Айнан Хоразм экспедицияси қорақалпоқлар⁹², қозоқлар⁹³ ва туркманлар⁹⁴ этнографияси масалаларини тадқиқ эта бошлашган. Бу тадқиқотлар шу даражадаги кенг қўламли муаммоларни ўз ичига қамраб оладик, ундан халқлар этногенези муаммоси,⁹⁵ турмуш иқир-чиқирлари, масалан, кийим-кечак қисмлари⁹⁶, шунингдек турли жиҳатлар ҳам четда қолмаган.

Хоразм, Қорақалпоғистон ва Туркменистон халқларининг ҳозирги маданияти ва турмушини, аҳоли таркибини ўрганиш масалалари ҳам этнографлар вазифаси жумласига қиради. Қурама аҳоли замонавий шаҳар тарзидаги қишлоқлар, балиқчилик ва чорвачилик билан шугулланадиган жамоа хўжаликлариди⁹⁷ маданият ва турмушнинг шаклланиш жараёнларини ўрганишда этнографлар гуруҳлари катта ишлар олиб бордилар.

Ундан ташқари, экспедиция Ўрта Осиё тарих-этнография атласини яратиш ва карта тузиш учун материаллар тайёрлашда фаол иштирок этди⁹⁸.

Хоразм археология-этнография экспедициясининг этнографлар гуруҳлари фаолиятини ёритишда археологик ишларнинг муфассал баёнига нисбатан айрим номунасонбликни қайд этиш мумкин. Аммо бунинг боиси ушбу тадқиқотларнинг асосий натижалари, одатда, Этнография институти нашрларида чоп этилганлигидадир. Биз сўз юритаётган соҳага оид тадқиқотлар объекти, асосан, Хоразм археология-этнография

⁹² Толстов С.П. К вопросу о происхождении каракашпакского народа // КСИЭ. -1947. - № 3. - С. 99.; Жданко Т.А. Каракашпакский Хорезмского оазиса // ТХАЭ. - Т. 1. - 1952. - С. 461-566; Ўша муаллиф. Очерки исторической этнографии каракашпакских (монография) // ТИЭ АН СССР. - Т. 9. - М.-Л., 1950. - С. 172.

⁹³ Шалекенов У.Х. Казахи низовьев Амударьи. - Т.: Фан, 1966.

⁹⁴ Васильева Г.П. Туркмены нохурли // Среднеазиатский этнографический сборник. - ТИЭ. Т. XXI. - М., 1954 - С. 190-220; Демидов С.М. Туркменские обряды... - Ашхабад, 1976.

⁹⁵ Масалан, Андрианов Б.А., Левина Л.М. Некоторые вопросы исторической этнографии Восточного Приаралья в I тысячелетии н.э. // Археология и этнография Средней Азии... - С. 94-100; Жданко Т.А. Этническая история и историко-культурные связи народов Средней Азии и Казахстана в трудах этнографов // Проблемы этногенеза и этническая история народов Средней Азии и Казахстана. - Т. 1. Общие проблемы. - М., 1990. - С. 105-117.

⁹⁶ Морозова А.С. Типология мужских головных уборов туркмен (конец XIX - начало XX вв.) // Отражение этнических процессов в памятниках бытового культуры. - Ашгабат, 1984. - С. 67-764. Ўша муаллиф. Традиционная народная одежда туркмен // Традиционная народная одежда Средней Азии и Казахстана. - М., 1988. - С. 39-89;

⁹⁷ Қаранг, масалан: Жданко Т.А. Быт колхозников рыболовецких артелей на островах Южного Арала // СЭ. - 1961. - № 5. - С. 27-43; Джарыйгасинова Р. Культура и быт корейцев совхоза «Раушан» Кунградского района Каракашпакской АССР // КСИЭ. - Т. XXXV. - 1961. - С. 54-63.

⁹⁸ Васильева Г.П. Объяснительная записка к этнографической карте Ташаузской области и карты. Материалы к историко-этнографическому атласу Средней Азии и Казахстана // ТИЭ, новая серия. - Т. XIII. 1960.

экспедициясининг ўз нашрлари ҳисобланади. Мазкур экспедиция фаолияти ва аҳамиятига яқун ясалар экан, шунини алоҳида қайд этиш керакки, барча юқорида айтилганлар, албатта, экспедиция тадқиқотларининг бутун хилма-хиллигини, илмий жамоанинг нашр эттирган ишларини тўлалигича ўз ичига қамрай олмайди.

Шунини қайд этиш лозимки, Хоразм археология-этнография экспедицияси фаолияти асосида қилинган хулосаларнинг аксарияти, шу жумладан, Хоразм тарихини даврлаштириш ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. У мунтазам равишда янги-янги тадқиқот маълумотлари билан тўлдириб борилди, у ҳануз аниқлаштирилиб, янада кўпроқ деталлаштирилмоқда. Хоразм археология-этнография экспедициясининг 1937-41 йиллардаги тадқиқот материаллари асосида қадимги Хоразм археологик ёдгорликларининг хронологик таснифи илмий муомалага киритилди:

- Архаик давр – милoddан аввалги VI-V аср;
- Қанғюй даври – милoddан аввалги IV аср - милoddнинг I асри;
- Кушон даври – милoddнинг I-II асрлари;
- Кушон–афригид даври – милoddнинг III-V асрлари⁹⁹.

Хоразм археология-этнография экспедицияси ходимларининг кейинги ишлари уни бир қанча деталлаштирган бўлса ҳам, ушбу схемадан тадқиқотчилар бугунги кунда ҳам фойдаланишмоқда. Чунончи, Кўйиқирилганқалъа кулолчилиги ва стратиграфиясини ўрганиш асосида қанғюй даври илк қанғюй (милoddдан аввалги IV-III асрлар) ва қўйи қанғюй (милoddдан аввалги II аср – милoddнинг I асри) даврларига бўлинган. Кушон даври ҳам илк кушон (милoddнинг II асри) ва қўйи кушон даврларига бўлинган¹⁰⁰.

Археологияни ривожлантириш, экспедицияни жиҳозлаш, замонавий фан ва техника ютуқларини қўллашнинг янги усулларини яратиш ва улардан фойдаланишда Хоразм археология-этнография экспедициясининг тутган ўрни катта. Бу борадаги изчиллик ва техника янгиликларини татбиқ қилишни янада ривожлантириш экспедициянинг анъанасига айланди.

Ўрта Осиё республикалари олимлари билан яқин ҳамкорлик ҳам анъана бўлиб қолди. Кўпгина қозоқ, қорақалпоқ, туркман археологлари ва этнографлари ўзларини Хоразм экспедициясининг ўқувчилари ва давомчилари деб биладилар.

Муҳокама учун саволлар

1. Турли соҳа олим ва мутахассисларининг Хоразм воҳасига кизиқишининг сабаби нимада?

⁹⁹ Голдстов С.П. Древний Хорезм. – С. 145, 147-149.

¹⁰⁰ Воробьева М. Г. Керамика античного Хорезма... – С. 86-90, 124, 145, 157.

2. Хоразм воҳаси илк бор қайси йилларда ўрганила бошлаган?
3. Қайси археология-этнография экспедицияларини Хоразм археология-этнография экспедициясининг ўтмишдошлари деб ҳисоблаш мумкин?
4. Хоразм археология-этнография экспедициясини ташкил этишга қайси олимлар бош бўлишган, илк тадқиқот натижалари?
5. Хоразм археология-этнография экспедицияси тадқиқот усуллари мажмуи қандай бўлган ва Хоразм воҳасини ўрганишда қайсиларидан биринчи бўлиб фойдаланилган?
6. Я. Ғуломовнинг Хоразм археология-этнография экспедициясидаги роли ва фаолияти?
7. Хоразмликларнинг қўшни халқлар билан муносабат хусусиятларини таҳлил қилинг.
8. Милoddан аввалги II аср - I аср бошларида Ўрта Осиёдаги этногенетик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва характерини аниқланг.
9. Қадимги хоразмликларнинг турмуши ва маданиятининг асосий хусусиятларини айтинг.
10. Қадимий Хоразм археология ёдгорликларининг қандай хронологик таснифи Хоразм тарихини даврлаштиришда илмий муомалага киритилган?
11. Ўрта аср Хоразм шаҳарлари пайдо бўлишининг ўзига хос хусусияти (умум Ўрта Осиё жараёнлари фониди) ва Хоразм ҳудудида даврлаштириш ва шаҳарланиш минтақалари қандай?
12. Қадимги ва ўрта аср Хоразм ҳудудида ирригация ва ердан фойдаланиш хусусиятларини таърифланг.
13. Хоразм қишлоқ тураржойлари тарихини тавсифланг.
14. IV-VIII асрларда Орол бўйида этник вазият қандай бўлган? Аҳолисининг этногенезида этник шакллантирувчи ва этник табақалаштирувчи омиллар. Ушбу давр Орол бўйидаги этногенетик жараёнларда экологиянинг роли.
15. Хоразм археология-этнография экспедициясининг кўплаб тарихий ёдгорликларнинг сақланиб қолиши ҳамда ўрганилишига сабаб бўлган муҳофаза ишларидаги роли қандай?
16. Хоразм ўтроқ аҳолисида ислом дини жорий этилишидан олдинги эътиқод, ибодат ва расм-русумларнинг намоён бўлиш хусусиятлари қандай?
17. Хоразмнинг мўғул истилосигача ва қўйи ўрта аср даврининг хусусиятларини таҳлил этинг.
18. Милoddан аввалги VII асрга оид бўлган Хоразм чорвадорларининг энг қадимий ёдгорликларини айтинг.
19. Минтақа халқларининг тарихан таркиб топган хўжалик юритиш, ер, сувдан фойдаланиш, даладарни суғориш усуллари, тураржойларни сув билан таъминлашнинг хусусиятлари ва анъаналарини тавсифланг.

20. Минтака худудида қадимдан бевосита девор-дармиён бўлиб яшаб келган қорақалпоқлар, туркманлар, козоклар ва ўзбеклар ўртасидаги тарихий шаклланган хўжалик, турмуш ва маданий алоқаларнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?

И боб

ХОРАЗМ АРХЕОЛОГИЯ-ЭТНОГРАФИЯ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ФАОЛИЯТИНИНГ БАЪЗИ НАТИЖАЛАРИ

II.1. Хоразм археология-этнография экспедициясининг тарихшунослиги

Хоразм археология-этнография экспедицияси иш олиб борган давр мобайнидаги фаолияти шу қадар кенг қўламли нашрларда ўз аксини топдики, уларнинг тўла рўйхатини тузишнинг ўзи анча-мунча вақт олади. Бу нашрлар бутун бир кутубхонани ташкил қилган бўлур эди.

Ҳозирга қадар Хоразм археология-этнография экспедицияси «Асарлар»нинг 16 жилди, Хоразм археология-этнография экспедицияси «Материаллар»нинг 10 та жузи, 18 та тематик тўплами чоп этилган. Шунингдек, ХАЭЭ ходимларининг мақолалари «Вестник древней истории», «Вопросы истории», «Советская археология», «Советская этнография», «Этнографическое обозрение» ва бошқа журналларда босилиб чиққан. Гуруҳларнинг ишлари ҳақидаги ҳисоботлар КСИИМК (Моддий маданият тарихи институтининг қисқа ахбороти) ҳамда КСИЭ (Этнография институтининг қисқа ахбороти)нинг йиллик нашрларида, «Археологические открытия» ва бошқа нашрларда бериб борилди.

Экспедиция ходимларининг мақолалари кўлаб хорижий журнал ва тўпламларда нашр қилинган. Уларнинг *Encyklopedia* (Колумбия университети нашри) ва «History of civilizations of Central Asia» (ЮНЕСКО нашри) каби фаннинг ҳозирги ривожини акс эттирувчи нуфузли нашрлардаги иштирокини қайд этиш жоиз.

Хоразм археология-этнография экспедициясининг 60 йилдан зиёд фаолияти натижалари жамулжам бўлган юқорида қайд этилган нашрлар бизнинг тадқиқот манбаимиз ҳисобланади. Бунда уларнинг мазкур иш мавзусига мувофиқлиги назарда тутилган. Ушбу нашрлардаги асарлар шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлинган.

Биринчи гуруҳ – Хоразмни илмий жиҳатдан ўрганишга асос солган Сергей Толстовнинг фундаментал ишлари.

Иккинчи ва асосий гуруҳ – Хоразм археология-этнография экспедицияси «Асарлар»и. Мазкур гуруҳдаги манбаларда Хоразм археология-этнография экспедициясининг фаолияти тўғрисидаги асосий маълумотлар акс этган.

Учинчи гуруҳга юқорида айтиб ўтилган экспедиция ходимларининг монографик тадқиқотлари мансубдир.

Тўплам ва даврий нашрларда, журналларда босиб чиқарилган айрим мақолалар, «Археологические открытия» йиллик тўпламидаги материаллар тўртинчи гуруҳни ташкил этади.

Тадқиқ этилган барча асарлар экспедиция изланишларининг кенг кўламлилигини ақс эттириб, ибтидоий даврдан ҳозирги кун муаммоларигача бўлган даврни ўз ичига олган.

Асарлар таҳлилига ўтар эканмиз, шуни қайд этиш лозимки, С.П. Толстовнинг «Древний Хорезм» (Қадимги Хоразм), «По следам древних цивилизаций» (Қадимий маданият излари бўйлаб), «По древним дельтам Окса и Яксарта»¹⁰¹ (Окс ва Яксартнинг қадимий дельталари бўйлаб) сингари фундаментал монографияларида кутарилган бир қанча масалалар бевосита Хоразмнинг ўзигагина тааллуқли бўлган муаммолар билан чегараланиб қолмайди. Тадқиқотнинг асосий мавзулари - Қадимги Хоразм тарихини даврларга бўлиш ҳамда ижтимоий тузуми, ҳўжалиги ва маданияти асосларини қайта тиклаш - ушбу нашрларда нафақат Ўрта Осиё халқлари тарихи, балки Шарқ маданиятининг ривожланиши фониди, шунингдек жаҳон тарихининг янада кенгроқ аспектида кўриб чиқилган.

С.П. Толстовнинг ўзи монографияларига ёзган сўз бошисида уларни «Хоразм экспедицияси материалларини умумлаштиришга унналиш» деб атайди¹⁰². Аммо, муаллиф келтирган дала материаллари, бизнингча, бир бутун тарихий манзаранинг муфассал тасвири бўлиб хизмат қилади.

Муаллиф ўз асарларида кенг кўламдаги археологик, этнографик, антропологик, лингвистик ва бошқа манбаларга асосланади.

Масалала ҳар томонлама ёндашиш С.П. Толстов тадқиқотларининг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Суратлар, хариталар, чизмалар, ажойиб дала материалларига бой ушбу китоблар йиллар ўтиши билан нафақат ўз илмий аҳамиятини йўқотмади, балки ҳануз Хоразм тарихи бўйича қимматли манба бўлиб қолмоқда.

С.П. Толстов асарлари баён услуби билан ҳам ажралиб туради: жалб этилган манбалар ва ўрганилаётган муаммоларнинг мураккаблиги баённинг раво ва ифодалилигига монелик қилмайди. С.П. Толстов монографияларида илмий асослар ва назарий мулоҳазалар билан қаторда шахсий дахлдорлик ва қизиқувчанлик бўртиб туради. Қолаверса, бу Ўрта Осиё археология фанининг шаклланиш тарихида қимматли далил ҳисобланади.

Қимматлилигига кўра бошқалардан қолишмайдиган манбаларнинг навбатдаги гуруҳи «Материалы ХАЭЭ»да чоп этилган кўплаб ва бой, хилма-хил материаллардир. Аммо уларни якуний ҳужжатлар деб бўлмайди. Булар кўпроқ экспедиция гуруҳларининг муайян давр мобайнидаги ёки маълум объектдаги илмий ҳисоботларидир. Зеро, юқорида таъкидланганидек, айрим йилларда экспедиция таркибида ҳар хил

¹⁰¹ Толстов С.П. Древний Хорезм...; Ўша муаллиф. По следам древних цивилизаций...; Ўша муаллиф. По древним дельтам Окса и Яксарта. - М., 1962.

¹⁰² Толстов С. П. По следам... - С. 3.

объектларда, турли йўналишда саккизтагача мустақил гуруҳлар иш олиб борар эди. Уларнинг материалларини асар муаллифлари токи улар тўла англаниб ва тўла-тўқис илмий муомалага киритилгунча узоқ йиллар ишлаб чиқиш билан машғул бўлишди.

Қайд этилганидек, Хоразм археология-этнография экспедициясининг дастлабки ўн йилликда олиб борган ишлари якуни С.П. Толстов монографияларида мужассамдир. Дастлабки ҳисоботлар илк бор даврий нашрларда¹⁰³, «Известия АН СССР»да (фалсафа ва тарих серияси)¹⁰⁴, Моддий маданият тарихи институти нашрларида (дарвоқе, экспедиция шу институт раҳнамолигида шаклланган) – унинг қисқа ахборотларида (КСИИМК), кейин эса Этнография институтида («Асарлар» ва қисқа ахборотлар - КСИЭ)да чоп этилган.

1952 йилдан Хоразм экспедицияси «Асарлар»и нашр қилина бошлади. Хоразм археология-этнография экспедицияси «Асарлар»ининг I ва II жилдлари ҳисоботлардан иборат бўлиб, I-жилдига 1945-1948 йиллар, 2-жилдига эса 1949-1953 йилларга оид ҳисоботлар кирган. Дастлабки жилдларда экспедиция айрим гуруҳларининг илмий ҳисоботлари ва турли масалалар ёки объектларга оид илк материаллар берилган.

«Материалы и исследования по этнографии каракалпаков» - М., 1958. (Қорақалпоқ этнографияси бўйича материаллар ва тадқиқотлар) деб номланган III жилд ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз.

Бу жилд буткул этнография масалаларига бағишланган. Унда 1945 йилдан тадқиқот олиб борган Хоразм археология-этнография экспедициясининг Қорақалпоғистон гуруҳи ходимларининг тарихий-этнографик изланишлари чоп этилган. Ушбу жилддаги тўртта иш, аслини олганда, номзодлик диссертацияларидан иборат (Б.В. Андрианов, С. Камолов, Р. Есбергенов ва У. Шалекенов). Бу диссертацияларнинг барчаси экспедициянинг ўша даврда муаллифлар тўплаган кенг кўламли дала материаллари асосида ёзилган. Мазкур жилддаги тўрттала иш мавзу жиҳатидан ўзаро боғланган бўлиб, қорақалпоқ халқининг Амударё этакларига узил-кесил тўлиқ жойлашган вақтидан то бутунги кунга қадар бўлган тарихий этнографиясига бағишланган.

Бешинчи иш – Хоразм археология-этнография экспедицияси этнография қисмининг раҳбари Т.А. Жданконинг кириш мақоласи билан берилган қорақалпоқ халқ нақшлари намуналари тўпламидан иборат. Унда қорақалпоқ амалий санъатининг асосий турлари, қорақалпоқ халқ безакларининг ўзига хос хусусиятлари ўз ифодасини топган. Ушбу тўпламнинг аҳамияти беқиёс. Тўплам нашр қилинганидан буён ўтган деярли ярим аср вақт мобайнида халқ ижодиётининг кўпгина анъаналари

¹⁰³ Масалан, 1938 йилдаги ишлар ҳақида қаранг: Толстов С.П. Древнехорезмийские памятники Каракалпакки // ВДИ. - 1938. - № 3.

¹⁰⁴ 1945 йилдаги ишлар ҳақида қаранг: Толстов С.П. Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция АН СССР в 1945 г. - ИАН, СИФ. - 1946. - № 1.

изсиз йўқолиб кетди.

IV жилд – «Керамика Хорезма» (Хоразм кулолчилиги) - М., 1959. Сопол буюмлар таснифи ва тарихини ўрганиш археологик тадқиқотларнинг гоят муҳим услубий вазифаси ҳисобланади. Сопол буюм энг оммавий археологик материал бўлиб, турли халқларнинг хилма-хил даврлардаги иқтисодий ва маданий алоқаларини ўрганишда асосий манба ҳисобланади. Айни вақтда, у этногенез жараёнларини аниқлашда асосий омил вазифасини бажаради.

Хоразм кулолчилиги кўпдан буён тадқиқ этиб келинади.

Мазкур жилдда экспедиция жамоаси тўплаган сопол ашёлар таҳлили бўйича улкан тажриба умумлаштирилган. Хоразмда неолит давридан то бизнинг кунларгача бўлган сопол ишлаб чиқариш тарихи баён этилган. Ушбу жилдга ҳам археологик, ҳам этнографик ишлар киритилган.

V жилд. «Кой-Крылган-кала – памятник культуры Древнего Хорезма IV в. до н.э. – IV в. н.э.» (Куйкирилганқалъа – милоддан аввалги IV аср – милодий IV аср Қадимги Хоразм маданияти ёдгорлиги) - М., 1967. Ушбу жилдда – ёдгорлик тавсифланиб, тасвири тикланади, қандай вазифа бажарганлигини аниқлашга ҳаракат қилинган. Сопол, темир, суяк, тош, шиша ва бошқа материаллардан ясалган моддий маданият буюмлари таҳлил қилинган. Терракота ва алебастр ҳайкалчалар сингари амалий санъат буюмларининг бой коллекцияси келтирилган. Турли осори-атиқалардаги ёзувларни ўқиш ва белгиларни шарҳлашга ҳаракат қилинган.

VI жилд. Рапопорт Ю.Л. «Из истории религии Древнего Хорезма (оссуарии)» (Қадимги Хоразм дини тарихидан (суякдонлар))– М., 1971. Ушбу монографияда милоддан олдинги I минг йиллик - милодий I минг йиллик давридаги Ўрта Осиё дини тарихининг бир қатор масалалари тадқиқ этилган. Шу жумладан, дафн маросимига, аввало, суякдонга (оссуарий), унинг пайдо бўлиши ва ривожланишига бағишланган. Монографияда, бошқа материаллар қатори суякдонларнинг маҳаллий ҳайкалсимон Хоразм тури ҳам ўрганилган.

Тасвирий материалларга бой ушбу монографияда муаллиф Ўрта Осиёдаги қадимги халқлар эътиқодининг қадимнинг кучли динларидан бўлган зардуштийлик билан алоқаси масаласи тадқиқ этилган. Эҳтимол, ана шу тадқиқотлар асосида Эроннинг намунавий зардуштийлик динидан кескин фарқ қилувчи Ўрта Осиёдаги зардуштийлик хусусида фикр юритиш мумкин.

Кенг кўламдаги археологик, диншунослик, этнографик материаллар монография муаллифига Ўрта Осиёнинг қадимги дини ва маданиятининг кўп жиҳатларини янгича ёритиш имконини берди.

VII жилд. Левина Л.М. «Керамика Нижней и Средней Сырдарьи I тысячелетия» (I мингйилликда Куйи ва Ўрта Сирдарё кулолчилиги) - М., 1971.

Сирдарё ҳавзасининг бепоён ҳудудларини археологик ўрганиш натижасида олинган сопол материаллар таҳлили асосида Жетиасар маданияти муфассал даврлаштирилди.

1959 йилдан ХАЭЭ ахборот органи сифатида «Материалы Хорезмской экспедиции» (Хоразм экспедицияси материаллари) нашр қилина бошланди.¹⁰⁵

1-жуз. «Полевые исследования Хорезмской экспедиции 1954-1956 г.г.» (Хоразм экспедициясининг дала тадқиқотлари, 1954-1956 й.) – М., 1959.

2-жуз. «Древнее население Хорезма: по данным палеоантропологии» (Хоразмнинг қадимги аҳолиси: палеоантропология маълумотлари бўйича) – М., 1959.

Тозабогёб маданиятига оид Кўкча-3 қабристонидан, Қалъалиқирдаги суякдон қабристонидан, Кубатогдан, Қанг қалъадан олинган бош суяклари, Бургут қалъа воҳасидан топилган ўрта асрларга оид бош суяклари туркуми асосида ўтказилган краниологик ва антропологик тадқиқот натижалари келтирилган.

Кўхна Марв (Байрамали яқинида) суякдон қабристони материаллари илова сифатида берилган.

3-жуз. «Низовья Амударьи, Сарыкамыш, Узбой. История формирования, развития и заселения» (Амударё этаклари, Сарикамиш, Узбой. Шаклланиш, ривожланиш ва аҳолининг ўрнашиш тарихи) - М., 1960. Бу ишнинг мудом илмий аҳамиятга эга эканини айтиб ўтиш лозим. Унда геоморфологик ва археологик материалларни киёслаб Ақчадарё ва Сарикамиш дельтасининг Сарикамиш кўли лиммо-лим тўлганида ундан оқиб чиқадиган Узбой ирмогининг сув билан таъминланиш даврларининг пайдар-пайлигини аниқлаш имконини берди.

Шу аснода Амударёнинг Каспий денгизига куйилиш муаммосини ҳал қилиш учун мутлақо янги материаллар тавсия қилинди.

4-жуз. «Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1957 г.» (Хоразм экспедициясининг 1957 йилдаги дала тадқиқотлари) - М., 1960.

5-жуз. «Могильник бронзового века Кокча 3» (Кўкча 3 бронза даври қабристони) - М., 1961. Кўкча 3 бронза даври қабристонидаги дафни ўрганиш асосида Ўрта Осиё шимолидаги қадим аҳолининг шаклланиш тарихи ҳақида хулосалар қилинган ҳамда бош суяклари бўйича маълумотлар келтирилган. Бош суяклари ва моддий-маданият буюмлари таҳлили асосида қадимги зироатчилар овчи ва балиқ овчилари, кейинрок

¹⁰⁵ Материалы Хорезмской экспедиции / Под общ. ред. С.П. Толстова. – Т. 1-10. - М., 1959-1975.

эса шимолий чеккалардаги чорвадор ва деҳқонларнинг кўчиб ўтиши ва маданий алоқалари ҳақида хулосалар қилинган.

6-жуз. «Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958-61г.», 1-кисм. (1958-1961 йилларда Хоразм экспедициясининг дала тадқиқотлари.) - М., 1963.

7-жуз. «Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958-61г.», 2-кисм. (1958-1961 йилларда Хоразм экспедициясининг дала тадқиқотлари.) - М., 1963.

8-жуз. Виноградов А.В. «Неолитические памятники Хорезма» (Хоразмнинг неолит даври ёдгорликлари). - М., 1968.

Бир қатор тадқиқот материалларига асосан илгари С.П. Толстов томонидан белгиланган Калтаминор маданиятининг тарқалиш жойлари ва маданий алоқалари аниқлаштирилди.

9-жуз. Воробьева М.Г. «Дингельдже. Усадьба I тыс. до н.э. в Древнем Хорезме» (Дингельжа. Қадимги Хоразмда милоддан аввалги I минг йилликдаги кўрғон.) - М., 1973. Қазилш ишларидан олинган материаллар асосида режалаштириш усуллари, қурилиш техникаси, қадимги тураржой ашёлари таҳлил этилган. Моддий маданиятга оид маълумотлар хунармандчиликнинг пайдо бўлиши ва милоддан аввалги I минг йилликдаги Хоразм манзилгоҳлари аҳолиси машғулотивнинг хусусияти ҳақида баъзи хулосалар қилиш имконини беради.

10-жуз. Виноградов А.В., Мамедов Э.Д. «Первобытный Лавлякан: этапы древнейшего заселения и освоения Внутренних Кызылкумов» (Ибтидоий Лавлякон: Қадимда Ички Қизилкумда аҳолининг ўрнашиши ва уни ўзлаштириш босқичлари.) - М., 1975.

Ушбу жузда Ички Қизилкум минтақасининг географик баёни келтирилган. Шимолий, марказий, жанубий ва жануби шарқий кумликларининг ибтидоий манзилгоҳлари районлаштирилган. Маълумотларни синчиклаб таҳлил қилиш асосида ибтидоий маданиятларнинг шаклланиш босқичлари ва Лавлякон кўлларидаги ибтидоий ёдгорликлар хронологияси аниқланган. Археологлар ва палеогеографлар ҳамкорликда ўтказган комплекс изланиш натижалари неолит ва энеолит даврларидаги Қизилкум иқлими ҳақида қатор хулосалар қилиш имконини беради. Археологик кузатиш маълумотлари асосида тош давридаги ички Қизилкумни ўзлаштириш тарихига оид маълумотлар келтирилган. 1959 йилдан 1975 йилгача «Материалы Хорезмской экспедиции»нинг 10 та жузи нашр этилди, уларга мунтазам С.П. Толстов муҳаррирлик қилди.

«Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции» белгиси остида жами 15 жилдан иборат муаллифлик ва жамоавий монографиялар чоп этилган.

Ушбу жуздаги асарлар милодий биринчи минг йилликдан иборат катта даврни ўз ичига камраб олади. Сопол ишлаб чиқариш таҳлили

асосида минтақада қадимий маданиятларнинг миграция жараёни, уларнинг ўзаро алоқалари ва ўзаро таъсири очиқ берилган.

VIII жилд. Вишневская О.А. «Культура сакских племен низовьев Сырдарьи в VII-V вв. до н.э. (по материалам Уйгарака)» (Милоддан аввалги VII-V асрларда Сырдарё этакларидаги сак қабилаларининг маданияти (Уйгурак материаллари бўйича). - М., 1973.

Ушбу жилдда Куйи Сырдарё хавзасидаги қабилаларнинг милоддан олдинги VII-V асрлардаги моддий маданияти, турмуш тарзи, харбий иши, дафн маросимлари ва этиқодлари, шунингдек, амалий санъати, бу қабилалар маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, кўшни скиф-сармат ва сак қабилалари маданияти билан ўхшашлиги масалалари ёритилган. Ўрта Осиёнинг жанубий деҳқончилик минтақалари билан алоқалари ўрганилган.

IX жилд. Неразик Е.Е. «Сельское жилище в Хорезме I-XIV вв. н.э.» (Хоразмдаги қишлоқ уй-жойлари. I-XIV асрлар) - М., 1976. Муаллиф ушбу асарда қадимги ва ўрта аср Хоразм қишлоқ уй-жойлари ва манзилгоҳларининг ривожланиш муаммолари, Хоразмнинг қадимги деҳқончилик жамоалари ва оилалари тарихини тадқиқ этган. Кўп йиллик экспедициялар натижасида олинган бой материаллар асар негизини ташкил этади. Улар китобнинг биринчи қисмида таърифланган. Иккинчи қисмида эса Хоразм қишлоқ уй-жойларининг шаклланиш босқичлари кўрсатилиб, Хоразм тарихининг турли даврларидаги оилавий муносабатлар тарзини тиклашга ҳаракат қилинган.

X жилд. Итина М.А. «История степных племен Южного Приаралья II-начала I тысячелетия до н.э.» (Милоддан аввалги II-I минг йиллик бошларида Жанубий Оролбўйи дашт қабилалари тарихи). - М., 1977.

XI жилд. «Кочевники на границах Хорезма» (Хоразм сарҳадларидаги кўчманчилар). - М., 1979. Туплам Амударёнинг Сарикамиш бўйи дельтаси чеккаларидаги чорвадор аҳоли яшаган даврларга оид қазилмалардан олинган натижаларга бағишланган. Унда милоддан олдинги VII-IV асрларга мансуб Куйисой маданиятининг қишлоқ ва гўристонлари, милодий илк асрлардаги қоплама-катакомба қабрлари ўрганилди, олинган маълумотларнинг тарихий талқини берилди.

XII жилд. «Городище Топрак-кала (раскопки 1965-1975 гг.)» (Тупроққалъа кўҳна шаҳарлари (1965-1975 йиллардаги қазилмалар). - М., 1981.

Ушбу асарда антик ва илк ўрта асрдаги Ўрта Осиёнинг этник ва ижтимоий муаммоларини тадқиқ этиш учун турли маълумотлар илмий муомалага киритилган; қадимги шаҳар истехкомлари, илгари маълум бўлмаган ибодатхона мажмуалари меъморчилиги қазилмалардан топилган кулолчик, зеб-зийнат ва рўзгор буюмлари, танга-чақалар коллекциялари суратлари келтирилган. Тангалар каталоги илова қилинган.

XIII жилд. Виноградов А.В. «Древние охотники и рыболовы

Среднеазиатского Междуречья» (Ўрта Осиё Икки дарё оралигининг қадимги овчилари ва балиқчилари) - М., 1981.

Ўрта Осиё икки дарё оралиги ҳудудида тош даврида яшаган қабилалар тарихи ва маданияти масалалари таҳлил этилган. Ландшафт-иклим шароитлари қайта тикланган. Ёдгорликлар даврлаштирилган. Минтақанинг неолит даври қабилаларининг манзилгоҳ ва тураржойларининг хусусиятлари, хўжалик фаолияти тадқиқ этилган.

XIV жилд. «Топрак-кала. Дворец» (Тупроққалъа. Сарой). - М., 1984.

II-III асрлар хоразмшоҳларнинг «Муқаддас саройи» - қадим Ўрта Шарқнинг муҳим ёдгорлиги.

Монографияда саройдаги деворий расмлар ва ҳайкаллар билан безатилган 150 тага яқин хонанинг (тахт ўрнатилган зал, Шоҳлар зали, Ғалабалар зали, Рақсга тушаётган ниқоблар зали, Жангчилар зали) баёни ва талқини берилган.

Сарой архивидан топилган ҳужжатлар чоп қилиниб, шарҳланган.

XV жилд. Виноградов А.В., Итина М.А., Яблонский Л.Т. «Древнейшее население низовий Амударья (археолого-палеоантропологическое исследование)» (Амударё этакларидаги энг қадимги аҳоли) (археологик-палеоантропологик тадқиқот). - М., 1986.

Неолит давридаги Тумек-Кичижик қабристонни ҳамда бронза давридаги Кўкча 3 қабристонни дафнларини ўрганиш асосида, Ўрта Осиё шимолидаги энг қадимги аҳолининг шаклланиш тарихи ҳақида хулосалар чиқарилган, Ўрта Осиё жанубидаги қадимий деҳқончилик маданияти аҳолисининг, овчи ва балиқчиларнинг, кейинчалик эса унинг шимолий чеккаларидаги чорвадор ва деҳқонларнинг миграцияси ва маданий алоқаларининг тарихий тикланиши тақдим қилинган.

XVI жилд. «Древности Южного Хорезма» (Жанубий Хоразм обидалари). - М., 1991.

Мазкур тўшлам аксарияти Хоразмни Бактрия, Парфия, Хуросон, Сугд, Бухоро ва Марв билан боғлаган қадимги карвон йўлларида жойлашган археологик ёдгорликларга бағишланган.

Харобалари Амударё соҳиллари бўйлаб қад кўтариб турган ёки куйи ўрта аср иморатлари остида қолиб кетган антик ёдгорликлар тадқиқоти натижаларига марказий ўрин берилган. Улардан бири - Елҳарасда ўтказилган казишмалар милоддан олдинги IV-II асрлардаги меъморларнинг ажойиб маҳоратини, шу вақтгача маълум бўлмаган деворий нақшлар ва бўялган сопол ҳайкалларни намойиш этди. Хоразмнинг ўша ва анча кейинги Кушон даври истехкомлари бўйича Кашрас казишмалари янги маълумотлар берди. Неолит ва бронза даврида Жанубий Хоразмда аҳолининг жойлашиш тарихи илк бор тадқиқ қилинди. Хоразм экспедицияси асарлари ва материаллари хусусидаги қисқача тавсиф С.П. Толстов томонидан экспедиция илмий фаолиятининг асосий

ғояси сифатида жорий этилган анъана ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини кўрсатади.

Тадқиқотларнинг каттагина қисми этногенетик назариялар учун асос ҳисобланади. Кулолчилик, суякдон ёки айрим, ҳатто, материаллари ва аҳамиятига кўра ноёб ҳисобланган ёдгорликнинг (масалан, Тупроққалъа) мавжудлиги бир қарашда торроқ туюлган масалаларга бағишланган айрим тадқиқотлар нафақат Хоразм ёки бутун Ўрта Осиё тарихига тааллуқли бўлган, балки дунёнинг энг муҳим жараёнларини тушунишда катта аҳамият касб этган башарий хулосалар чиқариш учун асос ёки таянч бўлиб хизмат қилади. Этногенез муаммосини тадқиқ этиш фақат икки асосий хўжалик-маданий тоифа (сунъий сугориш билан шуғулланадиган деҳқонлар ва кўчманчи-чорвадорлар)нинггина эмас, балки бутун бир қатор оралик шаклларнинг ҳам ўзаро алоқаси масалалари билан узвий боғлиқ бўлган этник тарихни яратиш заруриятидан келиб чиққан.

Тадқиқотларни мажмуавий тарзда олиб бориш, хўжалик-маданий турлар (тип) ва тарихий-этнографик соҳалар тўғрисидаги назариядан фойдаланиш, тупроқшунослик, иқтисодий география, этнография маълумотларини жалб қилиш кўчманчи аҳолиларнинг айрим гуруҳлари ўртасидаги хўжалик-маданий фарқларни аниқлаш; шунингдек, нафақат икки асосий хўжалик-маданий тоифалар (сунъий сугориш билан шуғулланадиган деҳқонлар ва кўчманчи чорвадорлар), балки оралик шаклларнинг, этник ҳудудларнинг вужудга келишида экологик омиллар ролини аниқлаш; Хоразмда деҳқон ва чорвадорларнинг ўзаро муносабатлари моделини белгилаш имконини берди. Тамаддун ва атроф-муҳитнинг ўзаро таъсирлашуви гоят муҳим аҳамият касб этади. Б.И. Вайнбергнинг «Этнография Турана в древности VII в. до н.э. - VIII в.н.э.» (Қадимда - милоддан аввалги VII аср - милодий VIII асрда Турон этнографияси)¹⁰⁶ асари шундай тадқиқотларга ёрқин мисол бўла олади. Монографияда кенг манбашунослик (палеогеография, экология, тарихий моделлар, археологик материаллар, ёзма манбалар) асосида эрон қабилалари ва Ўрта Осиёнинг шимолий қисмида (Турон пастрекислигида) халқларнинг жойлашиш ва кўчиш тарихи тадқиқ этилган.

Муаллиф этник тарихнинг бир қатор тарихий муаммолари масалаларининг (масалан, хоразмликларнинг келиб чиқиши, даҳлар, араklar, тохарлар, илк хазорлар ва бошқалар тарихи) янгича ечимларини тавсия қилади. Ишда эрон қабилалари ва халқларининг қадимда Ўрта Осиё дашт минтақаларига кўчиб кела бошлашидан то туркийланувигача бўлган даврдаги жойлашиши ва ўзаро муносабатларининг яхлит манзарасини яратишга ҳаракат қилинган. Муаллифнинг экология масалаларига катта эътибор қаратганлиги ўша даврнинг палеогеографик қиёфасини тиклаш

¹⁰⁶ Вайнберг Б.И. Этногеография Турана в древности VII в. до н.э. - VIII в. н.э. - М.: Изд-во «Восточная литература», РАН, 1999.

имконини берди.

Экспедиция илмий фаолият доирасининг нақадар кенглиги тўғрисида унинг бир қатор ходимларининг ХАЭЭ асарлари тамғаси остида чоп этилган тадқиқотлари, шунингдек сўнгги йилларда алоҳида мустақил нашрлар сифатида эълон қилинган асарлари рўйхатининг ўзиёқ яққол тасаввур беради. Шулар жумласидан баъзи бир монографияларнигина тилга олишни лозим топдик: Б.И. Вайнбергнинг қадимги Хоразм нумизматикаси¹⁰⁷, Л.М. Левинанинг Шарқий Орол бўйи этномаданий жараёнлари¹⁰⁸, Е.Е. Неразикнинг шаҳарлар, қишлоқлар ва уй-жойларнинг ривожланиши масалалари ҳамда Хоразм оиласи тарихи¹⁰⁹ масалалари, Р.Л. Садоқовнинг Ўрта Осиё халқларининг мусиқа маданияти¹¹⁰, Ю.А. Рапопортнинг дин тарихига¹¹¹ оид асарлари, шунингдек, Б.И. Вайнбергнинг юқорида номи тилга олинган китоби ва ҳоказо.

Хоразм археология-этнография экспедицияси фаолияти билан боғлиқ асарларнинг тўртинчи гуруҳига турли тўплам ва даврий нашрлардаги мақолалар киритилган (биз аввал изоҳларда уларга мурожаат қилганмиз). Уларнинг ҳажми ва мавзу доираси шу қадар кенги, кичик бир тадқиқот кўламида уларни нафақат тавсифлаш, балки шунчаки санаб ўтишнинг ҳам имкони йўқ.

Мазкур ишда Хоразм археология-этнография экспедициясининг фаолиятига боғлиқ саналар муносабати билан чиқарилган тўпламлар тилга олинган¹¹². Юқорида дастлабки илмий ҳисоботлар КСИИМК, КСИЭ, Фанлар академияси ахбороти сингари нашрларда чоп этилганлигини айтиб ўтган эдик. 1966 йилдан «Археологические открытия» йиллик тўплами нашр этила бошлади. Бу тўпламларда собиқ Иттифоқнинг барча республика ва вилоятларидаги дала-археология изланишлари ҳақида маълумотлар бериб борилди. Уларда қазилма ёдгорликлар қисқача тавсифланиб, меҳнат қуроллари, безаклар, идиш ва анжомлар, тангалар, ашёлар хазиналари сингари энг қизиқарли ва муҳим археологик топилмалар баён этилган. Тўпламларнинг муаллифлари асосан экспедиция ёки гуруҳ раҳбарларидан иборат етакчи археологлардир. Табиийки, Хоразм археология-этнография экспедицияси аъзолари бундай нашрларда

фаол иштирок этишди¹¹³.

Хоразм археология-этнография экспедициясининг XX аср 90-йилларидан чоп эта бошлаган қатор серияли нашрларини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. «Скотоводы и земледельцы левобережного Хорезма» (Хоразм сўл қиргоғи чорвадор ва деҳқонлари)¹¹⁴ ва «Низовья Сырдарьи в древности» (Қадимда Сирдарё этаклари)¹¹⁵ шулар жумласидандир.

Мазкур нашрлар ўз мавзуси, материалларни бера билиш хусусияти бўйича ҳам Хоразм экспедицияси тадқиқотлари анъанасини ҳозирги даврга монанд давом эттирмоқда. Янгидан олинган материалларни чоп қилишда, аввалгидек, тадқиқотларнинг мажмуавийлиги ва этногенез ҳамда турли доиралардаги маданиятларнинг ўзаро таъсири масалаларининг устуворлигига алоҳида эътибор берилади. Мазкур нашрлар Хоразм археология-этнография экспедицияси тадқиқотларининг узлуксизлиги ва гоят изчиллигини акс эттиради.

Хоразм тарихи муаммоларини тадқиқ этишнинг турли жиҳатларига, топилмаларга, назарий масалаларга бағишланган кўплаб мақолалар «Вопросы истории», «Вестник древней истории», «Советская археология», «Советская этнография», «Этнографическое обозрение» сингари кенг кўламдаги махсус илмий даврий нашрларда чоп этилди. Муаллифлар, шунингдек, собиқ Иттифоқ республикаларида чиқадиған журнал ва бошқа нашрларда ҳам ўз мақолаларини эълон қилишди. Хоразм археология-этнография экспедицияси анъанасининг ЎзР ФА Қорақалпоғистон филиалининг серияли нашрларидан бирига кўрсатган катта таъсирини алоҳида таъкидлаш лозим. Гап бу ўринда 1982 йилдан чоп этилаётган «Археология Приаралья»¹¹⁶ тўплами ҳақида бораётган.

Хоразм археология-этнография экспедицияси илмий натижалари чоп этилган нашрларнинг мўъжазгина обзорига якун ясалар экан, яна бир бор тадқиқотларнинг ўзига хос хусусиятига эътиборни жалб этиш лозим: уларда мудом жаҳон миқёсидаги тарихий жараёнларга тааллуқли муҳим

¹¹³ Бир нечтагина тасодифий изоҳларни келтирамиз. Толстов С.П., Итина М.А., Виноградов А.В. Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция // АО 1966 г. - М., Наука, 1967. - С. 303-307; Толстов С.П. Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция // АО - 1967 г. - М., Наука, 1968. - С. 332-333; Толстов С.П. Работы Хорезмской экспедиции // АО - 1968 г. - М., Наука, 1969. - С. 409-411; Неразик Е.Е. Работы левобережного отряда Хорезмской экспедиции // АО - 1970 г. - М., Наука, 1971. - С. 415-416; Рапопорт Ю.А. Раскопки на городище Топрак-кала // АО - 1970 г. - М., Наука, 1971. - С. 416-417; Неразик Е.Е. Раскопки на городище Топрак-кала // АО - 1974 г. - М., Наука, 1975. - С. 508-510; Виноградов А.В. Исследования стоянки Толстова // АО - 1980 г. - М., Наука, 1981. - С. 447.

¹¹⁴ Скотоводы и земледельцы левобережного Хорезма. - Т. 1. - М., 1991; - Т. 2. - М., 1992.

¹¹⁵ Низовья Сырдарьи в древности. - Т. 1. - М., 1993; - Т. 4. - М., 1994.

¹¹⁶ Археология Приаралья. Т. 1-5. - Т., Фан, 1982-1991.

¹⁰⁷ Вайнберг Б. И. Монеты древнего Хорезма. - М., 1977.

¹⁰⁸ Левина Л. М. Этнокультурные процессы в Восточном Приаралье. - М., 1996.

¹⁰⁹ Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). Из истории жилища и семьи. - М., 1976.

¹¹⁰ Садоков Р. Л. Музыкальная культура древнего Хорезма. - М., 1970.

¹¹¹ Рапопорт Ю.А. Из истории религии древнего Хорезма. - М., 1971.

¹¹² История, археология и этнография Средней Азии (С.П. Толстов таваллудининг 60 йиллигига). - М., Наука, 1968; Этнография и археология Средней Азии (С.П. Толстов таваллудининг 70 йиллигига ва ХАЭЭнинг 40 йиллигига). - М., Наука, 1979; Приаралье в древности и средневековье (ХАЭЭнинг 60 йиллигига). - М., Фирма «Восточная литература», РАН, 1998.

хулосалар мавжуд. Ҳатто алоҳида ёдгорлик ёки қандайдир муайян материаллар гуруҳи доирасидаги тадқиқотлар ҳам умумий хулосалар чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бирон тадқиқот маҳаллий минтақа ёки тор хронологик доиралар билан чекланиб қолмаган. Уларнинг деярли ҳар бири муҳим тарихий даврни камрайди.

Аммо, мўғуллар босқинидан аввалги ва қуйи ўрта асрларга оид Хоразм тарихи ҳақида араб ва ўрта аср форс манбаларидаги мавжуд маълумотлар ўз вақтида В.В. Бартольд томонидан моҳирона тадқиқ этилганлигини, бошқа даврлар археологик жиҳатдан камроқ ўрганилганлигини таъкидлаш лозим.

Эҳтимол, бу ўринда экспедиция раҳбарининг илк даврларга кўпроқ қизиққанлиги ёки шаҳарлар, аксарият ҳолларда, қуйи давр қатламлари билан тўсилган қатламларга қазиб тушиш мушкуллиги ўз таъсирини ўтказгандир. Одатда, неолит давридан то илк ўрта асргача бўлган материаллар кўриб чиқилади.

Иккинчи жиҳати. Экспедициянинг ўз шахсий нашрлари мавзуи таҳлил этилар экан, археологияга оид асарлар кўпчиликни ташкил қилишини қайд этиш лозим. «Труды ХАЭЭ»нинг деярли барча жузлари айнан шу мавзудаги ишларга тааллуқли (I, II ва, айниқса, III жилдлардан ташқари).

Этнографик тадқиқот нашрлари этнографик гуруҳларнинг умумий экспедиция ҳисоботлари доирасидаги ҳисоботларига бағишланган бўлимлар билан чекланган. Этнографик тадқиқот натижалари «Труды ХАЭЭ»нинг дастлабки жилдларида ҳамда «Материалы ХАЭЭ»нинг алоҳида жузларида, шунингдек КСИИМК ва КСИЭларда босилиб чиққан. Асосий этнографик тадқиқотлар, кўпинча, махсус этнографик журнал ва тўпламларда, шунингдек Этнография институтининг нашрларида босиб чиқарилган (мазкур ишда биз уларга қисман мурожаат қилсак-да, лекин улар тадқиқотимиз доирасидан ташқарида қолади).

Экспедиция ходимлари турли вақтларда мамлакатимиз ва Ўрта Осиё давлатлари тарихи бўйича умумлаштирувчи асарлар ёзишда иштирок этганликларини таъкидлаш жоиз. М.А. Итина, Е.Е. Неразик, Ю.А. Рапопорт «Ўзбекистон тарихи» учун, Б.И. Вайнберг «История Туркменистана», Н.Н. Вактурская, М.А. Итина ва Е.Е. Неразик «Очерки истории Каракалпакской АССР», Е.Е. Неразик «Очерки истории СССР» ҳамда «История Таджикистана» китоблари учун бўлимлар ёзишган.

II.2. Хоразм воҳасининг этнографияси ва моддий маданият тарихини ўрганиш

(XX аср анъанавий манзилгоҳлари мисолида)

Ушбу параграф XX аср анъанавий манзилгоҳлари мисолида Хоразм воҳасининг этнографияси ва моддий маданият тарихини ўрганишга бағишланган. Ўйлаймизки, мазкур материал Хоразм археология-

этнография экспедицияси фаолиятида ва «Труды ХАЭЭ»да Хоразм воҳаси тарихини ўрганишда ҳосил бўлган кемтикликни тўлдиради. Ундан ташқари, анъанавий қишлоқлар ҳақидаги маълумотлар ўзбек халқининг моддий маданият тарихи хусусида кенгроқ хулоса чиқариш имконини беради.

Анъанавий ўзбек манзилгоҳларини ўрганиш муҳим илмий тадқиқот масалаларидан бўлган ва шундай бўлиб қолади. Бу масалани ҳал этиш тарихий-маданий, ижтимоий ва ҳўжалик жиҳатидан нодир ҳодиса сифатидаги манзилгоҳларнинг ривожланиш жараёнини фақат қайд этиш ва англаш имконинигина бериб қолмай, балки халқнинг анъанавий ҳаёт тарзига, тарихий маънода миллий маданиятнинг ривожланишига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи бир-бирини тақозо этадиган ва бир-бири билан узвий алоқада бўлган омишларни аниқлаш имконини ҳам беради.

XX аср Ўзбекистон этнография фанида олимларнинг ўзбек халқи моддий маданияти типологиясининг назарий муаммоларига ниҳоятда катта эътибор қаратганликлари билан диққатга сазовор, бу эса, ўз навбатида, манзилгоҳлар, уй-жойлар анъанавий ҳаёт тарзи ва урф-одатларни синчиклаб ўрганиш зарурияти билан боғлиқ эди.

Хоразм воҳаси этнографияси тарихшунослигида анъанавий манзилгоҳларни ўрганиш муаммоси етакчи мавзулардан ҳисобланади. Айнан шу сабабга кўра, ушбу параграфда Хоразм бўйича этнографик билимларнинг ривожланиш жараёни XX аср анъанавий манзилгоҳларини ўрганиш мисолида кўриб ўтилади.

Бироқ, ушбу муаммони илмий идрок этишнинг муайян даражада жадаллашувига қарамай, ўтган асрда моддий маданиятнинг барча жабҳалари муфассал ўрганилмаган. Бу, биринчи навбатда, анъанавий манзилгоҳларга тааллуқлидир.

Шубҳасиз, бу борада олимларни, асарларнинг муаллифларини айбсйтиб бўлмайди, зеро тадқиқот жараёнини муайян тартиб ва қоидаларга бўйсундириш, айниқса бирон-бир хронологик доира билан чеклаш мумкин эмас.

Шуни айтиш жоизки, О. Суҳарева ва Н. Турсуновнинг 1982 йилда чоп этилган «Из истории городских и сельских поселений Средней Азии» (Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқ манзилгоҳлари тарихидан) мақоласи Ўрта Осиё анъанавий манзилгоҳлари муаммоси бўйича илк, умумлаштирувчи этнографик материал ҳисобланади.

Мақола муаллифлари археологик ва географик таснифларни назарда тутган ҳолда минтақадаги қишлоқ ва шаҳар манзилгоҳлари типологиясини ишлаб чиқишга ҳаракат қилишган¹¹⁷.

Муаллифларнинг ютуғи шундаки, улар илк бор манзилгоҳлар

¹¹⁷ Қаранг: Суҳарева О.А., Турсунов Н.О. Из истории городских и сельских поселений Средней Азии // Жилище Средней Азии и Казахстана. – М., 1982. – С. 10-48.

типларини ажратиш имконини берувчи мезонларни белгилашди. Булар жумласига шаҳарлар, савдо-сотиқ билан шугулланувчи қишлоқлар, хунармандчилик билан шугулланувчи қишлоқлар, сугорма деҳқончилик минтақаси, лалми, тоғ ва дашт минтақаларидаги қишлоқлар, ярим кўчманчи аҳоли тураржойлари ва ҳоказолар киритилган. Ушбу тасниф шу жиҳати билан қизиқарли ва фойдалики, у умуман Марказий Осиёнинг муайян минтақасида манзилгоҳлар типологиясини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Агар Хоразм воҳаси манзилгоҳлари тавсифи ҳақида сўз юритадиган бўлсак, тадқиқотчиларнинг бу борадаги таърифида шу нарса муҳим аҳамият касб этдики, Хоразм худудида узоқ вақт мобайнида анъанавий манзилгоҳлар муайян шакллариининг ибтидосини аниқлаш имконини берувчи қимматли маълумотлар тўпланишига олиб келган археологик тадқиқотлар ўтказилган¹¹⁸.

Жумладан, Е. Неразик ўзининг бир қанча асарларида тарих, археология, этнография ва бошқа фан соҳаларига оид маълумотлардан фойдаланиб, қадимдан то XII-XVI асрларгача бўлган узоқ даврга оид кўплаб географик, ижтимоий-иқтисодий, этник, культурологик омиллар мажмуасини ҳисобга олган ҳолда манзилгоҳлар шаклланиши жараёнини кўриб ўтган¹¹⁹.

А. Жилинанинг фикрича, Ўрта Осиёнинг¹²⁰ шимоли-ғарбий чеккасида жойлашган Хоразм воҳаси, асосан, Амударё этакларидаги ерларни ўз ичига олиб, анъанавий моддий маданиятнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи муҳим омил сифатида намоён бўлади.

Хоразм воҳаси аҳолиси XIX аср охири - XX аср бошларида ниҳоятда хилма-хил бўлган. У ўзбек тилли сарт, уруғ-қабилаларга бўлинган ўзбеклар, туркманлар, қозоқлар, қорақалпоқлардан таркиб тошган. А. Жилина маълумотларига кўра, бу ерда, гарчи оз сонли бўлса-да, форслар, араблар, татарлар ва бошқа халқ вакиллари ҳам яшаган¹²¹.

Шуниси диққатга сазоворки, Хива хонлигида амалан аҳоли рўйхати ўтказилмаган. Фақат хонлигининг марказий қисмларидагина хўжаликлар рўйхати мавжуд эди.

¹¹⁸ Каранг: Жилина А. Традиционные поселения Хорезмского оазиса (XIX - начало XX вв.) // Этническая история и традиционная культура народов Средней Азии и Казахстана. - Нукус, 1989.

¹¹⁹ Каранг: Неразик Е.Е. Сельские поселения афригидского Хорезма. - М., 1976; Ўша муаллиф. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.). - М., 1976; Ўша муаллиф. Средневековые сельские постройки Хорезма в связи с проблемами формирования некоторых типов жилищ оседлого населения Средней Азии // Жилище народов Средней Азии и Казахстана... - С. 164-179.

¹²⁰ Бу ерда ва бундан кейин Ўрта Осиё деганда Марказий Осиё минтақасининг бугунги кундаги сиёсий тушунчаси назарга тутилиб, унга Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон ва Ўзбекистон кирди.

¹²¹ Каранг: Жилина А. Указ. работа. - С. 98.

Аҳоли турли гуруҳлари сони ҳақидаги маълумотлар мустамлака даврининг айрим муаллифлари асарларида учрайди. Масалан, Г. Данилевский маълумотларига кўра, XIX аср охирида Хива хонлиги аҳолиси сони 300 минг нафарни ташкил этган¹²². Бошқа манбаларда 713937 рақами учрайдики, бунга Хива хонлигининг ўз аҳолиси билан бирга Амударё бўлимининг¹²³ аҳолиси ҳам киритилган. М. Йўлдошев қарийб 800 минг аҳоли бўлганлигини эътироф этади¹²⁴. Турли йиллар тадқиқотчиларининг кўрсатишича, ўзбек тилида сўзлашувчи аҳоли XIX асрда асосан Хоразм воҳасининг жанубий қисмларида яшаган. Г. Данилевскийнинг тахминича, улар сони 1850-йиллар ўрталарида тақрибан 80-100 минг нафарни ташкил қилган¹²⁵. Улар билан ёнма-ён Дашти қипчоқ ўзбеклари яшашган, уларнинг умумий сони 1870-йилларда 200 минг киши бўлган¹²⁶.

Гиршфельд ҳамда Галкиннинг маълумотларига кўра, ўзбеклардан кейинги йирик этник гуруҳни 139640 нафардан иборат туркманлар ташкил этган¹²⁷.

Хоразм воҳасининг шимолида, шунингдек Оролбўйининг дашт ва чул қисмларидаги катта худудни қорақалпоқлар ва қозоқлар эгаллаган. Айрим маълумотларга кўра, XX аср бошларида қорақалпоқлар сони 116125 нафарни¹²⁸, қозоқлар 77 минг нафарни¹²⁹ ташкил этган.

А. Жилинанинг фикрича, ана шу этник гуруҳлар Хоразм худудида ниҳоятда нотекис жойлашган: «аҳоли зич жойлашган жанубдаги қадимий деҳқончилик минтақалари билан бир қаторда аҳоли сийрак жойлашган бепеён даштлар ҳам мавжуд эди»¹³⁰. Бинобарин, бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, турли табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларда ҳар хил манзилгоҳлар типлари вужудга келган.

О. Сухарева ва Н. Турсунов Ўрта Осиё шаҳарлари ва қишлоқлари типологияси асосига қуйидаги омилларни киритишган: а) аҳоли

¹²² Каранг: Данилевский Г.И. Описание Хивинского ханства // Записки Императорского Русского географического общества (ИРГО). Книга V. - СПб., 1881. - С. 100.

¹²³ Каранг: Военно-статистическое описание Хивинского ханства / Сост. Гиршфельд, перероб. Галкин. - Т., 1903; - Ч.П. - С. 116.

¹²⁴ Каранг: Юлдашев М.Ю. Землевладение и государственное устройство феодальной Хивы в XIX в. в свете материалов архива хивинских ханов. Автореф. дисс. ... д.и.н. - Л., 1953. - С. 17.

¹²⁵ Каранг: Данилевский Г. Указ. работа. - С. 111.

¹²⁶ Каранг: Наши соседи в Средней Азии. - СПб., 1873. - Т. 1. - Хива и Туркмения. - С. 111.

¹²⁷ Каранг: Военно-статистическое описание ... - С. 106-107.

¹²⁸ Каранг: Жданко Т.А. Каракалпаки Хорезмского оазиса // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. - Т. I. - М., 1952. - С. 494.

¹²⁹ Каранг: Шалеев У.Х. Казахи низовьев Амударьи. - Т., 1966. - С. 58-61.

¹³⁰ Жилина А. Указ. работа. - С. 100.

машгулоти; б) муайян аҳоли пунктининг бутун минтақа ёки унинг маълум қисми учун аҳамияти.¹³¹ Е. Неразикнинг қайд этишича, шаҳарлар сони, шаҳар хунармандлари сони, шунингдек савдо ҳамда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига кўра «ўлканинг иқтисодий таракқиёти ҳақида фикр юритиш мумкин»¹³². Бунда, тадқиқотчининг фикрига кўра, шаҳар ҳаёти тарихида Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даври энг қулай давр бўлиб, бунда ўлка иқтисодий ва маданий жиҳатдан гуллаб-яшнаб, шаҳарлар тугал шаклланган, Ўрта Осиё шаҳарининг ўша даврда вужудга келган қиёфаси шу кунгача сақланиб қолган.¹³³

Хоразм шаҳар ва қишлоқларининг энг мукаммал рўйхати (X асрга оид) В. Бартольд асарида келтирилган бўлиб, уларнинг сонини муаллиф 32 та¹³⁴ деб қайд этади.

Мавжуд адабиётларда келтирилишича, XVIII асрда Хоразм «Беш калъа» деб аталиб, бу ном Хоразмнинг Нодиршоҳ томонидан босиб олинishi¹³⁵ баён этилган чет эл манбаларида тарқалган. «Наши соседи в Средней Азии» тўпламининг муаллифлари Вамберига асосланиб XIX аср охирида Хива хонлиги шаҳарлари сонини 32 та деб, «уларнинг барчаси жуда кичик»лигини¹³⁶ қайд этишган. Айни вақтда Гриффельд ва Галкин XX аср бошларида бу ерда 25 та шаҳар ва қасабалар мавжуд бўлган деб кўрсатишган.¹³⁷ А. Жилинанинг фикрига кўра, бундай тафовутлар «шаҳар савдо-сотик билан шугулланувчи қишлоқлар моҳиятини тупунишга турлича ёндашиш туфайли юзага келганки, булар орасида (Хива ва Янги Урганчдан ташқари) XIX асрда тафовут жуда оз бўлган».¹³⁸

Айрим тадқиқотчилар О. Сухарева ва Н. Турсунов таснифидан келиб чиқиб аҳолиси 10 минг нафардан кам бўлмаган масканларни шаҳарлар туркумига киритишган.¹³⁹ Одатда, булар маъмурий, иқтисодий ва маданий марказлар бўлиб, доимий ишлайдиган бозорларга, ихтисослашган хунармандчиликка, турли савдо-сотик нуқталарига эга эди.¹⁴⁰

А. Жилина Хоразмдаги Хива, Қўнғирот, Янги Урганч, Хазораспни шундай шаҳарлар жумласига киритган.¹⁴¹ Бироқ аҳоли сони бўйича бу шаҳарлар Марказий Осиёнинг марказий ҳудудлари шаҳарларидан анча

орқада эди: Хивада 1873 йилда атиги 4 мингга яқин аҳоли истиқомат қилар эди, Янги Урганчда эса 2 минг киши яшаган¹⁴². О. Сухарева ва Н. Турсуновнинг фикрига қараганда, XX аср бошларида (1910 й.) Хива аҳолиси кескин ортиб 20 минг нафарга етган, бу «ўлка шаҳар ҳаёти ривожланишининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади».¹⁴³

Хоразм манзилгоҳлари ҳақидаги асарларнинг муаллифлари уларни тавсифлашар экан, масалан Гурлан, Хонқа, Манғитни - кичик шаҳарлар, Янгиарик, Остона, Богот, Эшон бозор ва бошқаларни - қишлоқ хўжалиги туманларининг маъмурий марказлари бўлган савдо-хунармандчилик қишлоқлари, «бозорлар» деб ҳисоблашган.¹⁴⁴ Ана шу аҳоли пунктларининг бағоят муфассал тавсифи Хива хонлигининг деярли барча сайёҳлари ва тарихчиларининг асарларида келтирилган. Масалан, А. Калмиков шулардан бири ҳақида қуйидагиларни ёзган эди: «У кунгурадор деворли муъжазгина истехком бўлиб, ички томонида ҳар икки чеккаси дўконлардан иборат бостирмали кўча мавжуд».¹⁴⁵ В. Масальскийнинг таъкидлашича, қишлоқ марказини, одатда, ўзининг баландлиги ва басавлатлиги билан атрофдаги уйлардан кескин ажралиб турувчи ҳокимнинг уйи эгаллаган; «унинг ёнида усти берк бозор, масжид, савдогар ва хунармандларнинг уйлари жойлашар эди»¹⁴⁶.

Тадқиқотчилар ўз асарларида савдо-хунармандчилик қишлоқларининг ниҳоятда қатта аҳамиятга молик бўлганлигини таъкидлашади. Асосий бозорлар Амударё ёқалаб ўтувчи савдо йўллари бўйлаб чўзилган бўлиб, Бухорога олиб борувчи карвон йўли ёқасида жойлашган.¹⁴⁷

Асарлар муаллифларининг қайд этишича, Хива хонлигининг шаҳарлари ва йирик қишлоқлари қадимдан савдо марказлари бўлиб, уларда, бир томондан, Хоразм деҳқонлари билан хунармандлари ўртасида, иккинчи томондан, дашт ва чўллارнинг ярим кўчманчи аҳолилари орасида маҳсулот айирбошлаш амалга оширилган. Хива бозорларидан қозоқлар, туркманлар, қисман қорақалпоқлар харид қиладиган асосий маҳсулот - нон бўлган. Туркманлар билан савдо-сотикда кўлда тикилган тўнлар асосий ўрин эгаллаб, Марв ва Ашхободдан сотиб олинган тўнларни Туркменистоннинг бошқа ерларида сотишган.¹⁴⁸ У. Шалекеновнинг маълумотларига қараганда, дашт қозоқлари ва кўчманчи туркманларнинг

¹³¹ Қаранг: Сухарева О.А., Турсунов Н.О. Указ. работа. - С. 32.

¹³² Неразик Е. Сельское жилище в Хорезме... - С. 226.

¹³³ Қаранг: Там же. - С. 224-229.

¹³⁴ Қаранг: Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Бартольд В.В. - Соч. - Т. I. М., 1963. - С. 202-205.

¹³⁵ Қаранг, масалан: Материалы по истории туркмен и Туркмении. - Т. II. - М.-Л., 1939. - С. 334 ва бошқлар.

¹³⁶ Кўрсатилган асар. - С. 128-129.

¹³⁷ Қаранг: Военно-статистическое описание... - С. 117.

¹³⁸ Жилина А. Указ. работа. - С. 101.

¹³⁹ Қаранг: масалан: Жилина А. Указ. работа.

¹⁴⁰ Қаранг: Юлдашев М. Указ. работа. - С. 36.

¹⁴¹ Қаранг: Жилина А. Указ. работа. - С. 101.

¹⁴² Қаранг: Наши соседи в Средней Азии... - С. 128-129.

¹⁴³ Сухарева А., Турсунов Н.О. Указ. работа. - С. 27.

¹⁴⁴ Қаранг: Там же. - С. 26-27.

¹⁴⁵ Калмыков А. Хива // Протоколы заседаний совещания членов Туркестанского кружка любителей археологии. - Т., 1908. - С. 55.

¹⁴⁶ Масальский В.И. Туркестанский край: Россия: Полное географическое описание нашего отечества. - СПб., 1910. - Т. 19. - С. 750.

¹⁴⁷ Қаранг: Жилина А. Указ. работа. - С. 102.

¹⁴⁸ Қаранг: Современный кишлак Средней Азии. - Т. II. - Ханкинская волость. - Т., 1926. - С. 113.

асосий сотадиган маҳсулоти мол (қўй) бўлган.¹⁴⁹

Туркманлар майда шохли моллардан ташқари, Хива қўшинларига салт от ҳам етказиб беришган, зеро улар, одатда, Хива қўшинларида навкарлик хизмати эвазига Хоразм воҳасининг гарбий чеккаларидан ер олишган.¹⁵⁰

Гиршфельд ва Галкин берган маълумотларга қараганда, Ўлкада йирик шаҳар марказлари ва савдо-хунармандчилик манзилгоҳлари ниҳоятда оз бўлган. Чунончи, XX аср бошларида Хоразм воҳаси шаҳар аҳолиси унинг жами аҳолисининг 4,7 фоизини (713937 киши) ташкил этган, хонликнинг жанубида эса бундан сал ортиқроқ - 10-25%, бу эса ушбу ерларда Хива ва Янги Урганч каби шаҳарлар мавжудлиги билан изоҳланади.¹⁵¹

Хоразм аҳолисининг асосий қисми (95,3%) “тарқок ҳолдаги”¹⁵² кишлоқларда яшаган, уларни О. Сухарева ва Н. Турсунов “суғорма дехқончилик минтақасининг эски дехқончилик кишлоқлари”¹⁵³ кичик гуруҳларидан бирига киритишган. Қўрғончаларни эслатувчи алоҳида уйлар гуруҳлари тарзидаги манзилгоҳлар воҳанинг бутун ҳудуди бўйлаб суғориш каналлари ёқасида жойлашган.¹⁵⁴

Г. Данилевскийнинг ёзишича: “Барча шаҳарларнинг чеккалари далалардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар жой-ҳар жойида уйлар мавжуд”¹⁵⁵. А. Кун ҳам шунга ўхшаш маълумотни баён этади: “Хивадан Газавотга қадар бирон ерда зич кишлоқлар кўринмайди”¹⁵⁶. А. Калмиқовнинг куйидаги сўзлари ҳам шунга ҳамоҳанг: “Хиваликлар кишлоқларда эмас, балки алоҳида чорбоғларда яшашади. Ҳар бир уй ўз даласи ўртасида якка-якка жойлашган”¹⁵⁷.

Хива манзилгоҳлари ҳақидаги асарлар муаллифлари кишлоқларнинг сони ва кўламлиги ҳақидаги масалани тадқиқ этиш мақсадида XIX аср Хива хонлари архивидан олинган ҳужжат маълумотларидан фойдаланишди. Хусусан, П. Иванов, Сайид Муҳаммадхон ҳукмронлиги давридаги ховлиларни рўйхатга олиш маълумотларини ўрганиб, уларда ҳар бир кишлоқдаги ховлилар сонини аниқлаш мумкин бўлган хонадон эгаларининг номма-ном рўйхати берилганлигини таъкидлайди.¹⁵⁸ Кейинчалик ушбу муаммо устида тадқиқот олиб борган М. Юлдошевнинг қайд этишича, ана шу рўйхатга олинган ҳудудларда (Гурлан, Қипчоқ, Манғит, Нукус, Қўнғирот ва бошқа баъзи жойлар бундан мустасно) 1183 та

масжид (қишлоқ) бўлиб, улар 37603 хўжаликни ўз ичига олган. Қишлоқлар кўлами турлича – 90 дан то 10 тагача ховлили бўлган; ундан кичикроқ – 5-6 хўжаликдан иборат қишлоқлар ҳам кузатишган.¹⁵⁹

XX аср бошларида йирилган Ўзбекистон ва, умуман, Ўрта Осиёни районлаштириш материалларига мувофиқ, Хоразмнинг жанубий ҳудудларида умумий хўжаликлар сони 54529 та (1926 й.) бўлган 1355 та қишлоқ мавжуд эди.¹⁶⁰ Г. Снесарёвнинг қайд этишича, булар, асосан, 20 тадан то 40 тагача хўжаликни жам этувчи мўъжазгина манзилгоҳлар эди.¹⁶¹

Г. Снесарёв ва бошқа айрим муаллифлар элатлар ҳақида сўз юритганда, бир элат аҳолисининг ер майдонлари улар ҳудудидан ўтувчи ариқ бўйлаб жойлашганлигини қайд этишади. Бу, ўз навбатида, Хоразм учун хос бўлган сувдан фойдаланиш шароитлари билан боғлиқ эди.¹⁶² Ерни суғориш асосан чигир ёрдамида амалга оширилган, каналларнинг кам чигирли юқори ва қисман қўйи қисмларидаги хўжаликларнинг ерлари сувнинг ўз оқими билан суғорилган.¹⁶³

Қишлоқ аҳолисининг уй-жойлари ернинг чекка қисмига жойлаштирилган, бундан мақсад экин майдонини тежашдир. Е. Неразик Дургадик қишлоғи мисолида жануб ўзбекларининг кенг маълум бўлган ховлилари билан бир қаторда Ўрта Осиёнинг текислик қисмидаги уй-жойларга кўп жиҳатдан ўхшаш кетадиган ўзагача тарздаги қишлоқ уй-жой типлари ҳам мавжуд бўлганлигини таъкидлайди.¹⁶⁴

Хоразм воҳаси аҳолисининг ярим кўчманчи ўзбеклар, туркманлар, қорақалпоқлар ва қозоқлар гуруҳларининг манзилгоҳларини олсак, масалан, Гиршфельд ва Галкин мазкур гуруҳлар, аксарият ҳолларда, хонликнинг шаҳарлари ва йирик савдо-хунармандчилик қишлоқларидан ташқарида яшовчи аҳолилар таркибига (95,3%) кирган.¹⁶⁵

К. Задиқинининг ёзишича, XIX аср Дашти қипчоқ ўзбеклари ўзларининг хўжалик кифоалари жиҳатидан бир хил бўлмаганликларини ва улар жанубий ҳамда Амударё дельтасида жойлашган шимолий гуруҳларга

¹⁵⁹ Юлдашев М.Ю. Расшифровка 34-го дафтера из архива Хивинских ханов // Труды XXV Международного конгресса востоковедов. – Т. III. – М., 1963. – С. 66-71.

¹⁶⁰ Қаранг: Материалы по районированию Узбекистана. – Т. 1. – Самарқанд, 1926. – С. 17-19.

¹⁶¹ Снесарёв Г. Ана шу хўжаликларнинг ер-сув жамоаси – элатга бирлашганини ўрганган. Муфассал маълумот олиш учун қаранг: Уша муаллиф. О некоторых причинах сохранения пережитков у узбеков Хорезма // СЭ. – 1957. - № 2; Уша муаллиф. Материалы о первобытно-общинных пережитках в обычаях и обрядах узбеков Хорезма // Материалы Хорезмской экспедиции. – М., 1960. – Т. 4.

¹⁶² Қаранг: Снесарёв Г. Материалы о первобытно-общинных пережитках... – С. 24.

¹⁶³ Қаранг: Жилина А. Указ. работа. – С. 104-105.

¹⁶⁴ Қаранг: Неразик Е.Е. Средневековые сельские постройки Хорезма... – С. 177-178.

¹⁶⁵ Қаранг: Военно-статистическое описание... – С. 123.

¹⁴⁹ Қаранг: Шалекенов У. Указ. работа. – С. 137.

¹⁵⁰ Қаранг: Материалы по истории туркмен и Туркмении... – С. 523.

¹⁵¹ Қаранг: Военно-статистическое описание... – С. 116-117.

¹⁵² Қаранг: Жилина А. Указ. работа. – С. 103.

¹⁵³ Сухарева О.А., Турсунов Н.О. Указ. работа. – С. 30.

¹⁵⁴ Қаранг: Жилина А. Указ. работа. – С. 103.

¹⁵⁵ Данилевский Г. Описание Хивинского ханства... – С. 102.

¹⁵⁶ Кун А. От Хивы до Кунграда и культура оазиса низовьев Амударьи // Материалы для статистики Туркестанского края. – Т. IV. – СПб., 1876. – С. 203.

¹⁵⁷ Калмыков А. Указ. работа. – С. 50.

¹⁵⁸ Қаранг: Иванов П.П. Архив хивинских ханов XIX в. - Л., 1940. – С. 32-50.

бўлингалигини қайд этади¹⁶⁶. Бошқа муаллифлар (Данилевский, Кун, Гиршфельд, Галкин ва бошқалар) Жанубий Хоразм аҳолисининг турмуши ва ҳўжалигини баён этишда сарглар ва ўзбеклар манзилгоҳларини аниқ чегараламаганлар¹⁶⁷.

Г. Данилевскийнинг тавсифига кўра, Хоразм воҳасининг шимолида ўзбеклар ярим кўчманчилик анъаналарини анча узоқ сақлаб қолишган. Бироқ бу ерда ҳам XIX асрнинг биринчи ярмида улар аста-секин деҳқонларга айланиб, сугориш каналлари буйларида томорқалар барпо этишган¹⁶⁸.

XIX аср охирларида Хоразмнинг шимолий қисмларида бўлган А. Каульбарс: "Орол-ўзбеклар доимий томорқага эга бўлиб, атрофини девор билан ўраб олишган, унда бог барпо этиб, буткул ўтроқ турмуш тарзига ўтганлар"¹⁶⁹.

Тадқиқотчилар, шунингдек, Амударё мансабидаги ўзбекларнинг кичик-кичик мустақамланган манзилгоҳлари мавжуд бўлганлигини, улар аксарият ҳолларда вақтинчалик бўлиб, одатда, туркманлар ва бошқа кўчманчиларнинг ҳужумидан сақлаш учун хизмат қилганлигини таъкидлашади¹⁷⁰.

Хоразм воҳаси ҳудудидаги туркман манзилгоҳлари муфассал ўрганилган¹⁷¹.

Қорақалпоқларнинг асосий оммаси учун «хутор» тарзидаги манзилгоҳлар¹⁷², чорвадор қозоқлар учун эса овул¹⁷³ тарзидаги манзилгоҳлар хос бўлган.

Умуман олганда, турли йилларда тадқиқот олиб борган муаллифларнинг таъкидлашларича, XIX аср охири - XX аср бошларида атрофидаги дашт ва чаладашт ҳудудлар билан бирга Хоразмнинг улкан

¹⁶⁶ Қаранг: Задыхина К.Л. Узбеки дельты Амударьи // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. - Т.-М., 1952. - С. 354-355.

¹⁶⁷ Қаранг, масалан: Кун А. От Хивы до Кунграда... - С. 250.

¹⁶⁸ Данилевский Г. Указ. работа. - С. 92.

¹⁶⁹ Каульбарс А.В. Низовья Амударьи, описанные по собственным исследованиям в 1873 г. // Записки Русского географического общества по отделению общей географии. - Т. IX. - СПб., 1881. - С. 568.

¹⁷⁰ Қаранг: Материалы по обследованию кочевого и оседлого туземного хозяйства и землепользования в Амударьинском отделе Сырдарьинской области. - Т. I. - Т., 1915. - С. 134.

¹⁷¹ Қаранг: Муравьев Н. Путешествие в Туркмению и Хиву. - Ч. 1; Военно-статистическое описание; Авдакушин И. Санитарный обзор Амударьинского отдела с 1887 по 1891 г. // Материалы по характеристике Сырдарьинской области. Т. 2. - Т., 1892; Вайнберг Б.И. К истории туркменских поселений XIX в. в Хорезме // СЭ. - 1959. - № 5; Васильева Г.П. Преобразование быта и этнические процессы в Северном Туркменистане. - М., 1969.

¹⁷² Қаранг: Жданко Т.А. Указ. работа; Очерки исторической этнографии каракалпаков // Труды Института этнографии АН СССР. - Т. IX. - М.-Л., 1950.

¹⁷³ Қаранг: Шалекенов У. Указ. работа.

ҳудудида воҳанинг тубжой аҳолиси учун ҳам, шунингдек деҳқончилик қилишга ўтган ярим кўчманчи ўзбеклар, туркманлар, қорақалпоқлар ва қозоқлар учун ҳам тарқоқ, «хутор» тарзидаги манзилгоҳлар типичи хос бўлган¹⁷⁴.

Тадқиқотчилар, шу жумладан Е. Неразик Хоразмнинг қишлоқ манзилгоҳлари ва уй-жойларини ўрганиш натижасида олган бой ва хилма-хил материал қишлоқ аҳолиси манзилгоҳларининг тарқоқ ҳолда жойлашиши қадимданок қатъий шакл касб этган, деган хулосага келиш имконини беради. Дарвоқе, муаллифнинг таъкидлашича, кичик оиланинг деҳқон ҳўжалигига эмас, балки патронимик гуруҳлар ёки катта оилалар ҳўжалиги Хоразмда асосий иқтисодий бирлик бўлган. Оилавий, қариндош-уруғ гуруҳларининг XIX-XX аср бошларига қадар барқарор сақланганлиги сабаблари сув режими хусусиятларида ва унга асосланган ердан фойдаланиш тизимидадир¹⁷⁵.

Хуллас, XX аср бошларида Хоразм анъанавий манзилгоҳини ўрганишнинг сермазмун жиҳатларини ақс этирувчи тарихий-этнографик адабиётларнинг асосий хусусиятлари қисқача шундан иборат. Бу борадаги изланишлар ҳам тадқиқотнинг даврий кўламини, ҳам ана шу илмий-тадқиқот муаммосининг мазмундор жиҳатларини кенгайтирган ҳолда янада давом этирилиши фойдадан ҳоли бўлмайд.

III. Қорақалпоғистон этнографияси: ривожланиш динамикаси ва илмий тадқиқотларнинг мазмундор жиҳатлари

«Қорақалпоқ халқининг тарихи қадим-қадимдан ўзбек халқининг тарихи ва маданияти билан чамбарас боғланган. Ўзбек ҳақининг маданияти қорақалпоқ халқининг маданиятига катта таъсир кўрсатган»¹⁷⁶, деган фикрга қўшилмаслик мумкин эмас. Ва, шунга мувофиқ, Қорақалпоғистон тарихининг исталган жабҳаси Ўзбекистон тарихи, Ўрта Осиё тарихи билан узвий боғлиқликда ўрганилиши лозим.

Қорақалпоғистон этнографияси "Ўзбекистон тарих фани таркибига қиради», деган фикр табиий ва қонунийдир. Қорақалпоғистон этнографиясининг асосий вазифаси қорақалпоқ халқининг ҳўжалик ва маданий тараққиётини илмий тадқиқ этиш бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. 1920-йиллардан эътиборан қорақалпоқларнинг этник тарихи, моддий ва маънавий ҳаёти тарихчилар, этнографлар, социологлар, маданиятшуносларнинг тадқиқот маркази бўлганлиги ҳам бежиз эмас.

Бугунги кунда Қорақалпоғистоннинг этнография фани ўз

¹⁷⁴ Қаранг, масалан: Жилина А. Указ. работа. - С. 109.

¹⁷⁵ Қаранг: Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме... - С. 224-230.

¹⁷⁶ Тлеумуратов М. Об этнических связях каракалпаков с узбекским народом // Общественные науки в Узбекистане. - 1998. - № 10-11. - С. 42.

ривожланишининг савияси ва характери XX асрда дунёда, минтақада, мамлакатда руй берган ўзгаришлар кўламини ақс эттириши лозим бўлган улкан таҳлилий ишларни амалга оширишни талаб қиладиган даврни бошидан кечирмоқда.

Шубҳасиз, XX асрда ғоят катта ҳажмдаги илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Аини вақтда, табиийки, илмий билимларнинг илдам ривожланишини ташкил қилиш мақсадида ўз тадқиқини талаб этадиган муайян камчиликлар бўлган. Мазкур босқичда этнографик тадқиқотлар мазмунини уларнинг Ўзбекистон мустақиллиги ва суверен ривожланиши шароитларида "тақдимотлилик" нуқтаи назаридан ҳолисона танқидий-таҳлилий англаш талаб қилинади. Таъкидлаш лозимки, Қорақалпоғистон этнографияси мустақил фан сифатида илк бор шакллана бошлашдан оқ XX асрнинг 20-80-йилларида шўро ҳокимияти даврида маъмурий-бўйруқбозлик тартиботи томонидан қилинган маълум ғоявий сиқувга қарамай, изчил ва муттасил ривожланди.

Албатта, Қорақалпоғистон этнографияси ривожланишини историографик жиҳатдан англаш уни қатъий такомиллаштиришга қаратилган, зеро салмоқли этнографик материалларга эга бўлган олимлар аввалги қарашлар ва ёндошувларнинг камчиликларини, ўтмишдошлари тадқиқотларидаги «заиф жойлар»ни аниқлашлари мумкин ва лозим. Бунда гап, албатта, илгари қилинган барча тадқиқотларни қандайдир «комманий танқид қилиш» ҳақида бормаслиги керак. Аммо, америкалик тадқиқотчи Е. Колсон ҳаққоний таъкидлаганидек, "бир вақтлар муайян одамларнинг бир-бирлари ва атроф-муҳит билан ўрнаган муносабатларини белгиловчи асос ҳисобланган қадриятлар эндиликда ҳамма вақт ва барча шароитларда ҳатти-ҳаракатларни олдиндан айтиб бериш учун фойдаланиладиган абадий ҳақиқат билан эмас, балки замон билан боғлиқ бўлиб қолди"¹⁷⁷.

Қорақалпоқлар ва Қорақалпоғистон этнографияси масалаларини мунтазам ва ҳар томонлама тадқиқ этиш турли этнографик экспедициялар доирасида, чунончи, Қозоғистонни ўрганиш жамияти йўли билан илк дала тадқиқотлари ташкил қилинган XX асрнинг 20-йилларидан амалга оширила бошлади.

Н. Баскаков, С. Малов, А. Морозова каби қатор олимлар Қорақалпоғистон этнографиясини ўрганиш асносида қорақалпоқ халқининг тарихи, маданияти, анъаналари, урф-одатларига оид қимматбаҳо материалларни тўплаш, тартибга солиш ва илмий таҳлил этиш, ягона қорақалпоқ орфографиясини¹⁷⁸ белгилаш борасида улкан ҳажмдаги ишларни бажаришди.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, ушбу давр илмий ишларнинг

¹⁷⁷ Colson E. The Reordering of Experience: Anthropological Involvement in Time // Journal of Anthropological Research. - 1984. - № 40. - P. 7.

¹⁷⁸ Тўла маълумот олиш учун қаранг: Этнография каракалпаков / Отв. ред. Т.А. Жданко, С.К. Камолов. - Т., Фан, 1980. - С. 7.

тайинли бир системаси, шунингдек уни ташкил қилиш учун тегишли базанинг йўқлиги билан характерланади.

Қолаверса, айнан Қорақалпоғистон этнографияси учун XX асрнинг 20-йиллари – 30-йилларнинг биринчи ярмининг ўзига хос хусусияти шунда эдики, бу даврда этнографлар моддий ва маънавий маданиятнинг таркибий элементларини, таъбир жоиз бўлса, уни ичдан ўрганиш йўли билан тадқиқ қилинаётган муаммолар моҳиятига кириб боришга ҳаракат қилдилар, ваҳоланки, бутун мустамлакачилик даври мобайнида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонни ўрганиш ташқаридан келган рус тадқиқотчилари томонидан, юқорида қайд қилинганидек, ўлкани қарам мамлакат сифатида ўзлаштириш мақсадида амалга оширилган.

XX аср 30-йилларининг иккинчи ярми ва 40-йиллар Қорақалпоғистон этнографиясининг ривожланишида янги босқич бўлди¹⁷⁹. Махсус этнографик масалаларни ўрганишга Ж. Оринбаев, У. Курсекеев, К. Айимбетов ва бошқа филологлар, тарихчилар, фольклорчилар каби маҳаллий тадқиқотчилар билан бир қаторда собиқ Иттифокнинг марказий шаҳарларидан П. Иванов, С. Толстов каби олимлар ҳам жалб қилиндилар¹⁸⁰.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин, 40-йилларнинг иккинчи ярмида Қорақалпоғистонда этнографик ишлар аста-секин кенгая бошлади, тадқиқотлар изчил ва чуқур мулоҳаза асосида қўплаб олимлар, шу жумладан ёш мутахассислар иштирокида ўтказиладиган бўлди¹⁸¹.

Бу ўринда Хоразм комплекс археология-этнография экспедицияси фаолиятини қайд этиш лозим. Мазкур экспедиция таркибида 1945 йилдан Т. Жданко бошчилигидаги қорақалпоқ этнографик гуруҳи фаолият юрита бошлаган. Ушбу гуруҳ томонидан амалга оширилган ва Қорақалпоғистоннинг деярли барча ҳудудини қамраб олган тадқиқотлар республикамизда этнографик ишларнинг янада жадал боришига самарали

¹⁷⁹ Тўла маълумот олиш учун қаранг: Луний Б.В. Этнографические исследования в Советском Узбекистане в 30-40-х годах // Общественные науки в Узбекистане. - 1986. - № 11.

¹⁸⁰ Қаранг: Этнография каракалпаков / Отв. ред. Т.А. Жданко, С.К. Камолов. - С. 7-8. Қаранг яна: Толстов С.П. К вопросу о происхождении каракалпакского народа // Краткие сообщения Института этнографии АН СССР. - М., 1947. - Т. II. - С. 72-75; Морозова А.С. Культура домашнего быта каракалпаков начала XX века (К вопросу этногенеза): Автореф. дис. ... к.и.н. - Т., 1955; Уша муаллиф. Каракалпакский женский племенидный головной убор «саукеле» // Научн. тр. ТашГУ. - Т., 1963. - Т. VI. - С. 134-138 ва қўплаб бошқа асарлар.

¹⁸¹ Қаранг: Сессия по этногенезу Средней Азии // СЭ: сборник статей. - VI-VII. - М.-Л., 1947 (программа, тез. докладов); Толстов С.П. 40 лет советской этнографии // СЭ. - 1957. - № 5; Луний Б.В. Библиографические очерки о деятелях общественных наук Узбекистана. - Т. I. - Т., 1976; Т. II. - Т., 1977; Уша муаллиф. Этнографические исследования в Советском Узбекистане в 30-40-х годах...; Т.А. Жданко беседует В.А. Тишков // Этнографическое обозрение. - М., 1994. - № 1.

таъсир кўрсатди.

Дала тадқиқотлари натижалари кейинчалик кўплаб нашрлар¹⁸² да ўз аксини топди. Уларда қорақалпоқлар маданияти ва турмуши сингари асосий мавзуни ёритишдан ташқари, этногенез, этник таркиб, жамоа-уруғдошлик тузумининг хусусияти, оила ва никоҳнинг қадимги шакллари масалалари таҳлил этилган.

Хоразм археология-этнография экспедицияси фаолияти ҳақида сўз борар экан, ўша йилларда собиқ Иттифоқда этнографик тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи йирик марказ, бош муассаса ҳисобланган Этнография институти ходимларининг мазкур экспедиция ишида фаол иштирок этганини ҳам айтиб ўтиш жоиз¹⁸³.

Т. Жданко ва Ю. Рапопорт Институт ва Хоразм экспедицияси ишлари билан боғлиқ воқеаларни эслашар экан: «Институтимизнинг дастлабки қорақалпоқ аспирантларидан бири Собир Камолов урушда лейтенант, взвод командири бўлган. Москвада ўқиб юрган кезларида оғир жароҳати очилиб, тез-тез госпиталга ётар эди. Бу унинг Хоразм экспедициясининг доимий қувноқ ва зехми иштирокчиси бўлишига ҳалал бермас эди. Яқинда фронтдан қайтган экспедициянинг бошқа аъзолари ҳам қувноқ ва дилкаш эдилар. Кулгу ва кўшиқлар Хоразм юлдузлари остида тез-тез янграб турарди» деб ёзган эдилар¹⁸⁴.

XX аср 40-йилларининг иккинчи яримдан то 80-йилларгача бўлган давр қорақалпоқ халқи этнографияси масалалари буйича илмий ишлар доирасининг ниҳоятда илдам кенгайиши билан характерланади. Бу даврда

¹⁸² Қаранг: Жданко Т.А. Быт каракалпакского колхозного аула // СЭ. - 1949. - № 2; Ўша муаллиф. Народное орнаментальное искусство каракалпаков // Труды Хорезмской экспедиции (будан кейин - ТХЭ). - Т. III; Ўша муаллиф. Очерки исторической этнографии каракалпаков // Тр. Института этнографии АН СССР. - М.-Л.: АН СССР, 1950. - Новая серия. - Т. IX; Шалехенов У.Х. Быт каракалпакского крестьянства Чимбайского района в прошлом и настоящем // Материалы и исследования по этнографии каракалпаков / ТХЭ. - М., 1958. - Т. III. - С. 344-349; Жданко Т.А. Работы каракалпакского этнографического отряда в 1956 г. // Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1954-1956 гг. - М., 1959; Ўша муаллиф. Работы каракалпакского этнографического отряда Хорезмской экспедиции в 1957 г. // Материалы Хорезмской экспедиции. - М., 1960. - Т. 4; Ўша муаллиф. Быт колхозников рыболовецких артелей на островах Южного Арала // СЭ. - 1961. - № 5; Ўша муаллиф. Каракалпаки // Народы Средней Азии и Казахстана. - М., 1962. - Т. I. - С. 474-485; Ўша муаллиф. Каракалпаки (Основные проблемы этнической истории и этнографии): Доклад по опубликованным работам на соискание ... д.и.н. - М., 1964; Ўша муаллиф. О близости некоторых исторических традиций у каракалпаков и башкир // Археология и этнография башкир. - Т. IV. - Уфа, 1971. ва кўплаб бошқа асарлар.

¹⁸³ Қаранг: Жданко Т.А. Этническая история в историко-культурные связи народов Средней Азии и Казахстана в трудах этнографов // Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана - Т. I. - М., 1990.

¹⁸⁴ Жданко Т.А., Рапопорт Ю.А. Годы войны жизни С.П. Толстова // Этнографическое обозрение. - М., Наука, 1995. - № 2. - С. 73.

тадқиқотлар мавзуи кенгайиб, янада теранлашди, тарихий-этнографик, шунигиндек, оддий этнографик тарздаги фундаментал асарлар пайдо бўлди¹⁸⁵.

Қорақалпоқлар тарихига бағишланган асарларда қорақалпоқ халқи хўжалиги ва турмуш тарзи¹⁸⁶, халқ анъаналари, урф-одаглари¹⁸⁷, халқ амалий санъати¹⁸⁸, қорақалпоқ фольклори¹⁸⁹ ва театри¹⁹⁰ атрофида таҳлил

¹⁸⁵ Қаранг: Толстова Л.С. Каракалпаки Ферганской долины. - Нукус, 1959; Ўша муаллиф. Каракалпаки за пределами Хорезмского оазиса в XIX - начале XX века. - Нукус, 1963; Хозяйство Каракалпаки в XIX - начале XX века: Материалы к историко-этнографическому атласу Средней Азии и Казахстана. - Т., Фан, 1972; Есбергенов Х., Атамуратов А. Традиции и их преобразование в городском быту каракалпаков. - Нукус, 1975; Этнография каракалпаков / Отв. ред Т.А. Жданко, С.К. Камолов. - Т., Фан, 1980 ва ҳоказо.

¹⁸⁶ Қаранг, масалан: Морозова А.С. Культура домашнего быта каракалпаков в начале XX века (К вопросу этногенеза): Автореф. дис. ... к.и.н. - Т., 1957; Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII-XIX вв.: К истории взаимоотношений с Россией и среднеазиатскими ханствами. - Т., Фан, 1968; Бекмуратова А.Т. Быт и семья каракалпаков в прошлом и настоящем. - Нукус, 1970; Этнография каракалпаков XIX - начала XX вв.: Материалы и исследования. - Т., Фан, 1980 ва ҳоказо.

¹⁸⁷ Қаранг: Камалов С.К. Пережитки ислама и традиции старого быта у каракалпаков // Материалы II-го совещания археологов и этнографов Средней Азии. - М.-Л., 1949; Есбергенов Х.Е. К вопросу о борьбе с пережитками устаревших обычаев и обрядов каракалпаков (На материале погребальной обрядности). - М., 1963; Коган Г.Д. Каракалпакские народные детские игры. - Т., Ўқитувчи, 1969; Атамуратов Т.А. Народные традиции и их преобразование в городском быту каракалпаков. - Нукус, 1976; Бекмуратова А. Терминология родства у каракалпаков // Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана: Сборник. - М.: Наука, 1978; Шылманов П., Корсеев О. Каракалпакские подвижные игры в школе. - Нукус, 1978; Есбергенов Х.Е. Реликты культа животных у каракалпаков в XIX - начале XX вв. // Всесоюзная сессия по итогам полевых этнографических и антропологических исследований 1978-1979 гг.: Тезисы. - Уфа, 1980; Нурмухамедов М.К. Игры в альчики у каракалпаков // Вестник ККФ АН УзССР. - 1983. - № 1. - С. 54-60; Есбергенов Х. Мужские собрания «зияфат» у каракалпаков: По итогам полевых этнографических и антропологических исследований 1982-1983 гг. / Тез. докл. - Ч. 1. - Черновцы, 1984 ва бошқа кўплаб асарлар.

¹⁸⁸ Қаранг: Жданко Т.А. Народное орнаментальное искусство каракалпаков: Материалы и исследования по этнографии каракалпаков // ТХЭ. - Т. III. - М., 1958. - С. 373-411; Савицкий И.В. Народное прикладное искусство каракалпаков: Резьба по дереву. - Т.: Наука, 1965; Алламурастов А. Каракалпакская народная вышивка. - Нукус: Каракалпакстан, 1977; Утемисов А. Ремесло // Этнография каракалпаков. - Т., Фан, 1980. - С. 142-175; Алламурастов А.А. Каракалпакское нагрудное украшение хайкель // Этническая культура народов Средней Азии и Казахстана. - Нукус, 1989 ва бошқалар.

¹⁸⁹ Қаранг: «Қырк кыз» - каракалпакский героический эпос. - Нукус, 1956; Жданко Т.А. Каракалпакская эпическая поэма «Қырк кыз» как историко-этнографический источник // КСИЭ АН СССР. - Т. XXX. - М., 1958; Коблан. Каракалпакский народный эпос. - Нукус, 1959; Каракалпакский фольклор. - Нукус, 1977; Есбергенов Х.Е., Хошинязов Ж. Этнографические мотивы в каракалпакском фольклоре. - Т., Фан, 1988 ва бошқалар.

қилинди.

Ўша йилларда кенг кўламда йиғилган материал ҳозирга қадар катта амалий аҳамиятга эга бўлган этнографик маълумотларнинг бой хазинасини ташкил қилди. Хусусан, илмий-этнографик маълумотлар ошлавий турмуш ходисаларининг мураккаблигидан далолат бериб, уларда маданиятнинг эскириб қолган элементлари билан мудом ҳаётга сингиб ва ривожланиб бораётган анъанавий миллий хусусиятларнинг бирга мавжудлиги кўзга ташланади.

Шу билан бирга, муаллифлар, умуман, ҳажман катта маълумотларга бой иш олиб борганликларига қарамай, мазкур ишнинг қатор бўлимлари, авваламбор, тарихий қисми очиқдан-очиқ гоёвий, ниҳоятда сиёсий хусусиятга эга.

70-йилларнинг биринчи ярмида Ўзбекистоннинг тарихчи ва этнографлари, асосан, республика Фанлар академияси Қорақалпоқ филиали вакиллари илмий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланган Ўрта Осиё ва Қозоғистон тарихий-этнографик атласини тайёрлаш бўйича катта талқикот ишини амалга оширишди¹⁹¹.

Атлас тайёрланиши жараёнида экспедиция, аввало, Хоразм экспедициясининг Қорақалпоғистон этнографик гуруҳи ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоқ филиали этнографик гуруҳи доирасида фаол иш олиб борди. Атласга тўпланган материалларда қорақалпоқларнинг деҳқончилик, сугориш, чорвачилик соҳасидаги анъанавий усуллари ҳақида гоёят кенг илмий маълумотлар мавжуд.

Қорақалпоқлар учун анъанавий бўлган қишлоқ хўжалиги экинлари ва шу экинлар тарқалган минтақалар, қишлоқ хўжалиги меҳнатини юритиш усулларига оид қизиқарли маълумотлар йиғилган. Чорвачилик хўжалигининг асосий турларини ўрганиш натижасида муҳим маълумотларга эга бўлинган.

Атласнинг биринчи жузи - Қорақалпоғистонга доир бўлимларни тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали этнограф ва тарихчилари адабиёт ва архив манбаларини аниқлаш, қайд қилиш ва системалаштириш бўйича катта иш олиб боришди, ўша давр учун энг янги археологик маълумотларни ҳисобга олишди.

Шунингдек, алоҳида таъкидлаш лозимки, Қорақалпоғистон ва Тошкент олимлари билан ҳамкорликда «Очерки истории Каракалпакской АССР с древнейших времен до наших дней»¹⁹² (Қорақалпоғистон АССР тарихи очерклари қадимги давлардан бизнинг кунларимизгача) асарини

¹⁹⁰ Қаранг: Масалан: Алланазаров Т. Каракалпакский советский театр: Истоки и формирование. - Т., Фан, 1966.

¹⁹¹ Қаранг: Материалы к историко-этнографическому атласу Средней Азии и Казахстана. - Т., Фан, 1972.

¹⁹² Қаранг: Очерки истории Каракалпакской АССР с древнейших времен до наших дней. - Т. I. - М., 1962; Т. II. - М., 1963.

тайёрлаш жараёнида муҳим материаллар кўлга киритилди.

Атласни тайёрлашда М. Йўлдошевнинг Хива хонлигида аграр масала талқикотига ўрин берилган асарлари¹⁹³, А. Аминовнинг колониал даврда Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалигининг тарихи бўйича маълумотлар келтирилган ишлари¹⁹⁴, Р. Аминова¹⁹⁵ ва В. Непомнин¹⁹⁶нинг бошқа масалалар қатори Қорақалпоғистоннинг аграр ривожланиш тарихи таҳлил этилган асарларидан фойдаланилган.

Қорақалпоғистонда аграр муносабатлар муаммоларини талқикот этишда бевосита қорақалпоқ муаллифлари ҳам талқикот этишган. Хусусан, Я. Досумов кўплаб статистик ва архив маълумотларини жалб қилган ҳолда, 1917 йил октябригача Амударё бўлими халқларининг ижтимоий-иқтисодий муносабатларини ва сиёсий аҳволини батафсил ўрганган¹⁹⁷.

Тарихий-этнографик атлас учун материаллар тайёрлашда А. Бекмуратова, Ж. Давлетов, Я. Досумов, Т. Жданко, С. Камолов, К. Сарибоев, А. Утемисов, У. Шалекенов, шунингдек, Б. Андрианов, Б. Кетебоева, И. Қосимбетов, К. Мақсетов, Ф. Шукурбоева ва бошқа тарихчи ва этнографлар фаол иштирок этишди.

Улар тайёрлаган монографияда¹⁹⁸ қорақалпоқларнинг деҳқончилик, ирригация, чорвачилик ва балиқчилик тарихи умумлаштирилган, хўжаликнинг ҳам барча қорақалпоқлар учун муштарак бўлган, ҳам республиканинг турли туманларида тарқалган айрим маҳаллий гуруҳларга хос бўлган хусусиятлари аниқлаб кўрсатиб берилган.

Шунингдек, Қорақалпоғистоннинг XIX - XX аср бошларидаги хўжалигига оид жамоавий фундаментал асар¹⁹⁹ эътиборга лойиқ. Унда Амударё этаклари аҳолиси ва табиий географик шароити; Қорақалпоғистоннинг деҳқончилик тизими ва қишлоқ хўжалиги экинлари; сугориш тизими; чорвачилик ва балиқчилик каби масалалар атрофида ўрганилган.

XX асрнинг 20-80-йилларида Қорақалпоғистон этнографик фани ривожланишининг умумий тарзи ҳақида сўз борар экан, бу давр илмий -

¹⁹³ Қаранг: Юлдашев М.Ю. Землевладение и государственное устройство феодальной Хивы XIX в. в свете материалов Архива хивинских ханов. - Л., 1953; Ўша муаллиф. К вопросу об особенностях развития феодального землевладения в Хиве в XIX в. // Материалы первой Всесоюзной конференции востоковедов в Ташкенте 4-11 июня 1957 г. - Т., 1958 ва бошқалар.

¹⁹⁴ Қаранг: Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии. - Т., 1959.

¹⁹⁵ Қаранг: Аминова Р.Х. Аграрные преобразования в Узбекистане. - Т., 1965.

¹⁹⁶ Қаранг: Непомнин В.Я. К истории ирригации Узбекистана. - Т., 1940.

¹⁹⁷ Қаранг: Досумов Я.М. Очерки истории Каракалпакской АССР. - Т., 1960.

¹⁹⁸ Қаранг: Хозяйство Каракалпакии в XIX - начале XX века...

¹⁹⁹ Қаранг: Хозяйство Каракалпакии в XIX - начале XX века (Материалы к историко-этнографическому атласу Средней Азии и Казахстана) / Отв. ред. Т.А. Жданко. - Т., Фан, 1972.

тадқиқот жиҳатдан анча самарали булганлигини таъкидлаш жоиз.

Авваламбор, ўтказилган кўп йиллик дала ишлари асосида, асосан, Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг этнографик экспедицияси ходимлари қорақалпоқ маданий-майший анъаналарининг юзлаб билимдонлари ўртасида сўров олиб боришди. Хунармандчиликни тадқиқ этишда металл қайта ишлаш ва ёғочсозлик соҳасидаги маълумотларни олимлар авлоддан-авлодга ўтиб келаётган усталар – темирчи ва заргарлар, дурадгор ва ёғоч ўймакорларидан олишган. Таърибали усталар уй-жой, шу жумладан, ўтовнинг ёғочли қисмини тайёрлаш ва уни ўрнатиш усуллари ҳақида гоят қимматли маълумотлар беришган.

Қорақалпоқ аёллари озиқ-овқат ва уларни тайёрлаш усуллари, кийим-кечаклар, гиламдўзлик, каштачилик, нақшсозлик бўйича қимматли маълумотлар беришди.

Дала тадқиқотлари вақтида катта авлод ахборотчиларининг хотиралари асосида кийимларнинг баъзи турларини қайта тиклаш, турмушда сақланиб қолмаган бош кийимларни кийиш усуллари аниқлашга муваффақ бўлинган.

Қорақалпоқ этнографлари ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ удумларни, уй-жой, кийим-бош, озиқ-овқат билан боғлиқ маросимлар ва эътиқодларни ўрганишган. Минглаб этнографик предмет намуналари суратга олинди, кўплаб кашталар, гулдор матолар нақшлари чизилди, турли тарздаги қурилишларнинг тархлари олинди ва этнографик фильмлар яратилди.

Этнограф олимлар, дала тадқиқотларидан ташқари, адабиёт ва архив манбаларини аниқлаш ва ҳисобга олиш, Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон филиалининг махсус фондидаги нашр этилмаган қўлёзмаларни ўрганиш, Қорақалпоғистон давлат санъат музейи, Нукус ўлкашунослик музейи коллекцияларини ўрганиш бўйича катта ишни амалга оширишди. Барча бу материаллар илмий муомалага киритилган.

XX асрнинг 20-80 - йилларида тадқиқотчилар, жумладан, жуда кенг кўламдаги манбаларга асосланган ҳолда қорақалпоқларнинг қишлоқ ва тураржойлари билан боғлиқ масалаларни ниҳоятда фаол ўрганишди. Кези келганда ушбу масалага бағишланган А. Морозованинг диссертацияси асосида юзага келган монографияснни айтиб ўтиш жоиз²⁰⁰.

Аксарият қисми Хоразм экспедицияси этнографик гуруҳи фаолияти давомида тўпланган уй-жой тарихи бўйича маълумотлар Т.А. Жданко, С.К. Камолов, Р.К. Косбергенов, У.Х. Шалекенов ва бошқа олимларнинг асарларида ўз аксини топган²⁰¹.

²⁰⁰ Қаранг: Морозова А.С. Культура домашнего быта каракалпаков начала XX века (К вопросу этногенеза). – Автореф. дис. ... к.и.н. - Т., 1954.

²⁰¹ Қаранг: Жданко Т.А. Каракалпаки Хорезмского оазиса // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. – М., 1962. – Т. 1. – С. 522-526; Ўша муаллиф.

1971-1975 йилларда қорақалпоқ олимлари томонидан ўтказилган этнографик тадқиқотлар²⁰² илгари ўрганилган ва нашр қилинган материаллар мажмуасига, хоссатан қорақалпоқ ўтовини ўрганишига жиддий кўшимчалар киритиш имконини берди.

Қорақалпоқ тураржойларини ўрганувчи тадқиқотчилар ёзма тарихий манбалар маълумотлари, археологик ва этнографик материалларга асосланган ҳолда ярим кўчманчи турмуш тарзи, шунингдек, деҳқончилик, чорвачилик ва балиқчилик билан уйғунлашган мажмуавий ҳўжалик юритиш қорақалпоқларга қадимдан хос, деган хулосага келишди²⁰³.

Муаллифлар нуқтан назаридан XX асрнинг 20-30-йилларигача қорақалпоқларнинг анъанавий турдаги тураржойлари Қорақалпоғистоннинг шимолий ва марказий туманларида булган, мазкур туманлар аҳолиси деҳқончилик билан бирга чорвачилик ва балиқчилик билан ҳам шугулланган. Айни вақтда республиканинг жанубий минтақаларидаги қорақалпоқларнинг тураржойлари ўзбекларникидан унчалик фарқ қилмаган. Шимолий минтақаларда қишлоқлар, асосан, мўъжазгина, айрим жойларда эса каттароқ бўлиб, уларда муайян уруғ-қабилла гуруҳлари вакиллари истиқомат қилишган. Улар Амударё ирмоқлари соҳилларида, каналлар ёки йўллар бўйида жойлашган. Уй ва ўтовлар бир чизикка тизилган бўлиб, ўтовлар жануб томонга қарата қурилган²⁰⁴.

У. Шалекенов таъкидлаганидек, айрим йирик мадрасалар, шунингдек муқаддас жойлар яқинида ташкил топган диний марказлар XIX асрнинг ўзига хос аҳоли пунктлари ҳисобланган. Қорақалпоғистоннинг шимолидаги Қорақум эшон мадрасаси ва овули, масжид, мадраса муқаддас жойларга сифинишга келган зиёратчилар учун бино ва хоналар барпо этилган Кегейли тумани ҳудудидаги Эшон қалъани муаллиф шулар жумласига киритади. Худди шу ернинг ўзида қурбонликлардан ва зиёратчиларнинг даромадидан фойдаланувчи эшонларнинг бутун бир сулоласи жойлашган қишлоқлар булган.²⁰⁵

А. Морозова ўзи олиб борган дала тадқиқотлари маълумотларидан фойдаланиб, қорақалпоқ лой уйларининг қурилиш тарзини батафсил

Каракалпаки // Народы Средней Азии и Казахстана. - М., 1962. - Т. 1. - С. 461-467; Косбергенов Р.К., Камалов С.К. Культура и быт каракалпацкого народа до Великой октябрьской социалистической революции // Очерки истории Каракалпакской АССР. - Т., 1964. - Т. 1. - С. 393-396; Шалекенов У.Х. Жилище каракалпакского колхозного крестьянства // Краткие сообщения Института этнографии АН СССР. - М., 1957. Т. XXVIII. - С. 47-54 ва бошқалар.

²⁰² Қаранг: Этнография каракалпаков. XIX-начала XX в. (Материалы и исследования) / Отв. ред Т. Жданко, С. Камолов. - Т., 1980.

²⁰³ Қаранг: Там же. - С. 16-17.

²⁰⁴ Қаранг: Там же. - С. 17.

²⁰⁵ Қаранг: Шалекенов У.Х. Очерки по истории культуры Советской Каракалпакии (1917-1940). - Нукус, 1960. - С. 15-17.

таърифлаган.²⁰⁶ Этнографик таҳлиллар асосида у: «Турли хил уй-жойларни куриш малакаси ва қорақалпоқлар орасида муқим тураржойлар барпо этишнинг жадал расм бўлиши уларнинг кўндан буён ўтроқ деҳқончиликка ўтганлигини яққол акс эттирувчи далил», деб хулоса чиқариш имконини беради,²⁰⁷ деб ёзади.

Бироқ, қорақалпоқ этнографияси бўйича жамоавий ишлар муаллифлари, шўро даврининг маъмурий-буйруқбозлик тизимга хос мафкурага кўра, «қорақалпоқлар фақат шўро ҳокимияти йилларидагина тўлиқ ўтроқ ҳаётга ўтишган. Қорақалпоғистон АССР шароитида нафақат совхоз ва жамоа хўжаликларидagi жамоат қурилишлари, балки ишчи ва жамоа хўжалиги аъзоларининг замонавий тураржойлари ва уйлари ҳам шўро турмуш тарзининг ютуқларидир» деб ҳисоблашган.²⁰⁸ Бу «хулоса» улар томонидан тегишли «далиллар» билан таъминланган: «инқилобдан олдинги йиллардаги муқим уйларнинг аксариятида печ бўлмаган, дераза ўрнида том ёки паҳсаннинг тўртинчи қаторида қўйилган кичик туйнуқлардан фойдаланилган. Бинобарин, эски уй қоронғи, тутун босган, гигиена шароитларидан маҳрум тураржой бўлган»²⁰⁹. Шу каби далиллар гўёки қорақалпоқ халқи агар шўро ҳокимияти бўлмаганида шу кунгача «қоронғи, тутун босган, гигиена шароитларидан маҳрум уйларда» «завқсиз» ҳаёт кечиришаётган бўларди, деган таассурот туғдиради.

Ўтов ҳақида фикр юритганда А. Морозова, Шимолий Хоразм аҳолисида бўлган ўтовлар, эҳтимол, Орол-Каспий пасттекислигидаги қадимги қучманчи чорвадор халқлар тураржойлари, хоссатан, скиф қабилаларидан мерос бўлиб қолган гилдиракли уйларнинг анчагина ўзгарган кўриниши бўлса керак, деб тахмин қилади.²¹⁰

А. Морозова XX асрнинг 30-йилларидан, Т. Жданко эса 1945 йилдан ўтовларни ўрганиб, мазкур масала бўйича муқим маълумотларни тўплаб, нашр эттиришган²¹¹.

Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг Тарих, тил ва адабиёт институти ходимлари 1958 йилда ўтов жиҳозлари ва анжомларини йиға бошлашган. Орадан бир йил ўтгач, Институт таркибида санъатшунослик шўъбаси ташкил қилинди.²¹² Шўъба қорақалпоқларнинг амалий санъат намуналарини мунтазам йиғиш ва харид қилишни ташкил этишга катта ҳисса қўшди. 60- йилларда шўъба ходимлари амалий санъат намуналарини, хусусан, ўтов жиҳозларини йиғиш мақсадида

Қорақалпоғистон бўйлаб қатор сафарларни амалга оширишди.²¹³

1965 йилда И. Савицкий монографияси нашр этилди. Унда ёғоч уймақорлиги санъати, ўтовнинг ёғоч эшикларидagi, қорақалпоқлар ўтовининг оддий, зарурий мебеллари жумласига кирувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ва идиш-товоқ шкафлари ва жовонларидagi ёғоч уймақорлиги ижроси ва нақшлари таҳлил этилган.²¹⁴

XX асрнинг 60-йилларида ЎЗР ФА Қорақалпоғистон филиалининг Тарих, тил ва адабиёт институти амалий санъат лабораторияси ходими Л. Земская «Қорақалпоқларнинг гулдор газламалари» номли асар ёзди. Унда муаллиф, асосан, ўтов жиҳозлари - ўтовнинг ичи ва олд томонини, безатиб турувчи гулдор мато буюмларни тадқиқ этган.²¹⁵ Муаллифнинг қайд этишича, ўтовнинг ҳар бир қисми, майда деталлари, ўтовдаги ҳар бир буюм, нақшнинг ҳар бир элементи, рангин буюқларнинг ўзи қизиқарли ва фусункор, таъсирчан бўлиб, уларнинг бари зийнатнинг умумий тизимига бўйсунган ва муштарак бадий ғояни ифода этади.²¹⁶

1966 йили Нукусда Қорақалпоғистон АССР давлат санъат музейи очилди, унда қадимий, ўрта аср тасвирий санъати бўлимлари билан бир қаторда халқ амалий санъати бўлими ҳам ташкил қилинган. Бўлимнинг бой коллекциялари, шу жумладан ўтов жиҳозлари доим бойиб борди. Музей коллекциясининг энг яхши экспонатлари 1976 йилда нашр қилинган альбомга киритилган.²¹⁷

Санъатшуносларнинг фикрича, қорақалпоқ ўтови, бошқа халқлар ўтовларига қараганда, халқ декорация санъати буюмлари билан анчагина бой безатилган.²¹⁸ «Оддий ўсимлик ва ҳайвонот геометрик шаклларида халқ усталари жуда хилма-хил композиция ҳосил қилишган. 13-14 метр узунликдаги ўтов паёндозлари бор, улардаги алоҳида чўзиқ медальонлар нақши бошқа ерда такрорланманган. Қизил-жигарранг чизма нақшлар оч сариқ фонда яққол кўзга ташланади. Тўқима шолчаларнинг ранглар жилосини, ҳатто, қуёш нурлари ҳам сўндиришга ожиз: офтобда қуйган қизил ранг қизғиш-оч жигаррангга айланади», у жигарранг билан уйғунлашиб, нозик комбинация ҳосил қилади. Яқиндан разм солганда паёндоз нақшлари ранг-баранг: қизил, жигарранг, кўк, яшил, сариқ-тиллаланг жундан тўқилгани намоён бўлади. Лекин қўшимча ранглар сочма тарзда берилиб, нақшни жонлантирган ва муштарак қизил-

²¹³ Қаранг: Этнография қарақалпаков... - С. 32.

²¹⁴ Қаранг: Савицкий И.В. Народное прикладное искусство қарақалпаков. Резьба по дереву. - Т., 1965.

²¹⁵ Қаранг: Земская Л.И. Узорнотканье изделия қарақалпаков (рукопись) // ЎЗР ФА Қорақалпоғистон филиалининг қўлёзмалар фонди. - Инв. № 62957

²¹⁶ Ўша жойда.

²¹⁷ Қаранг: Государственный музей искусств Қарақалпақской АССР. - Альбом / Сост. И.В. Савицкий. - М., 1976. - Табл. 31-106.

²¹⁸ Земская Л.И. Указ. работа.

²⁰⁶ Қаранг: Морозова А.С. Указ. работа. - С. 90-96.

²⁰⁷ Ўша ерда - С. 96.

²⁰⁸ Этнография қарақалпаков... - С. 26.

²⁰⁹ Ўша ерда.

²¹⁰ Қаранг: Морозова А.С. Указ. работа. - С. 67.

²¹¹ Қаранг: Морозова А.С. Указ. работа. Жданко Т.А. Народное орнаментальное искусство қарақалпаков // ТХЭ. - Т. III. - С. 378-398.

²¹² Шўъба мудир - Т. Алланазаров.

жигаранг ранглар уйғунлигини бузмаган²¹⁹.

Қорақалпоқларнинг анъанавий кийим-кечакларини ўрганиш қорақалпоқ халқини этнографик ўрганишнинг мустақил бир йўналиши ҳисобланади. Қадимги кийим-кечак элементлари халқнинг этник тарихи ва маданият тарихини тадқиқ этишда муҳим манба вазифасини бажаради. Қорақалпоқ кийимларини тарихий-этнографик ўрганиш вазифалари айнан шу билан белгиланган. Халқ кийим-бошининг кўпгина турлари ва қисмлари қорақалпоқлар этник тарихининг илк даврларида улар таркибига кирган этник таркибий қисмларни ўрганиш учун муҳим манбадир. Шунингдек улар қорақалпоқларнинг бошқа халқлар билан этник ва маданий алоқаларини аниқлаш имконини беради.

Қорақалпоқларнинг анъанавий кийим-кечак коллекциясини илк бор Тошкент, шунингдек Москва ва Ленинград илмий ходимлари, рассомлари йиғишган. 1927 йилда юқорида номи тилга олинган А. Морозова Қорақалпоғистонда ўз этнографик тадқиқотларини бошлаган, кейинчалик у 20-йиллардаги ўзининг қимматли кузатишлари ва қайдларидан қорақалпоқлар этнографиясига бағишланган ишларида фойдаланган²²⁰.

1931 йили Тўрткўлда ташкил қилинган Қорақалпоғистон комплекс илмий текшириш институтининг ходимлари XX асрнинг 30-йилларида дала этнографик тадқиқотлари натажасида 100 дан ортиқ қимматли кийим-кечак экспонатларини тўплашган. Бу материаллар республика пойтахти Нукусга кўчишидан (1939) олдин дастлаб Тўрткўлдаги музейга, кейинчалик Нукусдаги давлат ўлкашунослик музейига келтирилган²²¹.

Этнография соҳасидаги ишлар 1944 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Тарих, тил ва адабиёт институтининг тарих бўлими томонидан олиб бориладиган бўлди. 1945 йилдан Хоразм археология-этнография экспедициясининг Қорақалпоғистон этнография гуруҳи Қорақалпоғистонни этнографик ўрганишга киришди.

Қорақалпоқ тадқиқотчиларининг кўп йиллик ишлари тавсифи ва натижалари ҳақида нашр этилган қатор илмий ҳисоботларда ва шу гуруҳ раҳбари Т. Жданко асарларида батафсил маълумотлар келтирилган. Уларда қорақалпоқлар кийим-кечакларининг изчил тавсифи, кийим турларининг расмлари, чизмалари ва фотосуратлари берилган, баъзи турдаги либос шакли, улардаги безаклар, нақш ва бошқа элементларнинг келиб чиқиш тарзи ўрганилган²²². Қорақалпоқ этнографлари эркак ва аёллар либосларининг турлари ва нусхаларини, шунингдек кийим учун кўлда тўқилган матоларни ўрганишган.

²¹⁹ Қаранг: Фахретдинова Д. Народное искусство Каракалпакии // Декоративное искусство СССР. - 1963. - № 8. - С. 33.

²²⁰ Қаранг: Морозова А.С. Указ. работа.

²²¹ Қаранг: Этнография каракалпаков... - С. 60.

²²² Қаранг: Каракалпаки Хорезмского оазиса...; Ўша муаллиф. Каракалпаки // Народы Средней Азии и Казахстана. - М., 1961. - Т. 1. - С. 474-485 ва бошқалар.

Қорақалпоқларнинг миллий таомлари ва улар билан боғлиқ удумлар олимлар назаридан четда қолмаган. Бу мавзунинг тадқиқ этиш, маълумки, миллий маданиятнинг шаклланиш йўлларини ва ўзига хос хусусиятларини, шунингдек ўхшаш табиий-хўжалик шароитлари тарихий тақдирлар муштараклиги, этник қардошлик ёки маданий алоқалар ва ўзаро таъсир натижасида юзага келган бошқа халқлар маданияти билан яқинлик ёки ўхшашлик жиҳатларини аниқлашга ёрдам беради.

Шуро даврининг илк этнографлари сирасида А. Морозова қорақалпоқ халқи таомларини ўрганган²²³. Қорақалпоқ таомлари ҳақидаги маълумотларни 1920-1980-йиллардаги бошқа қатор тадқиқотчиларнинг, жумладан, С. Камолов, Р. Косбергенов, Т. Жданко, У. Шалекенов ва бошқа олимларнинг асарларида ҳам учратиш мумкин²²⁴. Мазкур муаллифлар айни вақтда бошқа мавзуларда ҳам тадқиқот олиб боришган.

XX асрнинг 70-йилларида Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон филиалининг тарих-этнография экспедицияси дала тадқиқотлари олиб бориб, айни вақтда қорақалпоқ таомларини ҳам ўрганган. Бу мавзу 1980 йилда нашр қилинган «Қорақалпоқлар этнографияси» очеркида изчил ёритилган. Муаллифларнинг таъкидлашича, «яримўтроқ турмуш тарзи билан уйғунлашган комплекс чорвачилик-деҳқончилик ва балиқ-овчилик хўжалиги қорақалпоқ халқи учун хос» бўлган. «Бу – барқарор деҳқончилик ривожлана олмайдиган Сирдарё ва Амударё дельталарида ҳаёт кечириш ва хўжалик юритишнинг мушкулликлари билан боғлиқ бўлган қорақалпоқ халқига хос хусусиятлардан биридир. Таом хусусиятлари халқнинг хўжалик фаолияти, улар яшаётган минтақалардаги табиий ва географик шароитлар, миллий-маданий анъаналар билан белгиланади... қорақалпоқлар озиқ-овқатида йил фаслларида боғлиқ ҳолда зироатчилик, чорвачилик ёки балиқчилик махсулотлари кўпроқ бўлган»,²²⁵ деб хулоса чиқаради муаллифлар.

У. Шалекенов «Уч ой сут, уч ой қовун, уч ой ошқовоқ, уч ой балиқ» деган қорақалпоқ халқ маталини келтириш асосида таъкидлаганидек, бу маталда ўзига тўқ оилалар учун гўшт шунчаки кундалик овқат ҳисобланган бир вақтда гўшт топиб ейиш имкони бўлмаган меҳнаткаш оилаларнинг овқатланиш тартиби яққол акс эттирилган. Бадавлат оилалар кунига уч-тўрт марта гўштли ва бошқа озиқ-овқатларни истеъмол қилишган. Камбағаллар эса кунига нари борса, бир маҳал иссиқ овқат

²²³ Қаранг: Морозова А. Указ. работа - Автореф. - С. 13-15.

²²⁴ Қаранг: Камалов С.К. Каракалпаки в Хивинском ханстве до присоединения к России: Автореф. дис. ... к.и.н. - М., 1953; Ўша муаллиф. Каракалпаки в XVIII-XIX вв. - Т., 1968. - С. 94, 95, 98, 99; Косбергенов Р.К. Каракалпак халқининг колониаль деурдеги мэденияты хэм турмысы. - Нокис, 1970; Жданко Т.А. Каракалпаки... - С. 485-489; Шалекенов У.Х. Быт каракалпакского крестьянства... - С. 344-349 ва бошқалар.

²²⁵ Этнография каракалпаков... - С. 113.

билан чекланишган, сигир ва эчкиси йўқлигидан сутли овқат ея олмай, асосан, жўхори, тарик ва ёввойи «ширин» ўсимлигидан тайёрланган бутқа истеъмол қилишган. Чимбой атрофида яшаган бойларнинг катта-катта мевали боғлари бўлган, шунинг учун улар олма, ўрик, узумни бахизур ейишган, камбагалларнинг эса фақат қовун ейишга қурби етган.²²⁶

Тадқиқотчилар ёзма ва тарихий манбалар, археологик маълумотлар, шунингдек, дала этнографик тадқиқотлар ва шахсий кузатишлар асосида қорақалпоқ таомларининг аксарияти зироат маҳсулотлари: бугдой, тарик, жўхори, гуручдан тайёрланган дея хулоса чиқаришган. Баъзи асарлар муаллифларининг²²⁷ қайд этишича, ёрма олиш учун бугдой дастлаб ўғирда, сўнг кўл тегирмонида туйилган.

Этнографлар ўз асарларида овқат тайёрлаш тарзини, хусусан, нон ёпишни: тандир қуриш, хамир тайёрлаш ва пишириш усуллари баён этишган²²⁸.

Айрим муаллифларнинг фикрича, бугдой ундан тайёрланган таомлар бир-биридан унчалик фарқ қилмаган: ингичка тўғралган угра - кеспас, тўртбурчак қилиб тўғралгани - кайсас, агар қозонга хамир узиб-узиб ташланса - жулма кеспас, узбен деб юритилган, бинобарин, таом номлари хар хил, уларни тайёрлаш усуллари бир-биридан оз фарқланган, лекин хамири бир хил бўлган. Агар угра тўғрашга вақт бўлмаса, нон шўрва тайёрлашган²²⁹.

Ўсимлик асосидаги озиқ-овқатлардан ташқари, этнографлар сут, гўшт, балиқдан тайёрланган овқатларни, шунингдек уларнинг турлича уйғунлашувида тайёрланган овқатларни ҳам ўрганишган²³⁰.

Айрим тарих-этнографик тадқиқотлар муаллифлари таомлар, хусусан диний маросимлар билан боғлиқ таомларга оид урф-одатларни ўрганиб, ушбу масалаларни бир хилда мафкуралаштириш ва сиёсийлаштиришга интиланлар. Масалан, “Этнография каракалпаков” (Қорақалпоқлар этнографияси) очеркининг муаллифлари Октябр тўнтаришидан кейин қорақалпоқ халқининг ҳаёт тарзи тубдан ўзгарди... Совет Иттифоқининг бошқа халқларидан ўзлаштириш ҳисобига қорақалпоқларнинг овқат хиллари янги турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлари билан сезиларли даражада бойиди. Озиқ-овқат нафақат мўл, балки хилма-хил ҳам бўлди. Қорақалпоқларнинг ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, тожиклар, туркманлар, руслар, украинлар ва бошқа халқлар билан кенг дўстона

²²⁶ Ўша ерда.

²²⁷ Қаранг: Шалекенов У. Указ. работа. – С. 344-349.

²²⁸ Қаранг, масалан: Этнография каракалпаков...; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.) // ТХЭ. - М., 1976. - Т. IX.

²²⁹ Қаранг, масалан: Жданко Т.А. Работа каракалпаковского этнографического отряда Хорезмской экспедиции в 1957 г. // Материалы Хорезмской экспедиции. - М., 1960. - Т. 4. - С. 156-157;

²³⁰ Этнография каракалпаков... - С. 117.

маданий-иқтисодий алоқаларининг ривожланиши озиқ-овқат тайёрлаш хусусияти, таркиби ва усулларида ўзининг ижобий ифодасини топди,²³¹ деб ёзишган.

Шундай, савол туғилиши табиий: XX асрнинг 80-йилларигача, яъни юкоридаги хулосалар чиқарилган вақтгача, муаллифларнинг фикрига кўра, қорақалпоқ халқи «аҳолининг меҳнат шароитларида, хўжалигида, уй-жойида, кейим-кечагида ва овқатида бирон ижобий ўзгаришларсиз» қолиб кетганмиди?²³²

XX асрнинг 20-80-йиллар қорақалпоқ муаллифлари этнографик тадқиқотларининг яна бир соҳаси - қорақалпоқларнинг анъанавий машғулоти ҳисобланган ва улар хўжалигида аҳамият касб этган, уни қишлоқ хўжалиги қуруллари, сув чиқарадиган чиғирлар, транспорт воситалари (арава, қайиқ) билан таъминлаган, аҳолига эса кийим-кечак, ўтов, хўжалик анжомлари ва ҳоказолар етказиб берган хунармандчиликдан иборат бўлган²³³.

Темирчилик ҳақида фикр юритишар экан, муаллифлар бундай турдаги хунармандчиликнинг Амударё этакларида яшовчи халқларда, шу жумладан, қорақалпоқларда қадимдан мавжуд бўлганлигидан далолат берувчи археологик ва тарихий-этнографик маълумотларга мурожаат қилганлар²³⁴.

Муаллифларнинг фикрига кўра²³⁵, темирчиликка нисбатан чўян қуйиш ишлаб чиқариши қорақалпоқларда суист ривожланган. Хунармандчиликнинг бу тури авлоддан-авлодга мерос қолган.

Заргарлик ва ёғочсозлик мавзулари ҳам махсус адабиётларда ўз аксини топган²³⁶. Мисол учун қорақалпоқ этнографияси очерки муаллифлари қорақалпоқ хунармандларининг меҳнат малакалари, техникаси, ишлаб чиқарган буюмлар сифати, шунингдек хунармандчилик

²³¹ Қаранг, масалан: Қорақалпоқ балиқчиларининг озиқ-овқати ҳақида: Утемисов А. Быт и культура рыбаков побережья Южного Арала (XIX асрнинг охири - XX асрнинг 60-йиллари): Тарих фан. номзоди...дисс. автореферати - Чимбой, 1970. - 33-37-б.

²³² Ўша ерда. - 40-б.

²³³ Қаранг: Материалы по истории каракалпаков // Тр. Института востоковедения АН СССР. - Т. VII. - М.-Л., 1935. - С. 197-198; Джаббаров И. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX-начале XX вв. // Занятия и быт народов Средней Азии // Среднеазиатский этнографический сборник. - Т. 3. - Л., 1971. - С. 75-76.

²³⁴ Қаранг, масалан: Джаббаров И. Указ. работа; Жданко Т.А. Работы Каракалпаковского этнографического отряда в 1956 г. // Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1954-1956 гг. - М., 1959; Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII-XIX вв...; Садыков А.С. Экономические связи Хивы с Россией. - М., 1965 ва бошқалар.

²³⁵ Қаранг, масалан: Этнография каракалпаков... - С. 156.

²³⁶ Қаранг, масалан: Васильева Г.П. Туркменские женские украшения // СЭ. - 1973. - № 3; Джаббаров И. Указ. работа; Жданко Т.А. Каракалпаки Хорезмского оазиса...; Савицкий И.В. Народное прикладное искусство каракалпаков. Резьба по дереву. - Т., 1965.

билан боғлиқ диний эътиқодлари, удум ва урф-одатларини таҳлил қилган ҳолда, қорақалпоқлар хўжалик тажрибаси ва маданияти қўллаб жихатларининг Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги бошқа халқлар, шу жумладан ўзбекларнинг хўжалик-маданий анъаналаридаги қўпгина ўхшаш ва умумий элементларни аниқладилар²³⁷.

Умуман, XX асрнинг 20-80-йиллари давомида этнографлар, тарихчилар, санъатшунослар, шунингдек ижтимоий фанларнинг бошқа соҳа мутахассислари бир қатор тарихий-этнографик мавзуларни, хусусан, моддий маданиятнинг анъанавий шакллари (уй-жой, кийим-кечак, озик-овқат), эркаклар ҳунармандчилигининг асосий соҳаларида ўз ифодасини топган, асрлар давомида шаклланган меҳнат тажрибаси (металл ва ёғоч ишлаш); амалий санъатнинг уй-жой ва кийим-кечакларни безатиш билан боғлиқ баъзи турлари (ўтов учун гилам буюмлари, кашталар ва ҳокозалар) ва бошқаларни тадқиқ этишда катта ишларни амалга оширдилар.

Маданият ва турмушнинг барча бу элементлари қорақалпоқ халқи этномаданий қиёфасининг асрлар давомида унинг этногенези жараёнида хўжалик тармоқлари, географик муҳит, этник тарих ва бошқа халқлар билан алоқаларга узвий боғлиқ ҳолда шаклланган хусусиятларига мансубдир. Бу эса, шубҳасиз, тушланган ва ўрганилган материалларнинг қорақалпоқ халқининг келиб чиқишига доир мураккаб муаммоларни ҳамда унинг алоҳида, ўзига хос моддий ва маънавий анъанавий маданиятининг шаклланиш тарихини тадқиқ қилиш имконини берувчи қимматли тарих-этнографик манба сифатида муҳим аҳамиятга эгаллигига далилдир.

Қолаверса, этнографиянинг вазифаси маълумотларни олиш, уларни тартибга солиш ва таҳлил этиш билангина чекланмайди. Ҳозирги кунда рўй бераётган миллий-маданий жараёнларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси узвий ва таркибий қисми бўлган Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиши концепцияси асосини ташкил этадиган умуммиллий-назарий муаммоларини ишлаб чиқиш зарур.

Муҳокама учун саволлар

1. Хоразм археология-этнография экспедицияси ходимлари ва катнашчиларининг илмий асарларини қандай таснифлаш мумкин? Бугунги кунда Хоразм археология-этнография экспедициясининг асосий библиографияси қандай?

2. С.П. Толстовнинг Хоразм археология-этнография экспедицияси асосида нашр этилган асосий асарларини айтинг.

3. Қўчманчиларнинг айрим гуруҳлари ўртасидаги хўжалик-маданий тафовутларини тавсифланг? Икки асосий хўжалик типларининг ўзаро

таъсири қандай бўлган?

4. Хоразм воҳаси манзилгоҳлари типларини ажратиш имконини берувчи мезонларни санаб беринг.

5. XIX аср охири - XX аср бошларидаги Хоразм воҳаси аҳолисининг хусусиятлари ва таркибини айтинг.

6. Қорақалпоғистон этнографиясининг XX асрнинг 20-30-йиллари биринчи ярмидаги ўзига хос хусусияти нимадан иборат?

7. Қорақалпоқлар маданияти ва турмуши, этногенези, этник таркиби, жамоа-уруғчилик тузуми хусусиятини, оила ва никоҳнинг қадимий шакллари таҳлил этинг.

8. Қорақалпоқлар зироатчилиги, сугориш усуллари, чорвачилигини тавсифланг.

9. Хоразм воҳаси буйича адабиёт ва архив манбалари, археологик маълумотларни ҳисобга олиш ҳамда тартиблаштиришда Хоразм археология-этнография экспедициясининг тутган ўрни?

10. Амударё этакларидаги табиий-географик шароитлар ва аҳоли қандай бўлган? Қорақалпоғистоннинг зироатчилик тизими ва қишлоқ хўжалиги экинлари; сугориш тизими; чорвачилиги ва балиқчилиги?

11. Қорақалпоқлар озик-овқати ва уларни тайёрлаш усуллари, халқ кийим-кечаклари, гиламдўзлиги, каштачилиги, безакларининг хусусиятларини тавсифланг.

12. Қорақалпоқларнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ удумлари, уй-жой, кийим-кечак ва озик-овқат билан боғлиқ расм-русум ва эътиқодлари?

13. Айрим йирик мадрасалар, шунингдек қадамжолар яқинида ташкил этилган диний марказлар қандай бўлган?

14. Қорақалпоқларнинг анъанавий машғулоти бўлган ва уларнинг жамоа хўжаликларида муҳим аҳамият касб этган ҳунармандчиликнинг аҳамияти?

15. Қорақалпоқ этногенези жараёнида хўжалик тармоқлари, географик муҳит, этник тарих хусусиятлари ҳамда бошқа халқлар билан алоқаларига боғлиқ ҳолда шаклланган қорақалпоқ халқи этномаданий қиёфасини айтинг.

²³⁷Қаранг: Этнография қарақалпаков... - С. 173.

ХУЛОСА

Ўрта Осиё жаҳон тарихий жараёнларида ҳар вақт улкан аҳамият касб этиб келган, шунинг учун унга турли мамлакат олимларининг қизиқиши юқори бўлган. Ҳозирги вақтда унинг минтақалари ҳудудида турли соҳадаги кўплаб халқаро ва қўшма экспедициялар фаолият олиб бормоқда.

Ўрта Осиёнинг ҳам табиий-иқлим, ҳам тарихий-миллий шароитларга кўра энг мураккаб минтақаларидан бири - Хоразм ҳисобланади. У Ўтроқ-деҳқончилик ва кўчманчилик, чорвачилик маданиятлари ўртасидаги доимий маданий ва этник алоқалар минтақаси, мураккаб этногенез жараёнларининг гоят муҳим чорраҳасидир. Қадимги Хоразм тарихи Ўрта Осиё жанубидаги кўҳна деҳқончилик минтақаларидан ҳам (Парфия, Маргиёна, Бактрия), шунингдек шимолдаги вилоятлардан ҳам (Чоч, Фарғона) анчагина фарқланувчи хусусиятларга эга бўлган жамият тарихидир. Ўрта Осиёга нисбатан Хоразмга ташқи кучлар таъсири кам бўлган. У жуда қисқа вақт Ахамонийлар ҳукмронлиги остида бўлган, аммо юнон-македон асоратига тушмаган. Бу жиҳатдан Қадимги Хоразм шимолий минтақага ўхшаш, лекин унинг ривожланиш даражаси Чоч ва Фарғонанинг ривожланиш даражасидан анча юқори бўлиб, жанубий минтақа жамиятининг ривожланиш даражаси билан тенг эди. Хоразм - Қадимги Шарқ ва антик тамаддун таъсирида мураккаблашмаган қадимги Ўрта Осиё жамияти ривожланишининг ёрқин мисолидир.

Хоразм тарихини ўрганишга С.П. Толстов ва у ташкил этиб, бу ерда 1937 йилдан фаолият олиб борган Хоразм этнография экспедициясига асос солди.

1945 йилда экспедиция номи археология-этнография экспедицияси деб ўзгартирилди. Экспедиция ишида археолог ва этнографлардан ташқари, географлар, геологлар, геоморфологлар, тупроқшунослар, антропологларнинг ҳам иштирок этиши, илк бор жаҳон амалиётида аэроосулларнинг кенг миқёсда қўлланиши - буларнинг барчаси экспедиция олдидан турган муаммолар доирасини, уларни ҳал қилиш жиҳатларини кенгайтириш имконини берди.

Аэроосуллардан фойдаланиш устуворлиги айнан Хоразм экспедициясига тегишлидир. Хоразм археология-этнография экспедицияси бугунги кунда ҳам техника жиҳатдан жуда яхши жиҳозланган экспедициялардан саналади. Замонавий фан ва техниканинг энг янги ютуқ ва усулларидан (бугунги кунда космосдан олинган суратлар натижаси) фойдаланиш ҳам экспедиция фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Экспедиция олдига: Амударё ва Сирдарёнинг қадимий ўзанлари тарихи, мазкур ҳудудларда аҳолининг жойлашиш тарихини ўрганиш, мавжуд даврлаштириш доирасида мамлакат тарихи ва маданияти айрим даврлари тавсифини теранлаштириш ва кенгайтириш, қадимги

хоразмликлар - Хоразм воҳасига ёндош кўчманчилар ва ярим кўчманчиларнинг ижтимоий тузумини тадқиқ қилиш сингари катор йирик муаммолар қўйилган.

Тадқиқотларнинг этник жиҳати барча ушбу даврлар учун жуда муҳим ва муфассал деб тан олинган. Бу анъанавий йўналиш экспедициянинг ҳозирги вақтдаги тадқиқотларида ҳам сақланиб қолган. Экспедициянинг кенг қўламдаги этнографик тадқиқотлари ҳам тарихий этнография муаммоларини, ҳам замонавий жараёнларни ўз ичига қамраган.

С.П. Толстов ўзи яратган китобларини дастлабки ҳисоботлардангина иборат деб ҳисоблаган. Аммо, улардаги хулосалар нафақат Хоразм минтақаси тарихига тааллуқли бўлган, балки жаҳон тарихи жараёнларини англашда муҳим аҳамиятга молик.

Кейинчалик Хоразм археология-этнография экспедицияси фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар экспедиция "Асарлар"и ва "Материаллар"ида чоп этилган. Тадқиқот натижалари экспедиция тамғаси остида нашр этилган кўплаб монографиялар ва мақола ҳамда ихтисослашган тўпламлар учун қимматли материал бўлиб хизмат қилган.

Барча бу асарларнинг ўзига хос жиҳати - аксарият минг йилликларни ўз ичига олувчи хронологик доирасининг кенглигидир.

Материалларни нашр этиш бирдан-бир мақсад эмас. Улар ҳар вақт умумтарихий хулосалар ва назариялар учун манба ва асос бўлиб хизмат қилади. Асарларда кенг қўламдаги: археологик, этнографик, антропологик, лингвистик ва бошқа манбалардан фойдаланилган.

Хоразм археология-этнография экспедицияси тадқиқотларининг асосий хусусиятларидан бири масалага ҳар томонлама ёндашувдир.

Суратлару хариталар, чизмалару расмларга, сермазмун дала материалларига бой бўлган бу китоблар вақт ўтиши билан ўзининг илмий аҳамиятини йўқотиш ўрнига, аксинча, ҳануз Хоразм тарихи бўйича бой манба бўлиб қолмоқда.

Хоразм археология-этнография экспедициясининг умуман тарих фани, хоссатан Ўрта Осиё тарих фанининг ривожланишидаги аҳамиятини бир сўз билан баҳолаш қийин.

Таъкидиаш жоизки, Қозоғистон, Туркменистон, Қорақалпоғистоннинг кўпгина ҳозирги олимлари дастлаб Хоразм археология-этнография экспедицияси мактабини ўтган, кейинчалик эса ўз мамлакатларида етакчи тадқиқотчилар бўлишган.

Хоразм археология-этнография экспедицияси олиб борган тадқиқотлар ва шу тадқиқотларга оид асарлар экспедициянинг узок муддатли фаолиятига қарамасдан, йиллар ўтса-да, ўз аҳамиятини йўқотмаган. Тадқиқот объекти ҳисобланган археологик ва этнографик материаллар тобора тўлдириб бориладиган, лекин қайта тикланмайдиган материаллардир. Ва ҳар қандай янги кашфиёт ҳам илгари олинган ахборотни фақат бойитиши ёки аниқлаштириши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами. - 14 жилдлик. - Т.: Ўзбекистон, 1996-2006.
2. Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. - М., 1969.
3. Андрианов Б.В. Народные традиции природопользования и экологические кризисы // Приаралье в древности и средневековье; Андрианов Б.В., Васильева Г.П. Опыт археолого-этнографического изучения покинутых туркменских поселений XIX в. // Изв. АН Туркм. ССР. - 1957. - № 2. - С. 99-106.
4. Андрианов Б.А, Глушко Е.В. Космическое ландшафтоведение и проблемы изучения зон экологического бедствия // Аральский кризис (историко-географическая перспектива). - М., 1991.
5. Андрианов Б.В., Итина М.А, Кесь А.С. Земли древнего орошения юго-восточного Приаралья: их прошлое и перспективы освоения // СЭ. - 1974. - № 5.
6. Андрианов Б.А., Левина Л.М. Некоторые вопросы исторической этнографии Восточного Приаралья в I тысячелетии н.э. // Археология и этнография Средней Азии. - М.: Наука, 1979.
7. Армарчук Е. А. Садвар - город на юге Хорезма. Автореф. дис. ... к.и.н. - М., 1992.
8. Археология Приаралья. - 1-5-жуз. - Т.: Фан, 1982-1991.
9. Вайнберг Б.И. Могильник Тумек-кичижик в Северной Туркмении // АО. - 1972. - М., 1973.
10. Вайнберг Б.И. Памятники кутусайской культуры // Кочевники на границах Хорезма... - С. 7-79;
11. Вайнберг Б. И. Монеты Древнего Хорезма. - М., 1977. - С. 49.
12. Вайнберг Б.И. Модели взаимодействия скотоводов и земледельцев по археологическим материалам из Хорезма и сопредельных областей Средней Азии // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. - Алма-Ата, 1987;
13. Вайнберг Б.И. Роль экологических факторов в формировании этнической территории (по археологическим материалам из Восточного Прикаспия и Приаралья) // Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. - М., 1990.
14. Вайнберг Б.И. Изучение памятников Присарикамышской дельты Амударьи в 70-х - 80-х годах // Скотоводы и земледельцы Левобережного Хорезма. - 1-жуз. - М., 1991.
15. Вайнберг Б.И. Этногеография Турана в древности VII в. до н.э.-VIII в. н.э. М.: Изд-во Восточная литература РАН, 1999.
16. Вайнберг Б.И., Левина Л.М. Чирикратская культура // Археология СССР. Степная полоса Азиатской части СССР в скифо-

сарматское время. - М., 1992.

17. Вайнберг Б.И., Левина Л.М. Чирикратская культура // Низовья Сырдарьи в древности. - 1-жуз. - М., 1993.
18. Вактурская Н.Н. О раскопках в 1948 г. на средневековом городе Шемахакала Туркменской ССР // ТХАЭЭ. - Т. I. - М., 1952.
19. Вактурская Н.Н. Раскопки городища Ургенч в 1952 г. // ТХАЭЭ. - Т. II. - М., 1958.
20. Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма // МХЭ. - 7-жуз. - М., 1963.
21. Вактурская Н.Н. Раскопки средневекового города Садвар // АО, 1973. - М., 1974.
22. Вактурская Н.Н. Раскопки на городище Садвар // АО, 1974. - М., 1975.
23. Вактурская Н.Н. Новые данные о городище Садвар // АО, 1975. - М., 1976.
24. Васильева Г.П. Туркмены нохурли / Среднеазиатский этнографический сборник. - ТИЭ. - Т. XXI. - М., 1954 - С. 190-220.
25. Васильева Г.П. Объяснительная записка к этнографической карте Ташаузской области и карты. Материалы к историко-этнографическому атласу Средней Азии и Казахстана // ТИЭ, новая серия. - Т. XVII. - 1960.
26. Виноградов А.В. Могильник Тумек-кичижик в Северной Туркмении // АО, - 1974. - М., 1975. - 520-521-б.
27. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. - ТХАЭЭ. - Т. XIII. - М., 1981.
28. Виноградов А.В. Исследования стоянки Толстова // АО, 1980. - М.: Наука, 1981. - С. 447.
29. Вишневская О.А. Культура сакских племен низовьев Сырдарьи в VII-V вв. до н. э. (по материалам Уйгаряка) // ТХАЭЭ. - Т. VIII. - М., 1973.
30. Вишневская О.А. Раскопки городища Джегирбент // АО, 1974. - М., 1975.
31. Вишневская О.А., Итина М.А. Ранние саки Приаралья // Проблемы скифской археологии. - М., 1971.
32. Воробьева М.Г. Керамика Хорезма античного периода // ТХАЭЭ. - Т. IV. - М., 1959.
33. Воробьева М.Г. Ранние терракоты Древнего Хорезма // История, археология и этнография Средней Азии. - М., 1968.
34. Воробьева М.Г. Дингильдже. Усадьба I тыс. до н. э. в Древнем Хорезме // МХЭ. - 9-жуз. - М., 1973.
35. Воробьева М.Г. Хорезмийские терракоты // Культура и искусство Древнего Хорезма. - М., 1981. - С. 184-194.
36. Воробьева М.Г., Лапиров-Скобло М.С., Неразик Е.Е. Археологические работы в Хазараспе в 1958-1960 гг. / МХЭ. 6-жуз. - М., 1963. - С. 175-182. - С. 198.

37. Галина Петровна Васильеванинг асосий илмий ишлари рўйхати (илмий фаолиятининг 55-йиллигига) // ЭО. - 2001. - № 3. - 150-б.
38. Городище Топрак-кала // ТХАЭЭ. - XII ж. - М., 1981.
39. Гудкова А.В. Ток-кала. - Т., 1964. - С. 23-25.
40. Гудкова А.В., Манылов Ю.П. Хорезм и его северные соседи в раннеантичное время // Всесоюзное научное совещание «Античная культура Средней Азии и Казахстана». - Т., 1979. - С. 38-41.
41. Гуломов Я.Ф. Хоразмнинг сугориш тарихи. Қадимги замонлардан хозиргача. - Т., 1959.
42. Демидов СМ. Туркменские обряды. - Ашхабад, 1976.
43. Джарылгасинова Р. Культура и быт корейцев совхоза «Раушан» Кунградского района Каракалпакской АССР // КСИЭ. - XXXV ж. 1961. - С. 54-63.
44. Дониёров А.Х. Мустақил Ўзбекистон этнографияси тарихшунослигининг айрим масалалари. - Т.: Янги аср авлоди, 2003. - 43 б.
45. Дониёров А.Х. Ўзбекистон этнографияси тарихидан айрим лавҳалар (XX асрнинг 20-80-йиллари). - Т.: Янги аср авлоди, 2003. - 80 б.
46. Дониёров А.Х. Некоторые аспекты развития этнографических исследований в независимом Узбекистане // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. - 2001. - № 1. - 50-57-б.
47. Дониёров А.Х. Ўзбекистон этнографияси тадқиқотчилар наздида // O'zbekiston tarixi. - 2001. - № 2. - 40-47-б.
48. Дониёров А.Х. Из истории этнографического изучения каракалпакского народа // Вестник Каракалпакского отделения АН РУз. - Нукус, 2001. - № 4. - С. 80-83.
49. Дониёров А.Х. Основные направления этнографических исследований Узбекистана конца XIX - начала XX вв. // Илмий тадқиқотлар ахборотномаси /Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети. - Самарқанд, 2001. - № 4. - 22-26-б.
50. Дониёров А.Х. К вопросу изучения этнографии каракалпакского народа (1920-1980-е гг.) // Вестник Каракалпакского отделения АН РУз. - Нукус, 2001. - № 6. - С. 62-65.
51. Дониёров А.Х. Проблема этногенеза узбекского народа в исторической литературе (К характеристике историографии вопроса) // Актуальные проблемы современной науки: Информационно-аналитический журнал. - М., 2002. - № 2. - С. 14-23.
52. Дониёров А.Х. Ўзбек халқи этнографияси бўйича 1940-1980 йилларда махсус этнографик журналда чоп этилган мақолалар хусусида // O'zbekiston tarixi. - 2002. - № 4. - 31-40-б.
53. Дониёров А.Х. Ўзбекистонда 1940-50-йилларда этнография фани ташкил этилишининг баъзи йўналишлари // Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети илмий тадқиқотлар ахборотномаси. - Самарқанд, 2002. - № 4. - 83-92-б.

54. Дониёров А.Х. Национальные традиции, обычаи и обряды в этнографической литературе Узбекистана (К историографии вопроса) // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. - 2002. - № 4. - 129-145-б.

55. Дониёров А.Х. XIX аср охири - XX аср бошларида Хоразм манзилгоҳларини ўрганиш (тарихнавислик тавсифи) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. - 2002. - № 6. - 75-80-б.

56. Дониёров А.Х. Политическая конъюнктура и научная этнография (К вопросу о влиянии политических моментов на научно-исследовательскую деятельность этнографов // Вестник Каракалпакского отделения АН РУз, - Нукус, 2003. - № 1-2. - С. 66-70.

57. Дониёров А.Х. 1960-1970 йилларда Ўзбекистонда этнография фанининг ривожланиши масаласига доир // Ilm sarchashmalari. Урганч давлат университети илмий-методик журналі. - Урганч, 2003. - № 1. - 16-24-б.

58. Дониёров А.Х. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихини ўрганиш (Тарихшунослик нуқтаи назаридан) // Мозийдан садо. - 2003. - № 1. - 18-23-б.

59. Дониёров А.Х. Проблемы традиционного и инновационного в новейшей этнографической литературе Узбекистана (1991-2002 гг.) ЎЗМУ хабарлари. - 2003. - № 1. - 48-56-б.

60. Дониёров А.Х. Развитие этнографических знаний в Узбекистане (40-50-е годы XX в.). Учебно-методическое пособие. - Т.: Молия, 2002. - 32 с.

61. Дониёров А.Х. Историография этнографии Узбекистана (60-70-е годы XX в.). Учебно-методическое пособие. - Т.: Молия, 2002. - 20 с.

62. Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии // Археология СССР. - М.: Наука, 1985.

63. Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков (монография) // ТИЭ АН СССР. - 9-жуз. - М.-Л., 1950. - 172 с.

64. Жданко Т.А. Каракалпаки Хорезмского оазиса // ТХАЭЭ. -1-ж. - 1952. - С. 461-566.

65. Жданко Т.А. Быт колхозников рыболовецких артелей на островах Южного Арала // СЭ. - 1961. - № 5. - С. 27-43.

66. Жданко Т.А. К вопросу о хозяйственно-культурном типе полуоседлых скотоводов-земледельцев-рыболовов дельтовых областей Средней Азии // Этнография и археология Средней Азии. - М.: Наука, 1968. - С. 148-154.

67. Жданко Т.А. Этнографические исследования Хорезмской экспедиции (народы, проблемы, труды) // Культура и искусство Древнего Хорезма. - М., 1981.

68. Жданко Т.А. Этническая история и историко-культурные связи народов Средней Азии и Казахстана в трудах этнографов // Проблемы этногенеза и этническая история народов Средней Азии и Казахстана. - 1-

жиз. Общие проблемы. - М., 1990. - С. 105-117.

69. Жданко Т.А. Этнографические исследования и этнографы Хорезмской экспедиции // ЭО. - 1997. - № 1. - С. 70-85; №2. - С. 15-33.

70. Жданко Т.А., Итина М.А. Сергей Павлович Толстов (1907-1968) // СЭ. - 1977. - № 2.

71. Итина М.А. Проблемы археологии Хорезма (к 40-летию Хорезмской экспедиции) // СА. - 1977. - № 4. - С. 41-51.

72. Итина М.А. Ранние саки Приаралья // Археология СССР. Степная полоса Азиатской части СССР в скифо-сарматское время. - М., 1992. - С. 31-37.

73. Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья // ТХАЭЭ. - X ж. - М., 1977.

74. Итина М.А., Левина Л.М., Неразик Е.Е., Рапопорт Ю.А. К 60-летию Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. // Этнографическое обозрение. - 1996. - № 6. - С. 19-33.

75. История, археология и этнография Средней Азии (к 60-летию С.П. Толстова). - М.: Наука, 1968.

76. История материальной культуры Узбекистана. - 30-35-жиз. - Самарканд, 1996-2003.

77. Кесь А.С. Природные факторы, обуславливающие расселение древнего человека в пустынях Средней Азии // КСИЭ. - 1958. - 30-жиз.

78. Ковалева Н. А., Рапопорт Ю. А. Траурная сцена в настенной росписи из Хорезма // ВДИ. - 1991. - № 2.

79. Кой-крылган-кала - памятник культуры древнего Хорезма в IV в. до н.э.-IV в. н.э. // ТХАЭЭ. - V ж. - М., 1967.

80. Левина Л. М. Поселения VII-V вв. до н. э. и «шлаковые» курганы южных районов Сырдарьинской дельты // Кочевники на границах Хорезма...

81. Левина Л.М. Керамика Нижней и Средней Сырдарьи в I тыс. н. э. - ТХАЭЭ. - VII ж. - М., 1971.

82. Левина Л.М. Елхарас // Древности Южного Хорезма. - ТХАЭЭ. - XVI ж. - М., 1991. - С. 80-154.

83. Левина Л.М. Этнокультурные процессы в Восточном Приаралье. - М., 1996.

84. Левина Л.М. Могильник Алтынасар // Низовья Сырдарьи в древности.

85. Лившиц В.А. Хорезмский календарь и эры Древнего Хорезма // Палестинский сборник. - 21(84) -жиз. - М., 1970. - С. 164, 165.

86. Лоховиц В.А. Раскопки караван-сарая на пути из Хорезма в Бухару // АО - 1974. - М., 1975.

87. Лоховиц В.А. Караван-сарай Верхнего Хорезма // Этнография и археология Средней Азии. - М.: Наука, 1979. - С. 118-122.

88. Неразик Е.Е. Материалы по землепользованию и землевладению в

Хорезме первых веков н. э. // Этнография и археология Средней Азии. - М.: Наука, 1979. - С. 42-47.

89. Неразик Е.Е. Раскопки Якке-Парсана // МХЭ. - 7-жиз. - М., 1963.

90. Неразик Е.Е. К проблеме развития городов Хорезма // Этнография и археология Средней Азии. - М.: Наука, 1979.

91. Неразик Е.Е. Сельские поселения афригидского Хорезма. - М., 1966.

92. Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XI вв.). Из истории жилища и семьи. - М., 1976.

93. Rapoport Yu.A. Chorasmia. Archeology and Pre-Islamic History // Encyclopedia Iranica / Ed. by E. Yarshater. Center of Iranian Studies. - Columbia University. N.Y., 1991. - V. - V. Fasc. 5. - P. 511-516; Nerazik E.E. Chorasmia: AD 250 to 750 // History of Civilizations of Central Asia. - V.III - The crossroads of Civilization. - Unesco Publishing, 1996.

94. Низовья Амударьи, Сарыкамыш, Узбой. История формирования и заселения // МХЭ. - 3-жиз. - М., 1960.

95. Низовья Сырдарьи в древности. - 1-жиз. - М., 1993; 4-жиз. - М., 1994.

96. Отчет о работах Бухарского отряда. - 1-5-жиз. - А: Гос. Эрмитаж, 1998-2003.

97. Рапопорт Ю.А. Из истории религии Древнего Хорезма (Оссуарии). - М., 1971.

98. Рапопорт Ю.А. Раскопки на городище Топрак-кала // АО. - 1970. - М.: Наука, 1971. - С. 416-417.

99. Рапопорт Ю.А. Святилище во дворце на городище Калалы-гыр-1 // Прошлое Средней Азии. - Душанбе, 1987. - С. 140-148.

100. Рапопорт Ю.А. Загородные дворцы и храмы Топрак-калы // Там же. - 1993. - № 4.

101. Рапопорт Ю.А., Лапиров-Скобло М.С. Раскопки дворцового здания на городище Калалы-гыр I в 1958 г. // МХЭ. - 6-жиз. - М., 1963. - С. 141-156.

102. Садоков Р.Л. Музыкальная культура Древнего Хорезма. - М., 1970.

103. Сергей Павлович Толстов (к 60-летию со дня рождения) // История, археология и этнография Средней Азии. - М., 1968. - С. 5-7.

104. Снесарев Г.П. Материалы о первобытнообщинных пережитках в обычаях и обрядах узбеков Хорезма // МХЭ. - 1960. - 4-жиз. - С. 143.

105. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. - М.: Наука, 1969.

106. Снесарев Г.П. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. - М., 1983. - С. 212.

107. Скотоводы Левобережного Хорезма. - 1-жиз. - М., 1991; - 2-жиз. - М., 1992.

108. Татьяна Александровна Жданкович асосий илмий ишлари

руйхати // ЭО. - 1999. - № 6. - 140-145-б.

109. Толстов С.П. Асарлари руйхати / Этнография и археология Средней Азии....-173-б.

110. Толстов С.П. Древнехорезмийские памятники Каракалпакии // ВДИ. -1938. - № 3.

111. Толстов С.П. Хорезмская экспедиция (предварительный отчет). // КСИИМК. - VI жуз. - 1940. - С. 70-79.

112. Толстов С.П. Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция АН СССР в 1945 г. - ИАН, СИФ. - 1946. - № 1.

113. Толстов С.П. К вопросу о происхождении каракалпакского народа // КСИЭ. - 1947. - №3. - С. 99.

114. Толстов С.П. Древний Хорезм. - М.-А. 1948. - С. 43-56.

115. Толстов С.П. По следам древних цивилизаций. - М., 1948.

116. Толстов С.П. Приаральские скифы и Хорезм // СЭ. - 1961. - № 4. - С. 114-145.

117. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарга. - М., 1962.

118. Толстов С.П. Среднеазиатские скифы в свете новейших археологических открытий // ВДИ. - 1963. - № 2. - С. 22-45.

119. Толстов С.П. Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция // АО-1967. - М.: Наука, 1968. - С. 332-333.

120. Толстов С.П. Работы Хорезмской экспедиции // АО. - 1968. - М.: Наука, 1969. - С. 409-411.;

121. Толстов С.П., Андрианов Б.В. Новые материалы по истории развития ирригации в Хорезме // КСИЭ. /1957. - 26-жуз.

122. Толстов С.П., Жданко Т.А., Итина М.А. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1958-1960 гг. // МХЭ. 6-жуз. - М., 1963. - С. 25-27.

123. Толстов С.П., Итина М.А. Саки низовьев Сырдарьи (по материалам Тагискена) // СА. - 1966. - № 2. - С. 151-175.

124. Толстов С.П., Итина М.А., Виноградов А.В. Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция // АО. 1966. - М.: Наука, 1967. - С. 303-307.

125. Топрак-кала. Дворец. - Труды ХАЭЭ. - XIV ж. - М.: Наука, 1984. - С. 15, рис. 3 и т.д.

126. Усманова З.И. Кафедре археологии ТапГУ - 50 лет // Древняя и средневековая археология Средней Азии. - Т., 1990. - С. 3-15.

127. Шалекенов У.Х. Казахи низовьев Амударьи. - Т.: Фан, 1966.

128. Этнография и археология Средней Азии (к 70-летию С.П. Толстова и 40-летию ХАЭЭ). - М.: Наука, 1979.

129. Юсупов Х. Древности Узбоя. - Ашхабад, 1968. - С. 154-178.

130. Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья. - М., 1996. Скотоводы и земледельцы Левобережного Хорезма. - 1-жуз. - М., 1991; Скотоводы и земледельцы Левобережного Хорезма. - 2-жуз. - М., 1992.

ХОРАЗМ АРХЕОЛОГИЯ-ЭТНОГРАФИЯ ЭКСПЕДИЦИЯСИ АСАРЛАРИ

I жуз. Полевые исследования Хорезмской экспедиции 1945-1948 гг. - М., 1957.

II жуз. Полевые исследования Хорезмской экспедиции 1949-1953 гг. - М., 1958.

III жуз. Материалы и исследования по этнографии каракалпаков. - М., 1958.

IV жуз. Керамика Хорезма. - М., 1959.

V жуз. Кой-крылган-кала - памятник культуры Древнего Хорезма IV в. до н.э. - IV в.н.э. - М., 1967.

VI жуз. Рапорт Ю.А. Из истории религии Древнего Хорезма (оссуарии). - М., 1971.

VII жуз. Левина Л.М. Керамика Нижней и Средней Сырдарьи. - М., 1971.

VIII жуз. Вишневская О.А. Культура сакских племен низовьев Сырдарьи в VII-V вв. до н.э. (по материалам Уйгарака). - М., 1973.

IX жуз. Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме. (I-XIII вв. н.э.) - М., 1976.

X жуз. Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья II-начало I тысячелетия до н.э. - М., 1977.

XI жуз. Кочевники на границах Хорезма. - М., 1979.

XII жуз. Гордище Топрак-кала (раскопки 1965-1976 гг.). - М., 1981.

XIII жуз. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. - М., 1981.

XIV жуз. Топрак-кала. Дворец. - М., 1984.

XV жуз. Виноградов А.В., Итина М.А., Яблонский Л.Т. Древнейшее население низовий Амударьи (археолого-палеоантропологическое исследование). - М., 1986.

XVI жуз. Древности Южного Хорезма. - М., 1991.

ХОРАЗМ АРХЕОЛОГИЯ-ЭТНОГРАФИЯ ЭКСПЕДИЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-жуз. Полевые исследования Хорезмской экспедиции 1954-1956 гг. - М., 1959.

2-жуз. Древнее население Хорезма: по данным палеоантропологии. - М., 1959.

3-жуз. Низовья Амударьи, Сарыкамыш, Узбой. История формирования, развития и заселения. - М., 1960.

4-жуз. Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1957 г. - М., 1960.

- 5-жуз. Могильник бронзового века Кокча 3. – М., 1961.
 6-жуз. Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958 г. Ч. 1. – М., 1963.
 7-жуз. Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958-1961 гг. – Ч. 2. – М., 1963.
 8-жуз. Виноградов А.А. Неолитические памятники Хорезма. – М., 1968.
 9-жуз. Воробьева М.Г. Дингильдже. Усадьба I тыс. до н.э. в древнем Хорезме. – М., 1973.
 10-жуз. Виноградов А.В., Мамедов Э.Д. Первобытный Лявлякан: Этапы древнейшего заселения и освоения Внутренних Кызылкумов. – М., 1975.

ҚИСКАРТМАЛАР РҮЙХАТИ

- АО – археологические открытия.
 ВДИ – Вестник древней истории.
 ИИА АН Уз ССР – Институт истории и археологии АН УзССР.
 ИМКУ – История материальной культуры Узбекистана.
 КАТЭ – Кашкадарьинская археолого-топографическая экспедиция.
 КСИИМК – Краткие сообщения Института истории материальной культуры АН СССР.
 КСИЭ – Краткие сообщения Института этнографии АН СССР.
 ИАИ СИФ – Известия Академии наук. Серия истории и философии.
 МИА – Материалы и исследования по истории и археологии СССР.
 МХЭ – Материалы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции Института этнографии АН СССР.
 СА – Советская археология.
 САГУ – Среднеазиатский государственный университет.
 ТАКЭ – Термезская археологическая комплексная экспедиция.
 ТХАЭЭ – Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции Института этнографии АН СССР.
 ХАЭЭ – Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция.
 ЮГАКЭ – Южнотуркменистанская археологическая комплексная экспедиция.

Хоразм археология-этнография экспедицияси Ўзбекистон этнография фанида (Бакалавриятнинг 5220200-Тарих (мамлакатлар ва минтакалар бўйича) таълим йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма). Дониёров А., 84 б.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими методик бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2007 йил 23 февралдаги 5-сонли баённомасига мувофиқ тарих факультети талабалари учун ўқув қўлланмаси сифатида нашрга тавсия этилган

Алишер Худайбердиевич Дониёров

**Хоразм археология-этнография
экспедицияси Ўзбекистон этнография фанида**

Ўқув қўлланма

Мухаррир Ш.Ш.Собитов
Рассом Б.Мадиёров
Мусахҳиҳ Р.Одилова

Босмага рухсат этилди 10.07.2007 й.
Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 5,8 б.т.
Адади 1000 нуска.
Баҳоси келишилган нархда
Буюртма № 215.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети босмахонаси
Ўзбекистон шохкучаси, 49.

© Алишер Дониёров, 2007